

Дундар Алп

ШАРҚНИНГ ЭНГ  
БУЮК ХУКМДОРИ



ТЕМУР

Дундаф Алл

# ШАРҚНИНГ ЭНГ БУЮК ҲУКМДОРИ



# ТЕМУР

Роман

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI

32948  
ToshDO TAU

AXBOROT-RESURS MARKAZI

ТОШКЕНТ — «O‘ZBEKISTON» — 2018

УЎК 821.512.161.-31

КБК 84(5Турк)

А 54

Усмонли туркчадан **Тоҳир ҚАҲҲОР**  
ва **Собир САЙХОН** таржимаси

Инсоният тарихида буюк саркарда ва жаҳонгир сифатида из қолдирган аждодимиз Амир Темур ҳақида ёзилган ҳар бир илмий ёки бадиий асар бугунги кишилар учун ибратлидир. 1912 йилда Истанбулда нашр этилган бу роман Темур мавзусида туркчада ва умуман туркий тилларда яратилган илк романдир. Унда ёш Темурнинг жўшқинлиги, инсонпарварлиги ва бағрикенглиги, ҳар бир ишни ақл тарозисида ўлчаб иш юритгани боис ўша даврнинг энг суюкли ва буюк хоқонига айлангани содда ва равон усулда кўрсатиб берилган.

Амир Темурнинг шахсий жасурлиги, у ҳукмронлик қилган даврдаги халқ жасорати, меҳр-оқибат, садоқат каби умрбоқий туйғулар ёрқин бўёқларда акс эттирилган.

Ўйлаймизки, буюк бобокалонимиз Амир Темур ҳақидаги бу асар ўзбек китобхонларини ҳам бефарқ қолдирмайди.

ISBN 978-9943-25-427-5

© Тоҳир Қаҳҳор ва бошқ. (тарж.), 2018

© «O'zbekiston» НМИУ, 2018



## МУҲТАРАМ ТУРКЛИККА

(Сўзбоши)

Бир неча кун муқаддам «Шарқ» театрусинда «Темурланг»<sup>1</sup> номли бир пийесанинг томошага қўйилшини эшитишим биланоқ мен ҳам тарихини, ўтмишини бу саҳналардан ахтарган ватандошларим каби ўша ёққа ошиқдим.

Буюк хоқон Темур билан ҳашаматли султон Йилдирим Боязид орасидаги арзимас келишмовчилик боис чиққан уруш ва унинг оқибатларини бетарафона муҳокама этадирган бир саҳна ўйинини кутардим. Бироқ янглиш ёзилган тарихий воқеаларнинг хатоли талқинлари кўрсатилди.

Менимча, муаллиф нотўғри, бирёқлама битилган тарихни қабул қилган ва уни кенгайтириб кўрсатишини истаган бир шахсдир.

Бу икки даҳо орасидаги мағлубият тарихларидан, яъни вужудини қорасон қоплаган муаззам Усмонлилар императўрлигини қутқармоқ учун тақдирнинг санчиган ништари аччиғи билан ёзилган тарихларимиздан бетарафликни кутмоқ ўринсиздир, зотан улар муқояса этилмасдан битилгандир. Аммо мен йигирманчи асрда яшаб туриб бундайин муҳокамасиз, бўҳтонли тарихларни, талқинларни қабул қилолмайман, албатта.

Темурнинг Йилдирим Боязидга ёзган хатида турклар бирлиги борасидаги шоҳона таклиф бўлганлигини ва султон Йилдиримнинг, айтиб ўтганимиздек, кичик бир англашилмовчилик юзасидан унга юборган мактубидаги хитобида «дайди ит» деган баландпарвозона ибора қўллагани орага нифоқ солганини назарга олсак, бор ҳақиқат ўртага чиқади. Шунча йиллардир икки турк сулоласининг чиқишолмаслигига, қар-

---

<sup>1</sup> Роман матнида ҳам жаҳонгир исми шундай ёзилган, таржимада Темур деб олинди (тарж.).

дошларнинг келишолмаслигига ягона сабаб – ана шу кичик ҳақиқатнинг катта-катта бўҳтонларга, мағлубият алами билан сўйланган аччиқ-аччиқ ҳақоратларга йўл очгани эмас-микин?

Темур ва Йилдиримнинг бири волиб, бири мағлуб бўлса ҳам, Усмонлилар салтанатига кўрсатган хизматлари сиёсатчилар наздида инкорсиз бир ҳақиқатдир.

Темур Усмонлилар баданидан анчагина қонлар оқитти, бироқ бу қорасонга йўлиққан вужуддан жарроҳлик жараёнида тўкилган қон ва йирингдан бошқа нарса эмасди.

Темур Усмонлилар кўксидан бир неча яра очди, фақат бу ишни у Усмонлилар жаллоди бўлмоқ учун эмас, балки унинг муҳташам ҳаётини, муқаддас мавжудиятини қутқармоқ учун бажарди. Вазифаси-да бир жарроҳлик эди.

Бутун тарихларда истакли ё истаксиз ўлароқ ёзилганидек, Темурнинг мақсади, фикри-зикри турклар бирлигига хизматдан иборат эди. Ана шунинг учун у бунчалар қонлар тўктирди, ана шунинг учун у буюк ва қутлуғ бир қардоши Йилдирим Боязид билан урушга киришди, ана шунинг учун у Осиёни бошдан-оёқ отда босиб ўтди ва шу йўлда унинг номи қонхўрга чиқди, жуда кўп қийинчиликларга, йўқотишларга чидади.

Буларнинг барчасини турклик учун, туркларни бирлаштирмоқ учун қилди.

Бу йўлда ҳеч бир монелик, ҳеч бир қудрат уни бу муқаддас азмидан қайтаролмади, қайтаришга муваффақ бўлолмади...

Вожаб! На буюк зот эмиш бу Темур! Ватани учун, миллати учун чидаб бўлмас қийинчиликларга чидаган, фидокорликлар кўрсатган улуғ инсон! Фақат миллатини юксалтмоқ учун қардошларини, қардоши Йилдиримни ҳам аямаган қўмондон!

Бу, онаси учун – ватани учун шунчалар фидокорликлар қилган буюк Темурга шу муҳтарам онанинг авлодлари кўрсатган эҳтиром шуми? Унинг хизматларига муносабат, шукрона ҳадияси буми?

Бу қандай қадршуносликки, онасини қутқармоққа ўзини бағишлаган бир халоскорни тухматларга, ҳақоратларга

кўмиб ташласалар... Бу қандай кўр эҳтиросу интилишки, икки турк хонадони орасида кичик бир тушунмовчилик натижасида вужудга келган келишмовчиликни мангу давом эттирмоқ истарлар...

Бу қандай жаҳолатки, миллатнинг кўзини парда билан тўймоқчилар, бир-бирлари ўртасига нифоқ солмоқчилар, уларни ёвлаштирамоқчилар...

\* \* \*

Рўмонимизнинг ғояси Темурнинг ҳаёти ва тутган сиёсатини кўрсатмоқдир. Ана шу мақсадда қўлга қалам оларканмиз, билдирилажак эътирозлар ҳаёлга толдирди ва иккилантирди, бироқ асардаги воқеалар ҳақиқий тарихий ҳодисаларга мос эканлигини ўйларканмиз, китобхондаги шубҳалар ҳам қуёш тафтидан эриб битган муз парчаларидай йўқолишига қаноат ҳосил қилдик-да, ишга киришдик.

Темур ҳақидаги эътирозларнинг энг каттаси унинг «қонхўр», «золим» бўлганлигидир. Аммо бу ўша замонда, у яшаган ўрта асрларда табиий ҳол эканлигини эсдан чиқармаслик керак. Аслида, айрим ғаразкор тарихларда ёзилгани каби бемаъни, сабабсиз золимликни Темурда топа олмаслигингизга имонимиз комилдир.

Энди айтинг-чи, қайси жаҳонгир қонлар тўкмаган?

Қайси жанговар жонларни ўтда ёқмаган?

Бугун энг маданиятли деб танилган мамлакатларда барча замонларда ҳам кўкка кўтарилган Наполеонларга, иккинчи Фредерикларга, дали Пётрлару Ханибалларга тўккан қонлари учун қандайин маъзурият кўрсата олулар? Султон Ёвузнинг Эронга юришини муҳаққақ ва сиёсат тақозоси дея эътироф этган тарихчилар, ажабо, не учун Темурга эътироз этавердилар?

Дейшингиз мумкинки, Султон Ёвуз Эронга сафари билан Усмонлининг манфаатларини қўриқлади, фақат Темур... Ғояи аъмоли туркларнинг бирлиги экан, нечун бунга эришолмаган ва нечун сиёсати натижаларини камоли муваффақият-ла тарихга биттира олмаган?..

Маълумдирки, ғоя ва муваффақият бошқа-бошқа нарсалардир.

Султон Ёвузнинг ислом бирлиги гоёси байроғи остида Мисрга юриш қилганини, қайси йўллар билан қандай сиёсий натижаларга эришганини тарихдан биламиз. Ёвузни, тутган сиёсатини янада шуҳратли қилган унинг Шаҳболдаги муваффақиятидир. Шунинг учун Ёвузни дунёнинг энг буюк подшоҳи дейишади.

Энди бир ўйлаб кўрайлик: Наполеон Мўсқўвни олди, Пруссия қироллигини маҳв этди, Италига қўшин тортди – гоёси, мақсади бир лотин бирлигини вужудга келтириш эмиш.

Буни бажара олмагани ҳолда қанча-қанча қон тўкканини, Мўсқўвга енгилганини, қанча-қанча инсонни қурбон берганини рўкач қилиб нечун Наполеонни қонхўр дейишмайди, таҳқирлашмайди – буни ҳам ўйлаб кўрайлик.

Франсузлар ҳам ва ёхуд Наполеондан ёмонлик кўрган бошқа жабрдийда қавмлар ҳам нега тарихларда уни лаънатламайди-да, Усмонлилар ўз тарихларида Темурни нечун бунчалар куткулашади? Бу ҳам етмаганидек, нечун театру саҳналарида Темур қилмаган ишларни қилди дерлар, нечун Темур умрининг ҳеч бир даврида бошидан кечирмаган, кўрмаган хаёлий воқеаларни ҳаётий дея гаддорлик этурлар?..

Йўқ! Мухтарам ўқувчиларим, Осиёда яшаб ўтган, сиёсат майдонида жавлон урган ҳукмдорларни кўз ўнгимиздан ўтказганимизда, Темур ҳам Султон Ёвуз каби обидаи ҳарбиядир – қаҳрамонлик ҳайкалидир!

Йилдирим Боязид билан курашга киришига сабаб Темурнинг ўзи эмас, қисматдир; бу уруш қазои қадарнинг бир ҳукмидир. Бу ҳукмга Йилдириму Темур, татару турк биргаликда бош эгишга мажбур бўлдилар.

Бунинг учун ўтмишда кечган икки қардош завғосини деб уларнинг авлодлари ўртасига нифоқ уруғини экмакнинг ҳеч кераги йўқ.

Фалак қаҳрига учраган ва тарихда қолган қаҳрамонлар орасида ўз қозонган мавқеини танитолмаган бир хоқон бўлса, у фақат Темурдир. Даҳоси ва сиёсатининг акси зарбасига йўлиққан бир қўмондон бўлса, у ҳам Темурдир.

Темур ҳукумат ҳаётини муҳофаза этмак учун шундайин асослар яратган ва шундайин мустаҳкам бир давлат биносини вужудга келтирган эдиким, агар ундан кейин келганлар

ўша йўлда хизмат этсаларди, у доҳийнинг тамалини қўймиш ўша сиёсат, ўша салтанат абадиян яшарди.

Давлатни бошқариш нуқтаи назаридан Темур буюк бир бошланғичдир, ҳикмати ҳукумат булоғидир. Жаҳон халқлари ўз қиролларини, хонлари ва подшоҳларини Тангри йўлидаги бир манзил ёки Аллоҳнинг ердаги сояси деб билган бир замонларда Темур ўзини бошқача тутган, инсонларни ўзига сажда эттиришга қодир бўла туриб бу ишни қилмаган, фақат давлатни ўйлаган. Кейинги даврларда дунёда шаклланаётган миллий ҳокимиятни ўз даврида у кашф этган; тузуклари, сиёсий тутумлари билан улусига қонун ҳукмронлигини кўрсатмоққа интилган, фақат бунга эришолмаган. Темур даҳосининг ёдгори бўлмиш қурултой (мажлиси маъбусон – депутатлар кенгаши) унинг қийматини, буюклигини кўрсатувчи бир тарихий ҳақиқатдир. Темурнинг кимлигини англамак учун биргина ўша шох асарни – қурултойни билмак ҳам етарлидир.

\* \* \*

Рўмонимизни ўқишга киришган мухлислар кўз олдида Темур ҳаёти акс этган воқеалар жонланаркан, бундан руҳий лаззат туюшлари шубҳасиздир. Қўлимиздан келганича тарихий ҳақиқатларни ёритишга ва китобхонни мамнун этишга интилдик.

Дундар АЛШ  
18 август 328<sup>1</sup>, Қизтоши

<sup>1</sup> Ҳижрий 1328, милодий 1910 йил (тарж.).





## I. НОМАЪЛУМ ОТЛИҚ

1350 милодий йили. Туркларнинг асл ватани Мовароуннаҳрда ва унинг теграсида аҳолига таскин берувчи, тинчликка чорловчи бир руҳ ҳукмрон. Қуёш Туркистон саҳроларини қиздириб-ковуаркан, ёруғ кенгликларда юрган арслон юракли турк жанговарларининг найзалари учида жилваланган нурлар улар манглайдаги шараф нишони каби ярқирайди.

Хусайн Қуртнинг бош кўтаришидан ғазабланган, томирларида турклик қони қайнаган барча қаҳрамонлар оёққа қалқишди, урушқоқлик ҳислари жўш уриб, майдонга тўпланишди. Улар жалоийр хонадони донгини юксалтирган, улуг вазир Қазағаниннинг чопарини кутишмоқда.

Ниҳоят, қуёшнинг ёқувчи ёғдулари остида кумуш туғини ялтилатиб келаётган отлиқ – хабарини қичқириб билдираётган чопар ҳам кўринди. Унинг ҳайқириғи вазиятнинг нозиклигини тасдиқларди:

– Хусайн Қурт юртимизга бостириб кирди! Онасини суйган қаҳрамонлар, Тангрисини таниган жанговарлар, миллатини қутқармоқ истаган арслонлар, қуроуланинги! Улуғимиз Қазаған барча турк хоңларини ўз жангчиларини тўплаб, ватанни қутқармоқ учун сўғишга киришини буюради!.. Қани, барча қўлига қурол олсин!

Халқ орасида алғов-далгов юз берди. Чопарнинг товушини эшитган ҳар ким ўз уйига, қуроулланмоққа ошиқди. Жарчи илгарилаб бораркан, ҳар ўн одимда хабарини такрорларди. Уни эшитган ботирлар ўз маконларига қараб югуришар, чодирлари тирагига осифлиқ ўқ-ёйларини, найзаларини олиб, уруш кийимларини кийишиб, отларига сақраб минганча йиғноқ майдонига чопишарди.

Улус тўпланди. Эл ва беклар кенгашдилар, вазиятни муҳокама қилдилар. Юртга бостириб кирган Хусайн Қуртга қарши урушмоққа қарор берилди.

Аслида-ку уруш бошланганди.

Давлатининг ички тизимида ўзгариш, ислохот ўтказишга киришган Қазаган ўз бошлаган иши билан машгул экан, ўлкадаги бошқарувнинг кучсизланганини гумон этган Хусайн Қурт фурсатни қўлдан чиқармасликка тиришди.

Турклар юртига тўсаттан бостириб кирган Хусайн Қурт зафар қозонишга қаттиқ умид боғлаганди. Зотан, Қазаганнинг ўз идорий ишлари билан овора эканига, шу учун унчалик қаршилиқ кўрсата олмаслигига ҳам инонарди. Шу боис пайтдан фойдаланиб, кучига-куч қўшиб, бирданига зарба бера туриб, турклар ўлкасини тамомила эгаллаб олишга қарор қилганди.

Унинг бу ҳаракати турклар мамлакатаида муҳим бир акс садо берди: халқ барча ишини ташлади, қўлига қурол олди ва ватан мудофаасига отланди. Жанговар туркларнинг босқинчи Хусайн Қуртга нафрати кучли эди, шунинг учун қарши ҳужумлари ҳам даҳшатли бўлди. Шақаллар инига сукилиб кирганида қаҳрланган арслонлар каби туркларнинг ҳам ғазаби қайнаганди. Улар бирлашиб шундай уруш қилишдики, ёв бунга чидай олмасдан чекинди ва тирқираб қочиб қолди. Турклар уларни Хуросонгача қувлаб келишди. Мовароуннахр аскарлари Хуросон кўксига ўтқир ўқдай санчилди. Турк ўрдуси Хусайн Қурт қўшинини янчиб ташлади, зафар қозонди.

Бироқ бу голиблик осонгина қўлга кирмади. Ўрдудаги ҳар бир ботир жонини тикиб уришди, бир қўпи сўғишларда шаҳид тушди. Қазаганнинг қўшини Туркистондаги турли турк уруғларидан тузилганди. Улар орасида барлослардан чиққан ёш, жасур бир жангчи ҳам бор, у Абу Тарағайнинг ўғли Темур эди.

\* \* \*

Туркларнинг Хуросонга кириб боришидан уч кун олдин, эрта тонгда, катта Хуросон йўлида бир отлиқ кўринди. Суворий қушдай учиб келарди. Бомдод вақтида ҳам у отдан тушишни, бироз тин олишни ўйламасдан, ҳамон аргумоғини елдириб борарди... У ўт-оловдай йўл босиб ўтаркан, воҳаларни, чўлларни, қирлиғу тепаларни, тоғларни отининг туёғи остига тўплагандай ўзини қудратли сезарди.

Кенг дунё унинг тўриқ оти оёқлари тагида кичкина бир майдонга айланганди гўё. У қанотланган саҳобадай учарди, учарди, учарди...

От чиқарган чанг-тўзон ўтмишларни пардалаб, келажакнинг порлоқ саҳифаларини кўрсатмоқчи бўлгандай мовий кенгликларга юксалар, отлиқ эса олға интилар эди.

Кун ёришаркан, кимлиги номаълум бу отлиқ Хуросонга етиб борди. Шаҳар чанг ва тутун билан қопланган, атроф яхши кўринмас, уфқни қора булутлар эгаллаган эди. Хусайн Қуртнинг одамлари келган отлиқни пайқашмади, барча ўз иши билан машғул эди. Бундан фойдаланган номаълум киши бир уйга кириб ўрнашди. Сўнгра бозорга чиқиб, хуросонликлар киядиган кийим-кечаклардан сотиб олди. Уларни кийиб, посбонга учрашди. Посбоннинг кашшок бир оиладан эканлигини у олдиндан сўраб-суриштириб, билиб олганди.

Қоровуллар тўпланадиган чойхонага киргач, у ўзини танитмоқ учун атайлаб ҳалиги посбоннинг қаршисига бориб ўтирди. Унга синчиклаб боқаркан, самимий суҳбатлашди ва орада уни синаб кўрди. Охирида унинг кўзларидан, сўзларидан очкўз киши эканлигини, озгина бир нарса, совға бериб, бир қанча ишлар қилдириш мумкинлигини англади. Ўзини танитмасдан, яна ўтирган ерида сўраб-суриштиришни давом эттирди.

Номаълум йигит кулумсираганича суҳбатлашиб ўтираркан, теваарақдагиларни кузатар, вазият ҳақидаги тасаввурини янада тўлдиришга тиришар эди. Бир пайт посбон баланд овозда аллакимни ёмонлаб, ёқасини олифталарча силкаб, иғво қозонини қиздириб, ўша куни юз берган бир воқеани сўйлай бошлади. Теградагилар унга шундайми деган маънода қизиқсиниб қараб, тинглашар эди. Номаълум йигит ҳам унинг сўзларига жон қулоғини тутаётганини билдираётгандай янада яқинроқ сурилди. Қоровул эски суҳбатдошини топиб олгандай севиниб, завқ билан гапни кўпиртирар, унга қараб хитоб қилар эди.

Номаълум киши суҳбат асносида қоровулни чой ва қаҳва билан сийлади. Бу унга мойдай ёқди. Охири посбон номаълум йигитнинг қўлини қўлига олиб, эски дўстдай дардлаша бошлади, унга бутун ҳаёт ҳикоясини айтиб берди. Қоровул унинг эътиборини тортиш учун бор ҳунарини кўрсатмоқда

эди. Кўп сўзлаган кўп чалғийди деган оталар сўзи бор. Бу одам, лақмалиги етмагандай, бироз аҳмокроқ ҳам эди. Суҳбат сўнгида қоровул тамоман юмшади, йўлга юрадиган ҳолга келди. Шунда номаълум киши:

– Модомики, лутф этиб, менга шунчалар киймат бериб... – дея кулумсираб, синчковлик билан унинг юзига боқди. Кўз-кўзга тушган аснода, «фақат...», дея тараддудланди. Олдиндан тайёрлаб қўйилган бир халта ақчани унга беркитиқча тутказди. Қоровул энг ичида узатилган қизил халтача иссиқлигини туяркан, ақча исидан маст бўлиб, сўзини йўқотиб қўйди. Бироздан кейин ўзига келди.

– Шу, мен сал наридаги даламда кечгача ишлаб, чарчаб қоламан, денг. Йўқчилик, етишмовчилик ёмон. Шунақа пайтлар бўладики, ишдан кеч қолмаслик учун умримнинг энг қимматли дамларидан ҳам воз кечишга тўғри келади... – дея чайналди.

– Э, яшанг! – деди кулумсираганича номаълум йигит. – Модомики, сиз умрингизнинг энг азиз онларини шунақа ишларга бағишларкансиз, энг муҳими, шундайин бир саховатли инсон бўла туриб, нечун мендан яхшилигингизни аяйсиз?

– Астаффируллоҳ, тақсир, унчалик эмас-ов! Фақат бошимдан... – дея гудранди, «бошимдан ажралиб қолишдан кўрқаман» дея олмади.

– Э, Худойим-эй, қизиқ одам экансиз-ку, нима, менга нишонмайсизми? – деди номаълум киши, орада яширинча яна нимадир узатди.

– Кечирасиз, тақсирим... – дея тараддудланди қоровул ва сўзи кесилди. Чунки унинг кўзи номаълум йигит қўлидаги қизил халтачага тушиб қолганди. Севинчдан қоровулнинг юраги ўйнаб кетди. Шошилиб: – Сиздайин сахий ва олийҳиммат зотнинг сўзини икки қилиб бўларканми, бу инсофдан эмас! – дея хитоб этди. – Нени истасангиз, барчаси бош устига! Қачонки қалъа девори ёнига келиб, пастдан туриб мен ғариб-фақирни чақирсангиз, кифоя, дарвоза калитини бурждан ташлаб юбораман. Ичкарига кириб олгач, калитни менга қайтариб берасиз, – деди сирли қилиб.

– Кўп яхши! – деди номаълум йигит.

Шу билан суҳбат тугагандай бўлди. Иковлон кечки пайтда кўришмоққа келишиб, ўринларидан туришди ва айрилишди.

Номаълум йигит кирага турган уйига қайтгач, ўз юртини, севгилисини ўйлаб, юраги сиқилди. Ҳаяжонини, оғир хаёллар тўлқинини босиш учун ёлғизликни ихтиёр этиб, анчагача ўйланиб ўтирди. Бутун руҳини ишқ ўти қоплаб олган, бу ўтда йигитнинг борлиги ёнар, унинг бу кайғули ҳолати ғамга берилиб, ерда чўзилиб қолган арслонни эслатар эди.

Унинг кенг ва ҳайбатли кўкси нафас олишига мос тарзда кўтарилиб-тушар, маънос юзида жасур қалбининг шиддатли туйғулари акс этар, бу кўриниши билан у эртаклардаги ошиқ қаҳрамонларга ўхшаб кетар эди. Йигит чиндан ҳам ошиқ эди. Руҳидаги ишқ изтироби шунчалик тўлқинланган эдики, инграётганини ўзи ҳам сезмасди. Бу аччиқ ва тотли ишқ ингроқлари нарироқда ухлаб ётган мусофирларни уйғотиб юбориши мумкинлиги эса йигитнинг хаёлига ҳам келмасди.

У анча пайтгача ўйланиб, уф тортиб, ихтиёрсиз инграниб ётди ва ниҳоят, ярим кечаси ухлаб қолди.





## II. ТУТҚУНЛИК

Эртаси кун эрта тонгда Хуросон қалъасидан бир тўп киши ташқарига чиқишди. Улар орасида ҳалиги номаълум йигит ҳам бор эди. У от устида савлат тўкиб ўтирар, жасур бир кўрки билан барчадан ажралиб турарди.

Йигит қалъа дарвозаси қоровуллари ёнига, бурчакка яқинлашаркан, ўзини кутаётган посбонга дуч келди. Саломлашиб ўтиб кетмоқчийди, кеча олган сариқ олтинлари тотини унутолмай, ҳалигача яйраётган қоровул унга елимдай ёпишиб олди.

– Тақсир, кечқурун қайси соатларда қайтасиз? – деди у ялтоқланиб.

– Кўрамиз. Ҳозирча аниқ эмас, бироз кеч қолсам керак, – деди йигит.

– Шу яқинда, ҳув анави ерда даласи, боғи бор мухтарам Саидали оқшом тўртларда ташриф буюрмоқчи эдилар-да... – дея чайналди қоровул сирли қилиб.

– У зот ким ўзи? – дея сўради йигит.

– Кечқурун унга сиздан гап очган эдим, қалъага киришларига фақатгина мен йўл очиб бероламан, деди... – қоровул фикрини тўла айтолмай қолди, чунки йигит унинг сўзини бўлди.

– Мен бироз кеч қайтаман, – деди-да, бу ерда кўп туриб қолиш хавfli эканини туюб, қоровул олдидан тезроқ ўтиб кетиш учун отини ниқтади.

Шу куни оқшомгача атрофга тарқалган қўшинини қидирди, аммо аскарлар изини тополмади. У қаттиқ ўйланарди, фикру хаёлини бир чигал ўраб олганди. Бу чигал кечқурун соат тўртда келиб, калитни унга берадиган Саидали билан боғлиқ эди. У Саидалининг қўлидан калитни олмоқчи; бироқ ўзини унга ҳам, қоровулга ҳам танитмоқчи эмас. Ҳамма гап шунда. Агарда Саидали калитни бермаса, у билан талаш-

ши керак... Иш жанжалга бориб етса, сир очилиб қолмаслиги учун уни, албатта, ўлдириши лозим... Йигит шу қарорда тўхтаб, қалъанинг пана бир ерига келиб беркинди.

Бир пайт қаршидан яхшигина кийинган киши кўринди. Ҳар ҳолда бу ўша бўлиши керак, дея кўнглидан кечирди йигит. У ўз отини панада қолдириб, олдиндаги отлиқ ортидан юрди.

Осмон булутли, атроф қоронғи, кўрқинчли эди. Хуросонликлар устига бир бало ёғилаётгандай, теварак ваҳимали туманга бурканган, ғамгин кўринишда эди. Қоронғида бораётган бу икки кўрқинчли кишининг орқадагиси ўлжасининг изига тушган уста овчига ўхшарди. У отлиқни кузатиб илгариларкан, кўзлари порлар, бу ўлжа кўлидан қочиб қутулдолмаслигини ўйлаб, ичида севиниб кўярди.

Отлиқ бурчакда тўхтаб, пастдан юқорига – қоровулга қарата овоз берди.

Бу орада номаълум йигит ўзини уларга танитмаслик учун уст-бошини ечиб, тескари кийиб олди. Сўнгра бурчакка яқинлашди.

Тепадаги қоровул калитни ҳалиги одамга отди. Буни кўрибоқ йигит унга яқинлашди ва:

– Кечирасиз... – деди. – Рухсат берсангиз, мен ҳам ичкарига кирайин...

– Йў-ўқ! – деди ҳалиги одам. – Бу соатдан кейин қалъага ҳеч ким киролмайди! Кириш ҳаққи ёлғиз менга берилган.

– Кириш ҳаққидан мен ҳам фойдаланмоқчиман, – деди йигит пинагини бузмасдан.

– Қандай фойдаланаркансиз?! – деди отлиқ аччиғи чиқиб.

Йигит унга талпинди ва калитни олмоққа интилиб:

– Очқични сиздан тортиб олиш йўли билан! – деди.

Бироқ қаршидаги киши йигитдан ҳам эпчилроқ экан шеклли, калитни авайлаб чўнтагига солди-да, чакқонлик билан қиличини қинидан суғурди. Йигит ҳам ўқ тезлигида ҳаракат қилиб, арслондай кўксини кериб, қиличини яланғочлади. Уники қилич эмас, худди чақмоқдай, момақалдироқдай гуриллаб товуш чиқарди. Иккиси ўртасида олишув бошланиб кетди. Йигит душманини яраламоққа, қаршидаги киши эса уни ўлдирмоққа талпинарди. У ҳужумни тобора кучай-

тираркан, йигит ўзини ҳимоялашга интилар, ҳужумга унча эътибор бермаётган эди. Кураш шунчалар кизишдики, чидаш қийинлашди. Калитли киши яраланди, яра алами ва жон кўрқувсида йигитга ташланди. Бироқ у биринчи ҳужумида тирсагидан, иккинчи зарбасида оёғидан ва учинчисида бошидан яраланди. Йигит рақибини ерга ағдарди, калитни қўлга киритиб, бир зумда кўздан ғойиб бўлди.

Йигит панада қолдирган отига сакраб минди-да, шамолдай учира кетди. Бир муддат йўл юргач, тепасига боқди, кўкда бир қора булут кўзга чалинди. Тонг ёриша бошлаганди. Уфқ оқараркан, еру кўкдаги ҳар нарса аниқ-тиниқ кўриниб қолди.

Кутилмаганда бир тўп отлиқ қий-чув солиб ўтди. Улар вазир Қазағаннинг айгоқчилари эди. Отлиқлар йигитни кўришлари биланоқ ортидан қувлашди. Йигитга яқинлашишаркан, бириси каманд отди. Жасур отлиқ қўлга оллинди. Боши тузоққа тушганини англаган йигит ўзини мудофаа қилишни тўхтатди.

Отлиқлар орасида шундайин тортишув бўлиб ўтди:

– Шубҳасизки, бу – урушқоқ, мард киши! Мен ўзимни шунча жангчидан бунингчалик ҳимоя қилолмасдим, – деди бири.

– Кўйсанг-чи, – деди бошқаси. – Бунақаларни кўп кўрдик. Бу бирорта жангчи бўлса керак. Ё туркмикан?

– Турк бўлмаса керак, – деди бошқа бири. – Турк бўлса, жудаям жанговарлик, жангарилик кўрсатарди. Ким экан-а?

– Ким дейди-я! Э, ана, кўзингни катта очиб қара, кийимидан кўриниб турибди-ку, бу бир хуросонлик!..

Улар мана шундай тортиша туриб асирни боғлашди. Сўнгра хон ҳузурига олиб боришди.

Ичкарига кирар-кирмас, йигит бўш қолган қўли билан чўнтагини кавлаб, Хуросон дарвозаси калитини чиқариб, Қазағанга топширмоқчи бўлди. Жангчилар эса, йигит ёнидан ханжарини суғурмоқчи деган кўрқув билан тутқуннинг устига ёпирилишди, қўлидагини олмоққа интилишди. Йигит тўсатдан:

– Қазаған жаноблари! Етар энди!.. – дея бақирди.

Вазир Қазағаннинг товушини эшитиши биланоқ ўрнидан санчиб турди. Аскарларга:

– Тегма! – дея буюрди.



Сўнгра калитни кўрсата туриб:

– Бу нима? – дея сўради.

– Хуросоннинг калити, – деди йигит.

– Сен кимсан? – дея сўроқни давом эттирди Қазаған.

– Олдин мени каманддан бўшатишсин, – деди йигит. –

Кейин кимлигимни билиб олаверасизлар.

Уни боғлоқдан бўшатишди. Сўнгра у қараб турганларни ҳайратга солиб устидаги хуросонликлар кийимини ечди. Ўз уруғига-барлосларга хос белгини кўрсатди. Шунда барча ҳайратдан бақириб юборди:

– Амир Тарағайнинг ўғли Темур!..

\* \* \*

Темурнинг қўшип аскарлари жойлашган ердан чиқиб кетиши ҳам бошқача бўлганди. Вазир Қазағаннинг кизи Тоштуғой Турканни олишга интилган кишилар ўзаро курашиб, бир-бировларидан қизни қизганишиб, ўчакишиб, баъзида жанжал ҳам чиқаришар эди. Бир куни, ўрду аскарлари Хуросон юришига тайёргарлик кўраётган пайтда, хушторлар ўртасида яна тўқнашув юз берди. Иш шунгача бориб етдики, бир йигит ўлдирилди. Шунда аччиқланган вазир Қазаған ваҳший ошиқлар ўртасига тушиб:

– Нима бўляпти ўзи? – дея бақириб берди. Сўнгра: – Бир шартим бор, – деди. – Ҳозир Хуросон сафарига йўналмоқдамиз. У ерга борганимизда, кимки Хуросон калитини олиб келса, қизим ўшаники...

Бу шарт Тоштуғойнинг барча шайдоларига ёқиб тушди. Бари Хуросон сафарини кўзи тўрт бўлиб кута бошлади.

Тоштуғой Турканни анчадан бери севиб юрган Темур унинг кимгадир тегишини ақлига сиғдирилмасди, албатта, у бирор чора истар, ўйлаб, ўйига етолмасди. Ишқ фарёди намлатган порлоқ кўзлари толиб, хаёлга ботар, бироқ дардига даво тополмасди. Зотан, у ҳали ёш эди. Йигирма ёшлардаги бу қахрамон қанчалар арслон юракли бўлмасин, тажрибасизлик унинг энг катта камчилиги, тадбирсизлик эса афв этилмас заифлиги ҳисобланарди.

Тўғри, Темур ҳали тажрибасиз, иссиқ-совуқни кўп кўрмаган йигит, аммо унинг бир ютуғи шуки, у кексалар сўзини икки қилмас, уларнинг ўғитига қулоқ тутарди...

Барлослар ичида танилган, Ўғуз Арслон деган бир хизматчи бор эди. Темур доимо у билан маслаҳатлашарди, тажрибасидан фойдаланарди. Унинг тавсияларига кўра иш тутганида, мудом муваффақиятга эришган.

Бироқ бошига ишқ савдоси тушаркан, доно чол билан қанчалар маслаҳатлашишни истаса ҳам, унинг ёнига бормади. Ахир йигирма ёшли йигит ишқий ўй-у туйғуларини кекса одамга қандай ҳам тушунтирарди...

Урушларда арслон бўлиб танилган ёш қаҳрамоннинг ошиқлик кўчасига кириб, бундайин чорасиз қийналишлари ҳам Яратганнинг бир мўъжизасидир балки.

Ишқ, ишқ! У қандайин қувватки, энг метин руҳларни ҳам саросимага солар, энг кучли вужудларни ҳам забуну хор эта олар.

Энг улуг лоқайдларга қараб табассум этган, энг кичик савдойиларнинг оташин бўзлашларига парво ҳам қилмасдан доимо, доимо кўрқинчли ва совуқ юз билан боққан бу ишқ, бирорга ҳам кишанланган осий қутулолмайдиган бу силсилаи самовий на буюкдир, ё Раббим!..

Масту мустағриқ зарбалари билан руҳнинг энг теран нуқталарини-да эзиб-эзиб задалаган, қалбнинг энг ҳассос торларини нозик черткиси билан черта-черта узиб парчалаган бир ишққа бўйинсунмаслик... Оҳ, бу осонми? Хусусан, ён бир йигит учун-а... Йўқ. Ана, Темур ҳам бу беомон гурзининг зарбалари остида эзилиб, бўйни букилиб, дунё кўрган, тажрибали Ўғуз Арслон қаршисида зир-зир титраб турибди...

Руҳининг энг ярали нуқтасини очиши керак...

Бу ярани тешмоқ эса ишқ изтиробларининг абадийлашиб қолиши хавфи ва кўрқувсини туғдирмоқдаки, бу Темурга маъқул эмас. Шу боис у не дейишини билмас, унсиз турарди...

– Нима бўлди ўзи, болам? – дея чол ундан сўради.

– Э, ҳеч...

– Тузукмисан ўзи? Жуда ташвишли, қийналган кўринасан? Бошинга бир иш тушган шекилли. Қанчалар кўрқмас, кучли, арслонюрак бўлсанг ҳам, тажриба ва тадбирсиз муаммоларни ҳал қилиш қийин. Қани, нима дардинг бор, менга очик айт-вер, болам.

– Тўғри, эҳтимол, мени тажрибасизлигим эзаётгандир. Мени қийнаб, ичимни еб битираётган дардни, албатта, айтишим керак...

– Яша, бўтам, қани, айт. Тажриба турли жумбоқларни ечишда сарфланадиган куч-қувватдан ҳам муҳимроқдир.

– Ўтган кунги жанжални эшитдингизми? Анави, вазир Қазағаннинг қизи Тоштуғой Туркан туфайли чиққан уруш... Улуғ вазир бир шарт қўйди, Хуросон калитини ким унга келтириб берса, қизи ўшаникиймиш. Энди аллақанча йигитлар Хуросонга яқинлашувимизни кутишмоқда, мен ҳам... Шу ишни ҳал қилишнинг йўли бормикин? Агарда мендан олдин бошқа биров калитни вазирга келтириб берса, у ҳолда ўлганим яхшироқ...

– Болам, бу дарднинг икки чораси бор: бири бу ишқдан воз кечиш ва иккинчиси калитни қўлга киритиш. Биламан ва аминманки, ишқдан воз кечиб, сўнгра унинг аламига чидаш жуда қийин. Демак, бу йўл маъқул эмас. Ундан кўра иккинчи чорага бош урмоқ уйғундир. Бу иш тажрибали одам қўзи билан қараганда осон кўринса ҳам, аслида анча мушкулдир...

– Осонми, қийинми, менга барибир. Ахир аламдан оғир эмасдир, отахон, йўлини айтинг!

– Бу ишни бажариш учун, биринчидан, бу ердан тезда йўлга чиқиш ва қўшиндан олдин Хуросонга етиб бориш керак. Бундан кетганингни ҳеч ким билмаслиги учун мен сени касал бўлиб қолди дея атрофга гап тарқагаман. Сен Хуросонга етибоқ, дарвоза қоровули кунда-шундасига айланган чойхонага борасан. Қоровул лақма, мағзава одам. Олдинига унинг эзмалигига чидаб, гапини эшитиб ўтираверасан – бу унга ёғдай ёқади. Сўнгра чой, қанд-қурс билан сийлаб, унга яқинлашиб оласан. Бир неча кун ўтгач, Саидали деган бир одамга тепадан туриб калит ташлагин, дея қўлига олтин тўла ҳамённи қистирасан. Кейин Саидалининг қалъага келишини ва калитни олишини кутиб, беркиниб кутасан. Саидали қоровулдан калитни олгач, уни ўлдирасан ва калитни эгаллаб, қўшинга қараб отингни учирасан... Қани, бир кўрайин-чи, арслон болам, сен ким экансан? – дея маслаҳат берди чол.

– Мен барлос йигитман! – деди Темур.

Саидалини битта калит дея ўлдиришни Темур ўз қаҳрамонлик рухига сингдиrolмади; уни олишувда мағлуб этиб, калитни олди-да, кўздан ғойиб бўлди. Хушсиз йиқилган Саидали қалъа девори тагидаги бир бурчакда узоқ ётди.

Тепада калитни кута-кута тоқатсизланган қоровул пастга тушиди ва бошқа калит билан дарвозани очиб, бурчакда ётган Саидалига кўзи тушиди. Хушсиз ётган ярали Саидали анчагина қон йўқотганди.

Қоровул уни қучоқлаб кўтарди-да, ичкарига олиб кириб, ўз хонасига ётқизди. Унинг ярасини ювиб, боғлаш учун хотинидан кўмак истади. У титраб-қақшарди, қалъа калити йўқолганини англабоқ эси чиқиб кетганди.

Калитни топиши шарт. Шунинг учун ҳам Саидалини жонидай асрайди, ҳеч кимга ишонмайди энди. У ўзига келиши билан калит қаердалигини, нима бўлганини сўрайди. Воқеани сир тутишни, кимсага оғиз очмасликни тайинлайди...

Саидали ҳамон бошидан ўтган у даҳшатли ҳолат таъсирида эди. Роса толикқанди. Яраси ҳам бита бошлади. Аммо у ҳеч ўзига келолмаётганди. Кўзи уйқуга илинди дегунча туш кўрар, тушида қоронғида ўзига ҳужум қилган кимсанинг товущини такрор туяр, у «Мен дарвозадан киришим керак!» дея уни қўрқитарди.

Хуллас, кутилмаганда бошига келган ўша кулфат ва сиқилишлар туфайли Саидали ҳеч ўнглана олмайётганди. Рухсизлиги учунми, яраси ҳам битай демасди...

Турли дори-дармон ва даволашлардан кейин, ниҳоят, у бироз ўзига келди. Қоровул дарҳол ундан:

- Калит қани? – деб сўради.
- Билмайман. Мен қайдаман ўзи?.. – деди касал.
- Сенга нима бўлганини билмайсанми ҳали?
- Йўқ.
- Мен сени қалъа қапуси ёнидан топдим. Бурчакда ётган экансан... Эслайсанми?
- Ҳа, мен... Э, калит қани? – деди Саидали довдираб.
- Сен мендан калитни сўрагандинг, тўғрими? – деди қоровул.
- Тўғри.

- Мен сенга калитни тепадан ташлагандим...
- Ҳа, калитни олганимни эслаяпман... Ўшанда ёнимга биттаси келди... Мен билан бирга ичкарига кираман, деди...
- Кейин-чи?
- Мен кўнмадим. Калитларни тортиб олмоқчийди, бермадим...
- Жуда яхши! Кейин нима бўлганини эслайсанми?
- У кийинишидан ўғрига ўхшаган, қароқчисифат кимса эди... У бирдан ташланиб қолди, мен ҳам қиличимни суғурдим...
- Яхши... Воҳ-воҳ, нега менга хабар қилмадинг, ахир одам деган ҳеч қурса тепага қараб бакиради-да!.. Э, майли, бўлар иш бўпти, кейин нима қилдинг?
- У ҳам қиличини яланғочлади, олиша кетдик. Жуда ўткир қиличбоз экан. Мени олдинига қўлимдан... кейин сонимдан, сўнгра бошимдан яралади. Ҳушимни йўқотибман, кейин нима бўлганини эслай олмайман.
- Мен бу ерда сени кутдим, келавермадинг. Бакирдим, чақирдим, кимса жавоб бермади. Охири дарвозани очдим, қарасам, бурчакда ётган экансан. Ичкарига олиб кирдим...
- Атрофни қидирмадингми, ҳалиги одам бирор не тушириб колдирмаптими? – дея сўради Саидали.
- Йўқ, қарамадим. Эртага текшираман, – деди қоровул. – Ҳа, у ичкарига кирмадимикин? Ҳусайн Қурт қалъа калитларини йўқолганини эшитса борми, мени ўлди деявер!.. Эртага вақтли туриб, теваракни бир тинтиб чиқаман. Ҳа, у кимса юрак ютиб ичкарига киролмас-ов...
- Жуда тўғри!..
- У ҳолда, демак, агарда калит йўқолган бўлса, буни мендан бошқа фақат сиз биласиз. Ҳолбуки, сизни деб мен шу жиноий ишга қўл ургандим. Иккимиз ҳам айбдормиз. Берилиши тақиқланган нарсанинг олиниши ҳам жиноятдир. Бу воқеани кимсага билдирманг! Мен у калит ўрнига янги бир калит ясаптираман, ёпиғлиқ қозон ёпиғлиғича қолаверадди. Шундай қилиб, мен ҳам еб турган нонимдан ажралмайман, сизнинг жиноят қилганингизни ҳам кимса туймайди. Касаллигингизга бирор жўяли баҳона ўйлаб топарман. Келишдикми?
- Келишдик. Гап битта!

– Бўлди, кўнглимнинг тинчиши учун шу сўзингиз етарли. Энди қалайсиз?

– Яхшиман, худога шукр.

– Бошингиздаги яра оғир дейсизми?

– Ҳа, шунақа шекилли, бошқа яраларимдан кўра ёмон қағтиқ огрияпти.

– Ҳа, бошқа яраларингиз унчалик эмас...

– Ҳа, энди пешанайкан-да...

– Қайгураверманг, икки-уч кунда тузалиб кетасиз.

– Иншооллоҳ.

– Худойи таолодан битта тилагим бор – шу калит топил-сайди, ишқилиб.

– Худо хоҳласа, топилиб қолар.

– Ҳалиги ўғри уриб кетган бўлса, қандай топамиз ахир! – дея яна қоровулнинг мияси суйилди.

– Э, қўяверсангиз-чи, биз янгисини ясаттирамиз.

– Зотан, шунга қарор қилдик-ку.

– Тўғри, тўғри!..

Қоровул эрта тонгда атрофни тинтиб чиқди. Тўкилган қонларни ювди, қиртишлади, изларни йўқотди. Аммо калит топилмади.

Эртасига тонг отиши биланоқ иккови ҳаяжонли суҳбатга берилишди.

– Атрофни турклар ўраб олганмиш...

– Қандай қилиб, нега?

– Ҳусайн Қурт ҳазратлари уларнинг юртига бостириб борган эди-ку...

– Э, ҳа, шунгами.

– Ҳа, улар ҳам энди Хуросонни босиб олишармиш.

– Эйвоҳ, куним битибди!

– Э, қўйсангиз-чи, ваҳма қилманг. Билмайсизми, турклар хасталарга тегмайди, бу уларнинг энг муҳим одатларидан. Қари-қартанг, хотин-бола-чақаларга ҳам, ана шунақа.

– Ҳа-а-а. Мен-чи, урушмай ётавераманми?

– Ўз жонингизни ўйласангиз-чи, уруш бўлса, тузалганингидан кейин ҳам қочмас.

– Ўх-х! Ё Раббий!..

– Ҳа-ҳа, ишлар шунақа. Сен, мен ва хотинимга қийин. Чунки сен касал, мен қари, анави хотин киши бўлгани сабабли ватанимиз учун урушмоқдан маҳруммиз, эй воҳ... – деди қоровул.

– Афсус, афсус... – дея касал ҳам қайғуриб қўйди.

– Э, мана шунинг учун кўп хафаман-да.

– Қўй, эзилаверма. Ҳа, турклар бунда нима қиларкан ўзи, билмайсанми?

– Йў-ўқ, сен айтмасанг, мен қайдан билай.

– Бу ерда тўй қилармишлар-ку?

– Шу ерда-я, ичкари кириб, шунча мол-ҳолни талаб олганларидан, шунча одамни кирғин қилгандан кейин, а?

– Айтдим-ку ахир, улар ўзларига қарши чиқмаганларга тегишмайди.

– Қарши чиққанларни нима қилишади?

– Бошини кесадилар.

– Қанақа тўй қилишармиш ўзи?

– Қиз чиқаришаркан.

– Кимни?

– Улуғ вазир Қазағаннинг қизи Топтуғойни.

– Кимга беришяпти?

– Темурга!.





### III. ДАҲШАТЛИ ҲУКМ

Орадан уч кун ўтди. Хуросоннинг пастқам кўчаларидан биридаги вайрона, хароб уйда бир неча кимса тўпланган. Ташиқаридан туркларнинг севинчли наъраларига, валинеъматлари вазир Қазаған берган тўй нашъаси билан бир овоздан қийқиришларига қарама-қарши ўлароқ бунда йиғилганлар руҳидаги ғайирлик, кину адоват, кўзларидаги ўч диққатни жалб этарди.

Темурнинг шартни бажариши, тўйи, байрами кимлардир учун мотамга айланганди. Бу хурсандчиликдан ракиблар ноҳуш эди ва улар интиқом ўтида ёниб, бу ертўлада жамланишганди. Ичларидаги ҳирс ва ҳасад томирларини ёриб чиқиб, заҳарли найранг йирингларига айланиб, ўртага тўкилмоқда эди.

Ҳаққа ва ҳақиқатга розилик кўрсатиш ўрнига унга қарши туришмоқда, ҳатто уни йўқ қилиш учун бирикишиб, гуруҳ тузишмоқда, вожаб!

Йиғилганларнинг ҳар бири фойдасиз интиқом оташида қовуриларди. Руҳлари жаҳаннам забонийлари каби ғаддор, қалблари шайтони ражимдай золим ва ўзлари ҳақу ҳақиқат нурларига қарши бош кўтарган осийлар эди.

Юзларига боқилса, миршаблар башарасидаги совуқ даҳшатдан бошқа нарса кўринмасди. Фақат баднафсликнинг – нафси амморанинг тажассумига айланган бир тимсоли мальуния кўлкаси бор. Қалбларидаги иймон илоҳий қудрат тарафидан олиб қўйилганмикин деб ўйлайсиз. Кўзларида заррача шафқат ҳисси, онгу тушунчаларида урвоқча ҳамият туйғуси, кўзларида бирозгина бўлса ҳам адолат фикри сезилмасди...

Йиғилиш ўтаётган ер бинонинг ертўласи бўлиб, қоронғи ва рутубатли эди. Ертўланинг кўчага қараган томонида ҳам, бошқа тарафларида ҳам дераза ё туйнуксимон бирор тешик йўқ. Қон-қоронғу хонадаги бир хонтахта теграсига чўккан



фитначиларнинг ҳасад ва ҳирс тўла юз-кўзлари хира шам ёғдуларида аранг-аранг кўринарди.

Бу зулмат ва зах охирда ўтирганларнинг ажин босган тириш юзларида руҳларига азоб берган ҳасаду кин хасталигининг тасвири муҳрлангандай. Шайтанат эгаллаган дилларида надомат ё пушаймонлик ҳисларига ўрин қолмаган. Иблисона қиёфаларидаги қўполлик ва шафқатсизлик шундоққина кўзга ташланиб турарди.

Барчаси Ноқис деган амирлари буйруғига қатъий бўйинсунган ҳолда бунда мажбуран ўтирганларини писанда қилаётгандай ғўдайишган; қилт этмасдан унинг сўзларига қулоқ солишмоқда. Ўзларини унинг ҳар канақа буйруғини сўзсиз бажаришга бағишлаганлариданми, ихтиёрсизликдан руҳлари эзилган, елкалари чўкиб, қаҳрдан қунишиб ўтиришарди.

Интиқом аламига тўла кўзларидаги ҳиддат ва ваҳшат оташи ҳеч сўнмайдигандай жонларини ўртаб-куйдирмоқда, ёнган жонларининг ўтли парчалари гўё атрофга даҳшат бўлиб сочилмоқда эди.

Бу ёниқ даҳшат парчалари қоронғиликда худди мушукнинг кўзлари каби йилтиллаб кўринарди; аммо, минг афсуски, бу шайтоний йилтиллашлар уларнинг руҳидаги улкан зулматни ёрита олмайдиган даражада кичик ва заиф эди.

Бу мажлиснинг аҳволи руҳияси шундайин тубан, даҳшатли, иблисона фитнага тўла. Кўрқинчли, совуқ сукунатни бузиб илк бор сўз бошлаган кимса шундай деди:

– Хўп, модомики, у голиб келди, бўлар иш бўлди. Аммо биз нечун ундан ўч олмаслигимиз керак?

– Ие, оғайни, унинг нима айби бор? Бирор ёмон иш қилдими ё? – деди бошқа бириси. – Агарда у эмас, орамиздагилардан бири голиб чиқсайди, у ҳам бизга ўхшаб ўч олишни ўйлармиди

– У ҳолда, менимча, ўлиши керак бўлган бошқа кимсadır! Айб олувчида эмас, берувчидадир.

– Йўқ! Менга қолса, бу вазиятда айб олувчида ҳам, берувчида ҳам эмас. Асл гуноҳ беришга маҳкум этган қувватдадир...

– У ҳолда?..

– У ҳолда, ҳукм этган у экан, демак, жазосини тортадиган малъун ҳам ўшадир!

- Тўғри!
- Тўшпа-тўғри!..
- Унда кенгашни давом эттирамиз ва асосий ишни ҳал қилайлик.
- Қани, қани...
- Уни биз чеккан аламларнинг энг огирига бостириб ўлдириш керак! Бизни ёндирган аламнинг энг захарли ўтида куйдириб ўлдириш лозим! Қани, айтинг, қандай жазо берайлик?
- Олдинига уни бир қозиққа боғлаб, қулоғини, бир кундан оралатиб бурнини, қўлларини, оёқларини кесиш ва оч қўйиш керак!..
- Э, бунақаси кетмайди, мумкин эмас!
- Нега?
- Бунинг учун аввало уни қўлга тушириш, яъни яширинча олиб қочиш керак, бироқ бу иш имконсиз...
- Тўғри... бу имконсиз, бундай қилиб бўлмайди.
- Унда ўзингиз айтиб қўя қолинг...
- Менимча, энг маъқул йўл шу: кечаси чодирини босиб, уни ўлдириб, билинтирмай қочиб қолиш керак.
- Кўп яхши! Фақат биз истардикки, тез ўлиб қутулмасинда, қийналиб ўлсин!
- Қўйсангиз-чи, дўстим, қийнаб-мийнаб ўтирадимиз, ўлсин-йўқолсин, қутулайлиг-э!
- Йў-ўқ, гапимиз гап: у қийналиб ўлиши керак! Ахир биз у туфайли жаҳаннам азобини тортдик-ку, унгаям тўққиз дўзахни кўрсатиб қўйиш керак!..
- Унда одамларимиз билан уни босиб-тутайлик-да, майдонга олиб чиқиб, роса азоблаб ўлдирайлик!
- Ҳай-ҳай, ўзингизни босинг! Бунинг ҳеч иложи йўқ! Ҳозирча исён бошлаганимизни яширин сақлашимиз лозим. Дейликки, уни тута олмадик ва сиримиз очилиб қолди – бошимиз кетади-ку, ахир!.. Шунинг учун, яхшиси, ҳар ишни ими-жимиди битиришга мажбурмиз.
- Яхши, унда бу ишни бажара оладиган кишини танлашимиз даркор. Кимнинг қўлидан келади, қани? Ичимиздан ким бу ишни бўйнига олади?
- Мен юзма-юз урушавераман-у, шу, ханжар уришда машқим настроқ...
- Мен ҳам шунақа...

– Сен-чи?

– Э, нима қиламиз? Бу ишни биримиз бажариб, бошқамиз қараб турса, бунақаси кетмайди!

– Ҳа, мен бир нарсани ўйлаб топдим. Барингизга ёқади бу. Шу деворни мўлжаллаб ўқ отамиз, ким нишонга уролмаса, бу ишни ўшанга топширамиз. Бўладими?

– Э, яшавор, бўлди! Агарда икки-уч киши мўлжалга урол-маса, ўзаро яна синашадилар.

– Ҳеч ким нишонга теккизолмаса-чи?..

– Синаш такрорланади.

– Бўлди, келишдик.

Бу қарорга келинган, йиғилганларнинг бари ўрнидан турди. Ёйларига ўқ жойлаб, деворга қарата машқ сифатида бир-бир ота бошлашди...

Барчани ҳаяжон босганди. Бошида оғиз кўпиртириб сўзлаган қаҳрамонлар энди тулки каби писиб қолганди. Ўзларининг яхши ўқотар эканликларига ишонсалар ҳам, мабодо, фалокат босиб нишонга уролмасам-у шу иш менга қолса, нима қиларкинман, деган кўрқув кўнгилларга оралаганди ва биринчи бўлиб бошлашга ҳеч ким шошилмаётганди.

Ниҳоят, бир йигит ўртага чиқди, барча уни олқишлади. У ёйини кериб, қўйиб юборди, ўқ нишонга тегди. Ўқчи ғалаба наърасини отаркан, қалбидан тошган севинч тўлқинларини босиш учун четрокқа йўналди.

Иккинчи... учинчи... навбати билан ўқ узиш давом этди.

Охири улардан биттаси жуда қутуриб, гуноҳқорни роса қийнаб ўлдириш керак деяётган йигит мўлжалдан янглишди. Ундан кейин барча ўқ отганлар нишонга урди.

Шундай қилиб, фитна мажлиси ҳам тугади, бўлажак қотил ҳам аниқланди. Энди қандай ўлдиришга келишилса, бас. Йиғилганлар яна кенгаша бошлашди.

Бўлажак қотил эса уларга аралашмас, бир четда сўп-пайиб, қотиб қолган, қон қочган сарғимтир юзи қайғуга ботган эди...

Ишнинг асосий қисми ҳал этилгани учун елкаларидаги оғир юкдан қутулган йигитлар мамнун ҳолда масалани муҳокама қила кетишди.

– Бу иш қачон бўлгани маъқул?

– Қайтиш пайтида...

– Энди қарор қабул қилинди, фақат, мажлисимиз бошида айтилганидек, бу иш жуда оғир, қақшатқич ўлим билан якунланиши керак!

– Менга қолса, бунинг ҳеч кераги йўқ, ундан ўчимизни олайлик-да, кифояланайлик...

– Ие, унда қароримиз қарор эмасми?

– Қарор...

– Бунда неча кишимиз?

– Саккиз киши.

– Баримиз шу қарорни сир сақлашга онт ичамиз, розимизлар? Уни ўлдирадиган оғайнимиздан бошқа ҳамма қасам ичсин!

– Тўғри, ичамиз!

Шундай қилиб, сўнгги қарор ҳам қабул этилди.

– Яхши, энди тарқалайлик... – деди фитнабоши.

– Шу вазир Қазаган гўрга киргандан кейин унинг куёви нима бўларкин, қани кўраимиз... – дея бири тишини гижирлатди.

Ҳа, фитначилар томонидан иккинчи ўлдирилажак шахс Темур эди.





#### IV. ҚАЛЪА ИЧИДАН ЗАБТ ЭТИЛАДИ

Туркларнинг Хуросон қалъасини ўраб олганлари ҳақида қоровул билан хаста Саидали сўйлашиб ўтирганларида, аслида, у ичидан эгалланиб бўлаёзганди. Чунки ўттизтача турк аскарлари қалъага кириб, ўз ишларини бажаришаётган эди...

Уларнинг қалъага кириши шундай юз берганди: Темур, калитни вазир Қазаганга топширган куни, эрталаб ундан қабул қилишини сўради, изн олгач, бориб у билан кўришди. Хуросонни эгаллаш режаси тузилди.

– Улуғ вазир! – деди Темур Қазаганга. – Рухсат этсангиз, аввало, бандангиз ўттиз аскарим билан кўшиндан ажралсамда, ўқдай учиб Хуросонга етиб борсам...

– Маъқул. Аммо сизнинг боришингиздан туркларнинг келаётганини сезиб қолган Хусайн Қурт тарафдорлари керакли тайёргарликни кўриб, бизга тўсиқ бўлмасмикин?

– Улуғ вазир, изн берсангиз етарли, бу аскарлар билан мен кеча қоронғусида, кимсага билдирмасдан Хуросонга кириб бораман ва уларни қалъага жойлаштираман...

– Кейин-чи?

– Эртасигаёқ кўшинга қайтиб келаман ва хужумни бошлаймиз...

– Ичкарига кириб олганлар нима қилади?

– Улар кийимларини ўзгартириб, шаҳарнинг ҳар ёғига ёйилишади ва турклар ҳақида турлича миш-мишлар тарқатишади...

– Қанақа миш-миш?

– Масалан, турклар бу ерга келибдир, аммо улар ўзларига тегмаганларга ҳеч қанақа ёмонлик қилмас эмиш ва зотан одатлари шунақа эмиш, дея гап тарқатишади. Ёки: турклар Хуросонда қилинадиган бир тўйга тайёрлик кўришянтыймиш, тўй кайфиятида бўлганлари учун, ҳеч кимнинг бурнини қонатишмоқчи эмасмиш, дея омманинг қулоғини қиздиришади...

– Балли! Сўнгра?

– Авомни гоҳ ваҳимага солувчи, гоҳ севинтирувчи шунақа гаплар билан овутиб, лақиллатиб туришади-да...

– Натижа нима бўладир?

– Қўшинимиз жангга кириши биланоқ улар ҳам қиличларини ялағочлаб, қалъа ичида ҳужумга ўтишади, дарвозаларни синдириб-бузиб очишади ва аскарларимизнинг ичкарига киришлари учун йўл тайёрлашади...

– Ўғлим, агар сен уларнинг бошида турмасанг, тартиб билан бир иш қилиш қийин. Яхшиси, сен қалъада туриб бир байроқ воситасида қўшинимизга ҳужум ишорасини берсанг, сўнгра одамларингга дарвозаларни бузишни буюрсанг, ишимиз янада силлиқ битади деб ўйлайман.

– Бунақа қилсак ҳам бўлаверади, отажон. Фақат, ўйлашимча, менинг қўшин билан бирга юриш қилишим фойдалироқдир. Сиз айтган ишни бошқа бировга топширсам, бўладими?..

– Майли, ўғлим, билганингча иш тутавер! Режаларинг жуда мақбул!..

– Бу ердаги аскарлар жуда интизом билан ҳаракат этишлари лозим...

– Қўнглингни тўқ тут, сен айтганингдай бўлади...

– Энг муҳими, сизларга бир отлиқ юбораман, у айтган тартибга кўра юриш қилинса, бас...

– Қанақа тартиб?

– Унинг қандайлиги менинг қалъа ичида бажарадиган баъзи ишларимга боғлиқ, кейин билдираман...

– Жуда яхши ўйлабсан, ўғлим. Рухсат, одамларингни ол-да, йўлга тушавер!

– Хўп бўлади, отажон!.. – деди Темур ва улуғ вазирга таъзим қилиб, чодирдан чиқа бошлади. Шу аснода Қазағаннинг товуши қулоғига чалинди, у:

– Арслон Темур! Мен сени мингбоши қилиб тайинладим! – деди...

Эртаси кечки пайт Хуросонда, Хусайн Қурт қароргоҳи атрофида нотаниш бир йигит айланиб юрарди.

Бу шахс ғоятда эҳтиёткор ва жуда кўрқоқ одамдай қадам ташлар, баъзан тўхтаб, теграсига қулоқ солар, мумкин қадар ими-жимиди ҳаракат қилишга интилар эди. Елкасида

хуржуни ҳам бор. Диққат билан қараган киши унинг хуржунидаги юк тобора озайиб бораётганини сезиши қийин эмас...

Бироз юргач, нотаниш йигит хуржунини ерга қўйди ва эгилиб, изини йўқотиш ниятидами, қўллари билан тупроқни текислай бошлади...

Анчагача бу иш билан машғул бўлди ва ниҳоят, хуржунини яна елкасига олиб, қалъа дарвозаси тарафга йўналди. Бир муддат ўтгач, хуржун бўшади. Ортига қайтаркан, аввалгидай эгилиб, қўллари билан тупроқни аралаштириб, ерни текислаб келди.

Сўнгра хуржунни олиб, яқинидаги бир уйга кириб, уни тўлатиб чиқди. Ярим қолган ишини давом эттириб, яна қалъа дарвозаси томонга қараб ҳаракат қилди... Ишини битириб, кўздан ғойиб бўлди.

Анчадан сўнгра яширинча ҳалиги ишларни қилган нотаниш йигит ёнида бир отлик билан қалъа дарвозаси ёнига келди. Қўлидаги калит билан дарвозани очди. Эгилишиб, отнинг туёқларига боғланган кигизларни ечишди. Сўнгра нотаниш йигит отликқа шивирлаб топшириқлар бера бошлади:

– Дундар, энди сен билан ажралишамиз. Шу ердаёқ отга осилган хуржун тубини пичоқ уриб, тешиб қўясан...

– Хўп бўлади, мингбоши! Кейин-чи?

– Ўнгдаги хуржун бўшагач, чапдаги хуржун тагини ҳам тешасан.

– Бош устига, мингбоши!

– Хуржун ичидаги қаерда тугаса, ўша ерга белги қўясанда, қўшинга қараб от чоптирасан...

– Вазир Қазағаннинг хузурига кираман...

– Шундай! Унга қўшинга юриш буйруғини беришини ва ўрдунинг белги қўйилган майдонга келиб кутишини айтасан.

– Бош устига!

– Қайнотам, муҳтарам қўмондонимизга ҳурматимни билдир ва айтганларимни тўла етказ!

– Буйруғингизни бажараман! – деди ва отлик хуржунни тешиб, йўлга тушди.

Нотаниш йигит қўлини чўнтагига суқиб, бир нарсаларни олди ва олдин тўхтаган жойидан отлик жўнаган ергача уларни кўмиб, тупроқни излар билинмайдиган қилиб текислади.

Бу шошилинич ишлар битгач, энди бу маконда ўзи қилади-  
ган иш қолмагани учун дарвозани беркитиб, калитни қўйни-  
га солди-да, йўлига кетди.

\* \* \*

Шу воқеанинг эртасига эрталаб бутун Хуросонга миш-миш тарқалиб, аҳолини ҳаяжон қонлади.

Хуросон бозорларида, чойхоналарида одамлар урушга тай-  
ёргарлик ҳақида ваҳимали сўзларни айтишар, турли миш-  
мишларни такрорлашар эди:

- Вой-бўй! Турклар ҳамма ерни ўраб олганмиш...
- Аскарлари жуда кўп эмиш, ўзимизни қачонгача ҳимоя қиларкинмиз, а?..
- Ўлгунгача...
- Улар ўлдираверарлар, ўлдираверарлар...
- Э, ўлдирса ўлдирсин!
- Бундан сенга нима фойда? Кафандан бошқа сенга не тегарди?
- Э, бўлганича бўлар.
- Балки кафан ҳам тегмас?
- Нега?
- Чунки турклар урушда ўлганларни кафанлашмайди.
- Нима бўлганда ҳам биз ватанимизни мудофаа қилаверайлик-чи...
- Менга қолса, мудофаа-пудофани ўйламаган яхши, ўлиш-га шошиш ақлдан эмас.
- Э, оғайни, ҳамманинг жони ҳам жон, нима, турклар бизга ўхшаган одам эмасми?
- Бизга ўхшайди-ку, аммо фарқи бор-да: бизлар заиф, улар кучли.
- Нима бўпти?
- Э, қўлимиздан ҳеч нарса келмайди!
- Ҳеч нарса келмайди эмиш! Ватанимиз учун ўлиш ҳам қўлимиздан келмайдими?
- Қанчалар ватанпарварлик қилсанг-да, бошқалар не ҳам дерди? Сени урғочисини қўлдан чиқармаслик учун тиришган арслонга ўхшатади холос, шу.
- Бу гапларни қўй. Хўш, туркларнинг бу ерда нима иши бор деб ўйлайсан?



– Ие, огайни, туркларда не гуноҳ, ахир бизнинг Ҳусайн Қурт уларга ҳужум қилди-ку, энди улар ҳам жавобини қайтармоқда-да.

– Ҳм-м... Сен мудофаа тарафдоримисан?

– Балки мудофаа қилиш керакдир, фақат ўлгунгача эмас.

– Тўғри айтасан.

– Ана, гаплашганимиз яхши бўлди. Сен ҳам менга ўхшаб ўйларкансан.

– Зотан, шундай ўйлашга мажбурмиз. Аммо урушга киргандан кейин, бирор дайди ўқ тегиб қурбон бўлсанг, бунга ҳам кўниш керак, ахир, ватан учун ўлимдан қочиш айб-да!

– Ҳолбуки, мағлубият муҳаққак!

– Унда жонга қасд қилмаган маъқул. Ўлиб кетгандан кимга фойда ахир.

– Аввал айтганимдай, бу вазиятда турклар ҳақли: бизники уларга ҳужум қилди, улар жавоб бермоқда, демак, ҳақ улар томонда бўлгач, мағлубиятимиз ҳам аниқ!

– Ҳа, сендан турклар бу ерда нима қилишмоқчи, деб сўрагандим...

– Тоштуғой Турканнинг тўйини ўтказишар эмиш.

– Кейин-чи?

– Билишимча, кейин қайтиб кетадилар...

– Шунча оворагарчиликдан нима фойда бор?

– Агарда тутиб олишса, Ҳусайн Қуртнинг адабини бериб қўядилар. Тутилмаса ҳам, ғолиблик уларга катта мукофот...

Булар суҳбатлашиб туришаркан, тушлик пайти ҳам бўлиб қолганди. Бирдан қалъада катта тўполон, шиддатли тарақатуруқ бошланди, омма инига чўп суқилган арилардай ҳар тарафга тўзғиб-қочди, бир зумда шаҳарда қиёмат кўпди. Яраланган, йиқилган, эзилган, инграган, йиғлаган аҳолининг паришон ҳолидан – туркларнинг қиличи солган қўрқувдан – Хуросоннинг руҳи сингани кўриниб турарди.

Бу тўс-тўполон қайдан чиқди, бу ваҳима қайдан келди, бу маҳшарни ким келтирди ўзи?..

\* \* \*

Темур қалъа ичидаги бир уйни нишонга олиб, уни портлатиш учун ер остидан лаҳм қазиб, уни ташқарига, дарвоза ёнигача келган бир нуқтага туташтирган эди. Бу нуқтани эса

қўмондон Қазаған қўшини қўр тўккан майдонга улаган эди. Бу яширин портлатиш йўлига борут тўкиб чиқилганди. Унга ўт берилгач, кутилмаганда дарвоза атрофини, қалъа ичкари-сини портлаш гумбурлари қоплади, чақмоқ тушиб, уйларни ёққандай бўлди; Хусайн Қуртнинг одамларидан аллақанчаси ўлди.

Темур қалъа кунчиқари бурчагидаги бир тепага чиқиб, қўлидаги байроқни ҳилпиратди. Бу қўмондон Қазаған қўшинига бир ишора эди. Шу онда қўшин турган ердан бир ўт ёниб, илондай билтанглаб, ўқдай учганича қалъага қараб йўналди ва бир зумда шаҳарга кирди.

Портлаш йўлларининг иплари ўргимчак тўридай шаҳарнинг барча дарвозаларига ва улардан яна чўзилиб келиб майдондаги нишонга боғланганди. Майдондаги катта портлаш ҳар ёқни остин-устун қилиб юборди...

Ҳа, Хуросон аҳли энди-энди мудофаа тайёрлигини кўраётган пайтда, кутилмаганда юз берган бу мудҳиш воқеанинг сабаби, аслида, Темурнинг ярим кечаси ҳозирлаган портлатиш йўли ва унга Қазаған қўшини томонидан ўт берилиши эди.

Нима бўлганини халқ билмай қолди, портлаш шаҳарда қиёмат кўпгандай ваҳима уйғотди.

Уруш ҳам бир қиёмат эмасми, аслида? Бир қисм гуноҳкор банда ўзини қутқаролмайдиган даражада ожизу мағлуб ва бир қисм заволли эса қуролланган ва ғолиб!.. Маҳшар шу эмасми? Бир тарафда мамнун ва масъудлар, бир ёқда эса маҳкум ва гирёнлар!..

Темурнинг иккинчи ишоратидан сўнгра камоли шавку шиддат билан қуролларини тақиб, отларига минишиб, Хуросон қалъасига довулдай ёпирилган турклар ўзларининг зафар қозонишларига амин эдилар. Уларнинг ўқиға учганлар, найзаси ва қиличи зарбидан ўлганлар, отлари туёқлари тагида эзилиб, ерда юмалаб ётган мағлублар... Бу талатўпда эсидан айрилганича жонини асраш учун ҳар ёққа қочаётганлар, жасадларни босиб, оёқларини қонларга булаб югураётган фалокатзадалар... барчаси тинимсиз югурмоқда, йўл-йўлакай урушмоқда, олишмоқда, йиқилмоқда, ўлмоқда, қочмоқда... Хуллас, ваҳимали бир хой-хуйу қонли бир даҳшат тўла фо-

жеотки, кўз билан кўриш, бору сўз билан тасвирлаш имконсиз...

Бу пайтда дарвоза қоровули билан ярали Саидали уйдан ташқари чиқмасдан, не бўлишини кутиб жим ўтиришарди. Бир неча турк уларнинг маконига ҳам бостириб кирди. Ичкарида бир бечора хотин ва ярадорни, таслим бўлган қоровулни кўришди.

Уларга ҳужум қилиш турклар одатига ётлигига қарамасдан, баъзи марҳаматсиз аскарлар босқин ва талон қилишди. Учаласини ҳам боғламоқчи бўлиб туришганди. Шу аснода оркадан бир товуш эшитилди:

– Турклар уруш пайти касаллару хотинларга, болалару қариларга тегмайдирлар. Сизлар нима қилмоқдасиз?!

Аскарлар товуш келган ёққа қарашди. Барчаси шалвираб, қўллари ёнларига осилиб қолди ва мулзам ҳолда салом бериб, унга:

– Кечиринг, улуғ мингбошимиз! – дея хитоб этдилар.





## V. КУНДУЗИ УРУШ, КЕЧАСИ ТҮЙ

Ўша куни аср пайти Хуросон забт ва асир этилди. Шаҳар тозаланди, тартибга солинди, ўликлар кўмилди.

Шу кечаси ҳеч кимса ухламади.

Бу тунда вазир Қазағанни ўлдиришга ҳукм қилган саккиз илтифатнинг қарори амалга оширилиши керак.

Бу оқшом Хуросоннинг ишғол этилган энг улкан, ҳашаматли саройларидан бири тўйхонага айлантирилган ва зиёфат бошланган эди. Атроф ёп-ёруғ, зиёга фарқ; ой ёғдулари гўё бу тўйни безамокда; гўзал, очиқ юзли моҳитоб гўё фол очиб, толеннинг кулиб боқаётганини билдираётгандай, Темурнинг порлоқ келажигидан хабар бераётгандай.

Ўртадаги гулханлар шунчалар чиройли ёнардики, осмондан қаралса, ер самога ўхшаб кетарди. Гулханларнинг ҳар бири бир порлоқ юлдуз каби ёнар, тўйхона эса ой мисоли ёрқин ва мунаввар эди... Атрофда куй-қўшиқ янграр, тапташа оҳанги, шавқу тараб, нашъали кўклам ҳавоси ҳукм эди. Барча турклар кўмондонлари вазир Қазағаннинг қизи келини бўлган бу кечада ниҳоятда хурсанд, қўлдан келганча ўйин-кулги қилиб, тўйни қиздиришга интилишарди. Уларнинг суҳбатларида, самимий ўтиришларида турк халқининг улуг ва содда табиати кўриниб турарди. Улар орасидаги яқинлик ва самимият тўй туфайли янада жонлангандай, юксалгандай эди.

Темур севгилиси Тоштуғой Турканга қовушган бу кечада, тўйнинг суруру завқидан таъсирланибми, тонггача ухлай олмади. У хаёлан бор-йўғини севгили ёрига бахш айлар, унинг гўзаллиги берган бу пурнур, нашидали соатларнинг ҳар бир оинга ўз ҳаётини ҳадя этар ва яна мадҳу тавсифида жудайим ожиз қолгани Тоштуғой Туркан гўзаллиги кўкига термула-термула унинг порлоқ юлдузларини санамоққа бошлар ва улардан ўйларида бир гулдаста ясар эди...

Қалбининг энг маҳрам нуқталаридан тўлиб-тошиб чиққан муҳаббат туйғуларини ҳаяжон билан суйганига англатаркан, бу орада жангу жадалларни, ўз қахрамонликларини ҳеч тилга олмас, фақат ишқдан, фақат ҳиссиётдан, валҳосил, ёлғиз ўзидан, руҳидан сўзлар эди.

– Тоштуғой, – дерди у, – сенга бўлган севгимнинг берган алами қанчалар золимлигини биласанми?

– Билмайман...

– Ўҳ-ҳ, билмайсан, шундайми?.. Юрагимда сақлаган ишқимни билишинг, ҳис этишинг учун, аввало, сени ундан хабардор этишим керак эди. Ҳолбуки, мен сенга буни билдирмадим. Сен меники, фақат ўзимники бўлганингдан кейин кўнглимни очаман, дея ўйлагандим...

– Энди мен сеники бўлдим, тўғрими?

– Ҳа, Туркан, ҳа! Энди сен фақат меникисан!..

Темур бу сўзларни айтаркан, жўшган руҳининг, ёнган қалбининг ҳароратига чидай олмади ва гўзал малагини кучди, ўпди, сўнгра бошини унинг тиззасига қўйиб, юрагини кўрсатиб:

– Мен ҳам сеники! – деди. – Тонгда, шудрингли чаманларда ўтирган пайтларимда булбуллар сайраркан, улар сенинг гўзаллигингни куйлаяпти дея рашк қилардим! Офтобнинг маҳмур юзидан оққан хандали, гулгун ёғдулари сенинг нозик чехрангга азият беради дея, сенга, сенинг париларниқидан ҳам юмшоқ ва латиф баданингга ҳарорати савдосила хиёнат этадир дея ўртаниб-қизганардим!..

Гулдаги гулгун латофат сендан ўғирлангандир дея, ой ўзидаги ойдинлигу софликни сендан олиб акс эттираётир дея, баҳордаги янгидан жонланиш, тирилиш сенинг дийдорингдан ҳосил бўлган дея қизганардим...

Булар ва бутун олам сенинг гўзаллигинг туфайли гўзаллашаётганини ва бундан ўзимнинг маҳрум эканлигимни кўра туриб, кўп хафа бўлардим, йиғлардим... Урушдан, ғавғодан, жангу жадалдан ҳеч қайтмаган, сесканмаган бу қаттиқ кўнглим сенинг савдойи ишқинг золимлиги қаршисида титраб, ожиз қолаверарди...

Тасаввур этки, тиз чўкканича Тангрисига ёлвораётган бир гуноҳкор вазиятида эдим... Мана шундай, Туркан, сенинг учун, фақат сен учун мен бу алам остида ҳар куни эзилдим,

йилларча мотам тутдим... сенинг юзингни кўролмаслик менга энг оғир жазо эди. У жазони чеккан пайтларимда, ўша азобли ҳижрон зиндонида бўғилган замонларимда қалбимдаги фарёд ва изтироб, руҳимдаги афғону оғулар кўксимни ёқар, қовурар, ўзлигимдан, ўзимдан заррача бир нарса қолмас ва мен бутунлай сенга айланиб қолардим ва фақат сени ўйлардим...

– Нега?..

– Нега? Ўҳ-ҳ, жоним, нега, нечун? Қалбим чаманидаги аламлар, ишқлар, руҳлар тараннум этган жоним булбулининг махфий ҳижрони сенинг у товуш етмас қулоғинга эшиттира олмаганим учун! Ишқим денгиздаги айрилиқ тўлқинларининг зарбалари кўнглимни яралаган дақиқаларда кимсасиз, умидсиз, имконсиз қолганим ва бечора руҳимдаги қийналишларни сенга, сенинг руҳингга сездира олмаганим учун! Борлигим осмонини қоплаган булутлар орасида ўрташарканман, ойдек йироқ юзингни кўрмоқ иштиёқида йиғлаган кўзларимдаги ҳижрон дардини сенга билдира олмаганим учун!..

Нечун дейсанми? Зулмати ҳижронда ожиз қолганим учун!

Нечун дейсанми? Бекаслигим учун!

Нечун дейсанми? Сенсизлигим учун!

– Мана энди менга эга бўлдинг...

– Ҳа! Сенга етишдим ва қалбим чаманидаги руҳим булбули ўз сирли қўшиқларини сенга айтмоқда энди. Хотираларимни сенга сўйламоқдаман. Ўҳ-ҳ, хиралашган кўзларим висолинг нури билан тўлиб, аввалгидай порлай бошлади энди! Энди юрагимдаги қайғу ўрнида гуллар очилди. Ундан ингроқлар эмас, шавку сурур садолари юксалмоқда. Кўзларимдаги соф ишқнинг шаффоф ёғдулари сенга, сенинг қарашларингдаги нурларга бориб бирлашмоқда... Шундай қилиб, орадаги бутун ҳижрон азоблари битди, висолнинг ёрқин кунларини келиб етди! Қалбимдаги қора, мазлум булутлар қолмади, руҳимдаги жаҳаннамий оташлар сўнди, ишқимдаги зиндон ҳаволари тарқалди, кўксимдаги савдо захарлари йўқолди ва буларнинг барига сабаб сенинг порлаган толе офтобинг, сенинг дийдори ҳуснинг...

– Демакки, энди эски ғам-аламларинг йўқ; демакки, бу кеча бахтлисан. У ҳолда, нечун менга ўша дарду ҳузунларингдан, қоронгиликларингдан, ўлимларингдан сўйларсан?

– Ўх-х! Ҳа, Тоштугой, ҳа, энди улар бари ўтди, энди бахтимиз билан бирга бўлайлик! Ўтмиш бир туш, келажак эса қоронғулик. Шундай экан, шу ҳолу ҳолат дейилган ҳозирги онларнинг топилмас завқу шавқларини, сурурларини қандайдир тушга, аллақандай қоронғиликка фидо этиб бўларканми! Асло!..

Ҳа, жуда тўғри, Тоштугой, жуда тўғри!..

Икки севишган висол кечасида шундайин суҳбатлашиб ўтираркан, тонг оқаринқираб, қуёшнинг заррин зиёлари уфқни ёрита бошлади... Тонг гўё келажакнинг порлоқ саҳифаларини, гулгун табассумларини ва Темур учун тайёрланган ёрқин истиқболни кўрсатмоқчига ўхшарди... Шу билан баробар, унинг юзида сарғимтир бир кулумсаш ҳам бор эдики, бу кеча оқшом бунда тўй қилинаркан, бошқа бир ерда вазир Қазағаннинг қатлига қарор қилинганига, толенинг бадбахтлигига мудҳиш ва самимий ишорат, шафқат аломати эди...





## VI. МАШЪУМ КЕЧА

Хуросондан қайтилганди... Хусайн Қуртни енгиб, зафар қозонган оқшомда она томонидан жалойирларга мансуб Тоштуғой билан Темурнинг тўйи тантаналарини ўтказиб, сўнгра юртга равона бўлинганди.

Уруш тугаши биланоқ, суйумсиз қон хидидан қутулар-қутулмас, Қазаган ҳазратлари шошилинич суратда ўз холига ташлаб кетилган ватанига қайтди. Улуғ вазир ўзи йўқлиги замонида юзага чиққан масалаларни дарҳол ҳал этишга, бошқарув ишларини мустаҳкамлашга киришди.

Энди ҳар кун тонг оқаргач ўриндан турар, қуёш чиққандан шомгача ҳокимият идораси билан машғул бўлар, ой ботгунгача ўринга ётмас эди.

Қоронги бир кеча; вазир Қазаган ўтирган ердан нарироқда юзи-кўзи ўралган бир кимса сездирмасдан, шарпадай кезиб юрибди...

Болалигидан бери чодирда ухлашга ўрганган Қазаган уйқуға толаркан, ҳалиги шарпа товушсиз яқинлашиб, чодирнинг орқа тарафига ўтди. Қулоқ тутди, вазирнинг ухлаётганига қаноат ҳосил қилгач, ичкарига кириш учун чодир тагидан тешик очди.

Сўнгра номаълум киши атрофга қулоқ солди, бирор хавф йўқлигини аниқлагач, оҳиста ичкарига эмаклаб кирди ва чодир ичини кўздан кечира бошлади...

У очган тешик вазир Қазаган ётган ернинг ёнида эди. Қора ниятли шахс чодирда вазир ва ўзидан бошқа ҳеч ким йўқлигига амин бўлгач, қоронғиликда қўли билан ўлчаб, таҳмин этилган нишонга, вазир Қазаганнинг қоқ юрагига ханжарини санчди.

Мудҳиш зарбадан бирдан уйғониб, ўрnidан сапчиб турган вазир қоронғиликда номаълум шахс билан бўғиша кетди. Қотил ишнинг пачава бўлиши мумкинлигини ўйлаб, қазаби янада қайнаб-тошиб, иккинчи бор ханжар урди...



Иккинчи зарбани еган кекса вазир ихтиёрсиз ерга чўзилиб қолди, бироз инграниб, типирчилагач:

- Сен... кимсан?.. – деди.
- Менми? Сенинг қотилинг! – деди номаълум шахс.
- Нега... мени... ўлдирмоқчисан?..
- Қизингни бермаганинг учун!
- Сенинг... шерикларинг ким?..
- Қазаганни истаган неча киши бўлса – бариси!
- Унда... бари... менинг амирларимдан...
- Шундай, бари! Зотан, эртага ҳар бири ўз одамлари билан исён бошлайдир!..
- Эй воҳ, юрагим... Ким бор...
- Ўл, э!..

Қотил шундай дея яна бир ханжар урди.

Сўнгра, бу ерда туришга ортиқ ҳожат қолмаганидан, чаққон эмаклаб тешиқдан ўтди ва қоронғиликда ғойиб бўлди.

Нохуш товушдан хавотирланган Темур ва Тоштуғой шошилиб, вазир Қазаганнинг чодирига етиб келишди. Қазаган сўнги нафасларини оларкан, Темурга қараб:

– Мени... ўлдирганлар... эртага... сендан айриладилар, – деди. – Ўғлим, ўзингга... эҳтиёт бўл... Қизим... алвидо... Ўчимни... ўчимни олингиз!..

Вазирнинг сўнги сўзлари бўғзидан хириллаш аралаш чиқди ва ҳурмат билан бош эгиб турган куёви Темур билан қизи Тоштуғой кўз ўнгида тўлғона-тўлғона жон берди. Бечора чолнинг боши ёстиқда қимирламай қотиб қолди. Тоштуғой ва Темур шу онда онт ичишди.

- Отамнинг ўчини оласан, а, Темур? – деди Тоштуғой.
- Ҳа, ўч оламан!
- Мени сеvasан, а?
- Ҳа, севаман!
- Сендан менинг бошим учун отамнинг ўчини олишингни истаيمان!
- Онт ичаман: отамизнинг ўчини оламан!
- Мен ҳам онт ичаман: ҳар доим сен билан биргаман, ҳар хусусда ёрдамчингман...

– Отамизнинг ўчини олмасдан қўймаймиз! Уни ҳечам унутмаймиз! Унинг интиқомини олгунгача фақат унинг учун ашаймиз!

– Ҳа, Темур, фақат унинг учун яшаймиз!

Иковлон аҳду қарор қилиб турган шу дақиқаларда қўлида машъала тутган Тоштуғойнинг укаси чодирга кирди ва аҳволдан вокиф бўларкан:

– Тўғри, Темур, фақат ўч олиш учун яшаш керак, – деди.

Машъала чодир ичини ёритаркан, Темур бирдан бақириб юборди:

– Ҳаҳ!.. Аллоҳ гуноҳкорларни ўз айбларини беркитишда доимо янглиш йўлларга солмишдир. Ана, қотил шу ерда! Оҳ... мана, қотил ханжарини отамизнинг кўксида қолдириб кетибди..

– Нима? Ханжарини-я?..

– Ҳа.

Темур вазир Қазағаннинг кўксидан ханжарни суғуриб олди, унга синчиклаб қаради.

– Бу улуг вазир Сулаймонга тегишли қурол, – деди.

– Демак, қотил у!..

– Ханжарга ва ундаги ёзувга қараганда, қотил у... фақат у ёлғиз эмас...

– Яхши, шериклари ким деб ўйлайсан?..

– Бу ишни аниқлаштиришни бизнинг Ўғуз Арслонга топшириш керак. Тонг отгунча ҳал қилади.

– Онт ичамизки, улардан даҳшатли ўч олурмиз!..

– Ҳа, мудҳиш интиқом олурмиз!..





## VII. МУДҲИШ ИНТИҚОМ

Эртаси тонгданоқ вазир Қазағаннинг қатл қилингани хабари ёйилар-ёйилмас кўшинда шунақаям саросима, талатўп бошландики, гурур ва иззат-нафслари задаланган турклар Темурнинг ёнига ёпирилиб келдилар ва ўч олишга қасам ичишиб, уни ўч олишга ташвиқ ва тарғиб этдилар.

Бу чоғда Темурнинг чодирига тўпланган беклар, мингбошилар ва бошқа улуғлар қотилнинг ва хоинларнинг кимлигини аниқлаш ниятида Ўғуз Арслон аниқлаган далиллар устида муҳокама юритишмоқда эди.

– Болам, – деди Ўғуз Арслон, – буйруғингизни бажариш учун кийимларимни ўзгартириб, бошқа қиёфада жангчилар орасига бордим...

Ҳеч нарсани билмагандай кезинарканман, қоронғида, бир катта тош ортида беркиниб турган номаълум шахснинг: «Ким у!?» дея бақирганини эшитдим.

Унинг овози титрарди. Дарров хушёр тортдим, бир нарса бор шунинг, дея ўйладим. «Менман», дедим-да, секингина унга яқинлашарканман, таниб қолмаслиги учун қоронғироқ тарафга йўналдим.

Қаршисида тўхтаб, кўрдимки, Сулаймон турибди! «Нима қилдинг, Сулаймон? Анави ишни битирдингми?..» дедим шивирлаб.

Шу сўзимдан кейин унинг кўнгли тинчиб: «Ҳа! Битирдим! Аммо менинг ҳам ишим битди энди...» деди.

У мени ҳалиям танимаганди, ўзининг фитначи шерикларидан бири дея хаёл қилганди. Юз-кўзим белбоғ билан ўралгани учун соқолим кўринмасди, чаққон ҳаракатларим мени ёш кўрсатарди.

«Ошналаримизнинг хабари борми?» дедим.

«Йўғ-э, қаёғда. Бу ерга ўзим аранг келиб олдим-ку» деди.

«Бу ерда ҳеч ким йўқ, тинч. Уларни ҳам чақирсак бўлмасмикин?» дедим.

«Бўлади...» деди у.

«Кечқурун йиғилиш бор деб айттириб юборишганди, бироқ мен боролмадим. Мана шу куни тунда ҳукми бажарилиши кераклигини билдиришганди, шуни ўйлаб, агар иш ўйлаганимиздай чиқмай қолса, нима бўларкин, дея роса кўрдим-а... Шомдан бери шу атрофда дайдиб юрибман-да. Аммо ўзингам жуда чаққон, ҳар ишни сездирмай қиладиган устасан-да, қачон келганингни билмай қолибман...» дедим.

«Ҳа, нима демоқчийдим... Унда бориб уларни чақириб келай. Бугунги йиғилиш қайда?» деб сўради у.

«Қоя Алп чодирда» дедим.

У кетди.

Мен сўнгра чодирга бориб, фитначиларни кўрдим...

Ўғуз Арслон сўзини тугатиши билан Темур ундан:

– Улар кимлар экан? – дея сўради.

– Улуғим, сиз уларнинг барини танийсиз...

– Йўғ-э! Кимлар?

– Бари сизнинг рақибларингиз. Тоштуғой Турканни ис-таб, қуруқ қолганлар, анави гавғода Оқа Кундузни ўлдириб қўйиб, қўли қонга буланган саккиз жиноятчи... Сулаймон ўшалардан бири эмасмиди?..

– Ҳа, энди англаяпман гап нимадалигини... Демак, Қазоған вазирни қизи учун ўлдиришган, шундайми? У ҳолда қотилларга омон йўқ!.. – деди Темур.

– Аллоҳ йўлингни очик қилсин! – деди Ўғуз Арслон.

Темур ўрнидан кўзғолгач, Ўғуз Арслон ҳам унинг ортидан эргашди ва чодирдан ташқарига чиқишди. Аскарлар дарҳол уларни ўраб олди.

– Қотилдан ўч олишни истаймиз! – деган товушлар ян-ради.

Бунга жавобан Темурнинг:

– Ўч олингай! Отларингизни миниб, тўпланинг! – деган ҳайбатли овози жаранглади.

Барча севиниб тарқалди ва оқшомга яқин урушга тайёр бўлишиб тўпланишди.

– Ўч олиш учун, вазир Қазоғаннинг интиқоми учун олга!.. – деган Темурнинг жасурона буйруғи эшитилди.

Улар уфққа қараб учиб боришаркан, қаршидан бир отлик кўринди ва яқинлашиб:

– Темур арслонни кўрмоқчи эдим, – деди.

Уни Темурнинг ёнига олиб боришди. Отлик кўйнидан чиқарган буйруқни Темурга топширди. Уни ўқиган Темур амакиси ҳожи Сайфиддин Барлос, Боязид Жалойирий, қутбулақтоб Зайниддин Абу Бакр ва Мирсаид Шарифдан иборат маслаҳатчилари билан вазиятни муҳокама қилишга киришди. Икки соатлик кенгашдан кейин маслаҳатчиларини эргаштириб бир тепаликка чиқди ва аскарларга қарата шундай деди:

– Арслонлар, қаҳрамонлар! Шу онда орқага қайтмоқ биз учун мувофиқдир. Бу ишнинг тўғрилигини маслаҳатчиларим, мамлакатимизнинг энг ақлллари бўлган шу зотлар ҳам тасдиқлашдики, бу қарорда ҳикмат бор.

Сўнгра отига миниб, йўлга чоғланди. Гарчи бу тарзда қайтиш баъзиларга ёқмаган, миш-миш чиқарган бўлса ҳам, барча аскар отланишиб, унинг ортидан эргашдилар.





## VIII. ҚОТИЛЛАРГА НИМА БҮЛДИ

Сулаймон кутилмаганда учраб қолган Ўғуз Арслоннинг сўзларидан бироз шубҳалаганди, фақат ўша пайтда қотиллик изтиробида ўртанаётгани ва эси унчалар ўзида эмаслиги учун унинг кимлигини ўйлаб кўролмаганди. Бир муддат кутди, лекин у тарафдан ҳеч кимнинг келмаганини ва бу туришда келмаслигини ҳам англаб етгач, бу ерда бир гап бор, деб қўйди. Дарҳол сергак тортиб, турган жойидан заҳарли илон каби қўзғолиб, бошини ҳар ёққа буриб, теграсига иблисона қўз ташлади-да, шипиллаганича юра кетди...

Қоя Алпнинг чодирига борди. Эшик ёнида турганича ичкарига кулоқ тутди. Чодирда уни кутаётганлар тоқатсизланиб, ўз гапларини маъқуллашарди:

– Ҳалиям келмади-я, ишқилиб бир фалокат бўлмасинда...

– Қўйсанг-чи, дўстим, ҳар ишда шунақа кечикиш Сулаймоннинг эски одати-ку! Зотан, қўлидан нимаям келарди...

– Ие, ўйлаб гапиряпсанми? Агар у шу пайтда бу ишда бирор хатога йўл қўйса, биз жуда кўп нарса йўқотамиз!..

– Э, азизим, бекорга хавотир олаяпсиз. Кутайлик, юрган одам, келиб қолар ахир...

Зотан, бир жамият, қанчалар собит ва мустаҳкам бўлмасин, агарда у ёмонлик пойдевори устида тикланса, ҳақиқий тўғрилиқ гоёсига таянмаса, унинг аъзолари ўртасида нифоқ чиқаверади. Бири у дейди, бири бу дейди; бири у ёққа, бири бошқа ёққа тортади... Улар доимо бир-бирларига қаршидирлар. Яхшиликдан муддао ёмонлик-ла мусобақага киришмоқ бўлар...

Шундай қилиб, Сулаймоннинг қотиллик мартабасига эришуви ошналарига турлича таъсир этган, баъзилари ҳасад қилиб, ҳалитдан уни чайнай бошлашганди:

– Кўрайлик, қачон келаркин? Оқшомдан бери кутяпмиз, тонг ҳам оқарди, ҳалиям келади!..

– Албатта, келади, қаёққа борарди. Ишқилиб бизга хиёнат қилмаса, бас.

– Сен нима деяпсан ўзи? Оғзингга қараб гапир!

– Менимча, ундан ҳар нарсани кутиш мумкин.

– Бу нима деганинг?

– Биз қасам ичган пайтимизда унга диққат билан қараган-мидингиз?

– Ҳа, эсимда, ғоят турқи совуқ эди.

– Турқини қўяверу онт ҳам ичмаганди! Мен ўшандан бери бу ишнинг охири нима билан тугаркин дея бош қотираман.

– У ҳолда, тагин қочиб кетган бўлмасин, а?

– Балки қочгандир, балки хиёнат қилгандир.

– Йўқ, ўртоқлар, йўқ, у бунчаликка бормас. Сулаймон, эҳтимол, сизларга хиёнат қилар, бироқ ошиқона интиқом сўзидан қайтиш ҳечам қўлидан келмайди! Ундаги ишқ руҳсиз олтидан бошқа нарса эмас: у фақат қиличдай кесади, фақат ўлдиради, фақат у ишқ буйруғини бажаради!

Сулаймон чодир ёнида тураркан, унга номаълум бир одам учрагани ва бу ерга у йўллаганини айтишга қарор қилганди, бироқ ўртоқлари уни кўришлари биланоқ, оғиз очтирмасдан, сўроққа тутишди:

– Иш битдими?

– Айтақол, нима бўлди?

– Қаршилиқ кўрсатдими?

– Сени танидими?

Сўроқ дўли остида қолган Сулаймон, буларнинг эзмалигидан, вақт зиклигидан сиқилиб:

– Дўстларим, – деди писандсизларча, – сизларга ишнинг қандай бўлганини айтиб беришга ҳозир вақтим йўқ. Қани, туринг, ҳозироқ баримиз отга миниб, йўлга тушамиз!.. Бу ердан қочишдан бошқа чора қолмади...

– Нима бўлди ўзи, тушунтирсанг-чи!

– Нима бўларди, дард бўлди! Сизлар бу ерда суҳбатлашар экансиз, чодир ёнида бир шарпа сўзларингизни тинглаб турганини кўрдим. Табиийки, сизлар бунда анча-мунча сўзларни гапиргансиз, у ҳам бекордан-бекорга тинглаб турмагандир-ов... Албатта, бир мақсади бор. Чувимиз чиқмасдан отни чухлайлик! Менимча, Темур бу ишдан хабардор бўлди. Шу-

нинг учун ҳаммамиз Темурнинг олдига борайлик, масалани бошқача тушунтириб, ҳечқурса унинг ғазабидан қутулайлик... Зотан, шу ишни қилганимдан ўзим ҳам пушаймонман, ахир уни ўлдирдим нимаю ўлдирмадим нима, ҳеч бир фойдаси йўқ, ҳеч!..

Қоя Алп ўртага отилиб, унинг сўзини маъқуллади:

– Тўппа-тўғри, бундан бошқа чора йўқ, дўстлар! Қочайлик қутулайлик!

Бари чодирдан чиқишиб, отларига сакраб минишди. Орқаларидан бир неча хизматчиларини ҳам эргаштириб, малъун бир тўда ҳолида отларини учиртириб, қоча бошладилар.

\* \* \*

Қуёшли бир кун. Самоларда, унда-бунда оппоқ булут парчалари учиб юрибди. Ерда эса, номига бўлса-да, бирор кўлка деган мўъжиза кўзга ташланмайди.

Ҳар ёқ қуёш ҳароратидан ёнмоқда, жазирамада қовурилмоқда. Ўрдугоҳдан ярим кунлик масофа узоқликдаги Туғлуқ Темурнинг пойтахтида эса камоли азму иқбол ила шодумонлик ҳукмрон.

Туғлуқ Темур самовий ва беҳиштий тахтида ўтираркан, аллакимни интизор кутаётгани, сабрсизланаётгани ва сиқилаётгани кўриниб турарди.

Хизматчилардан бири келиб, унинг ҳузурига кирмоқ тилаган икки-уч кишининг мунтазир эканлигини билдирди. У киришларини амр айлади. Хизматчи чиқиб кетди ва бир муддат сўнгра қайтиб:

– Кирсалар бўлурми? – деди.

– Бунга келтир уларни! – деди Темур Туғлуқ.

– Бош устига!

Хизматчи шундай дея ташқари чиқди ва сўнгра ичкарига Сулаймон, Қоя Алп ва бошқа фитнадошлар кириб келишди. Туғлуқ Темур хизматчиларига:

– Бизни ёлғиз қўйинг! – дея буюрди.

– Бош устига! – дея хизматчилар ташқарига йўналишди.

Ёлғиз қолишгач, Туғлуқ Темур келганларни сўроққа тутди:



– Нима бўлди? Нега бунақа тўдаланиб келдингиз?

Дўстлари сен бир нима де, дегандай Сулаймонга қарашди.

– Тақсир, – деди Сулаймон, – биз билан бирга беш юз киши келди, Темурдан қочишга мажбур бўлиб қолдик...

– Нега?

– Темур қилган ишимиздан хабардор...

– Демак, бу ишда менинг ҳам қўлим борлигини у биладир?

– Йўқ, тақсирим! Темур содда бир йигит. Унинг бу ишдан хабардорлиги шундаки, унинг одамларидан бириси тасодифан бизникиларнинг чодирда гаплашиб ўтирганини эшитиб олган ва қотилнинг бизлардан эканини сезиб қолган; у бориб Темурга шуни билдирган, холос.

– Демакки, Темурни мен ҳалиям қўғирчоқдай ўйната оламан. У ҳолда, шуни била туриб, бу ерга келмоғингиздан мақсадингиз – мени ҳам фош этмоқ, сиз билан биргалгимни кўз-кўзламоқ, шундоғми?

– Йўғ-э, тақсир, биз бу ерга фақат марҳаматингизга сизгигиб, сиздан паноҳ тилаб келдик! Табиийки, ҳимоятингиздан умидвормиз...

– Ҳозирча сизга изн бердим. Мен билан бирга бўлсангиз (фақат буни ҳеч ким билмаслиги керак), яқинда вазир Қазаған замонида саркашлигини бошлаган ерлардаги аҳолини ўзимга тобе этмоқ, бошқа баъзи ерларни ҳам итоатимга олмоқ ва аввалги қудрату шавкатимга эришмоқ учун катта юришга тайёргарликка киришурман. Ўшанда бизга қўшилишга имконингиз бор.

– Раҳмат, тақсир!

– Темурга эса ҳеч бир ғаразим йўқ. Фақат, кўрамиз, келажакда даврон бошимизга неларни солгай.

– Тақсир, унинг сизга қарши исён кўтариши аниқ...

– Ўшанда кўрамиз!

Туғлуқ Темур шундай дея бир ишорати-ла хизматчини чорлади, келганларни кузатиб қўйишни буюрди. Улар чиқиб кетганидан кейин:

– Ана, ишлар мундоқ бўпти, Қазаған бобо! – дея мамнун жилмайди. – Мен босиб олган ерларимни қайтиб олиш учун ҳеч недан қайтмайман! Ҳеч не, ҳеч ким бунга моне бўлолмас! Агарда куёвинг Темур ҳам менга қарши заррача осийлик кўрсатса, бош кўтарса, боши кетадир, эҳ!..

Сўнгра яна хизматчини чорлади. Унга:

– Энг чаққон чопарларимдан бирини тезда бунга юбор! – дея амр этди.

Бироздан сўнгра ичкарига чопар кириб келди. Туғлуқ Темур хузурида арзи эҳтиром айлади. Туғлуқ Темур суяниб ўтирган ёстиғи остидан бир хамённи олиб, унга узатди ва шундай деди:

– Ҳозироқ отга мин! Учганингча қўшинга етиб бор! Темурга учраш. Қайнотасининг ўлдирилиши муносабати билан унга ва хотини Тоштугой Турканга таъзиямни билдир. Мовароуннаҳр ўлкаси бошқарувини унга топширганимни етказ! Турган еридан ҳеч ёққа жилмасин. Мен уруш бошлайман, ундан анчагина хизматлар талаб қилурман. Тез йўлга туш!..

– Бош устига! Бу сўзларни фақат Темурга айтайми?

– Ҳа, фақат Темурга айт!

Чопар султон Туғлуқ Темурнинг этакларини ўпиб, ташқарига чиқди. Султон деразадан унинг отига миниб, ошиқич йўлга тушганини кўрди.

\* \* \*

Мўғул саркардаси султон Туғлуқ, эски мўғул оталаридан ўтган қонидаги ўжарлик, қайрилмас шиддат билан Олмаликдан Самарқанд устига юрди.

Туғлуқ Темур барча режаларини унутиб қўйган рассомдай иш тутганича йўлида учраган ҳар нени ёқиб, йиқитиб, тевааракка даҳшат сочиб борарди.

Унинг аскарлари шу ерлик турклардан ташкил топганди. Ораларида мусулмонликка унча аҳамият бермайдиганлари, талончилар ҳам учраб турарди. Бироқ бари Туғлуқ Темурга садоқатли, унинг бир амрига қонини, жонини фидо қиладиган, унга ҳаёти билан боғланган жанговарлар эди.

Темур амридаги вазир Қазағаннинг аскарлари, султон Туғлуқ қўшинининг бу муваффақиятли, ўлжага бой юришини кўрар-кўрмас, оғизларининг сувлари қочиб, дарҳол истилочилар ёнига от қўйдилар.

Манфаатчилар орасида Темурнинг амакиси ҳожи Сайфиддин Барлос билан Боязид Жалойирий ҳам бор эди. Темур уларнинг бу ишидан жудаям хафа бўлди. Бу режасиз ҳаракат,

ҳар ерни босиш ва талашга йўналтирилган ғаддорона юриш натижасида Туғлуқ Темур, бир пайт келиб, ўз тигини ёш Темурга қаратиши ҳам мумкин эди...

Шуларни ўйларкан, Темур машваратчиларидан кутбулақтоб Зайниддин Абу Бакр ва нақшбандий тариқати мансуби Саид Шарифлар маслаҳатига кириб, вақтинча қайнотасининг қотилларига қарши урушдан воз кечди, султон Туғлуқ Темур билан эса иложи борича яхши муносабат ўрнатишни муносиб кўрди. Бу икки уста маслаҳатчи воситасида ўзини Туғлуқ Темурга содиқ кўрсатишга, пайтдан фойдаланиб, ўз аҳволини тартибга келтиришга интилиб, султоннинг яқинлари билан алоқа боғлади ва анча-мунча муваффақиятга ҳам эришди. Султон айғоқчилари орқали аниқланган сирларни Темурга ҳам билдириб турарди. Темур бериладиган ақча ва тортиқларни орттира-орттира султоннинг одамларини қўлга киритгани каби бора-бора Туғлуқ Темурни ҳам ўзига оғдириб олди...

Булар, тортиқлар учун сарфланган ақчаю олтинлар тариқат кишиларидан, вақфлардан йиғилиб келарди. Темурни диндор аҳоли яхши кўрарди ва уни доимо қўллаб-қувватларди. Темур ҳам уларнинг ҳусни назарини жалб этишга, қўнглини олишга интиларди. Шу тариқа у киришган ҳар ишида ютуқларга эриша бошлади.

Бир куни Темур хос маслаҳатчилари билан кенгаш қиларкан, сўз айланиб шу гапларга тақалгач, бир маслаҳатчиси ўта ишонч билан шундай деди:

– Султоннинг аҳволи қанақалигини билиш учун уларнинг вазиятини кўз ўнгимизга келтириш кифоядир деб ўйлайман.

– Бу хусусда мен ҳам айни фикрдаман, – деди Темур. – Ҳар ҳолда Туғлуқ алданди.

– Қанақасига алданади?

– Э, шунақаям алдандики, ҳатто қайнотамнинг қотилларини ҳимоятида тута келгани ҳам менга маълум эмаслигига ишонадир деб ўйлайман.

– Менимча, султоннинг бунақа алданиши мумкин эмас, эҳтимоли ҳам ғайриқабулдир. Туғлуқнинг бунчалар аҳмоқликка боришини хаёлимга ҳам келтиролмайман. Аммо сиз бунга муваффақ бўла билдингизми, агарда шу ишни ба-

жарган эрсангиз, амалга ошишини имконсиз кўрганим ва қойил қолганим бу муваффақиятга қандай нойил бўлдингиз?

– Қандай бўларди, бу жараён ўз-ўзидан юзага келди. Султоннинг одамлари нуфузимни жуда юксак тасаввур этишарди ва устунлигиму бойлигимдан кўзлари қамашарди. Олтину тортиқларим юрак-юракларига кириб борганди. Хонга ҳам ҳадияларни ҳеч аямасдан юбордим. Мана энди ким яхши, Темур яхши, ҳар хусусда фикримни сўрайди, раийимга қарайди, кўпинча мен айтгандай иш тутишни мақбул кўради. Муваффақият қозониш учун татбиқ этган ўша ҳийлаларни менга сиз ўргатгандингиз-ку ахир. Ҳар ишда доимо диндорлардан, уларнинг таъсиридан ва кўз қамаштирувчи сийму зардан, ҳадиялардан фойдалан, дея сиз маслаҳат бергандингиз-ку!

– Бўлди, қўлга тушдик, биз таслим! Фақат бунчалар оз вақт ичида бунчалар катта муваффақиятга эриша олишингиз ҳаёлимизга ҳам келмаганди.

– Сиз у йўл-йўриқни, душманга қарши ҳийлани билардингиз. Фақат қандай амалга оширишни аниқ билмасдингиз. Мабодо сиз менинг ўрнимда бўлсайдингиз, бу ишни юзага чиқариш учун фурсат тополмай бошингиз қотарди. Бунга икки баравар кўп замон берилгандаям муваффақият қозонмоқ осонмас. Бир сиёсий ҳийлани амалга татбиқи учун кунлар эмас, балки йиллар ҳам оз. Ўйчи ўйини битиргунча, таваккалчи ишини битиради. Бунақа ишда ҳар доим жасорат, таваккалчилик, олдин ҳужум уюштириш катта аҳамиятга молик. Мен худди шундай қилдим. Ўлгунимча мана шундай йўл тутишга қарор қилганман ва ўлгунимча муваффақият қозонишга умидворман. Руҳим, фикрим ҳам урушни бошқарадиган қўлларим каби кучли ва метин бўлиши кераклигини биламан!

– Жуда соз! Қутлаймиз! Сизнинг бу ютуқларингиз биз учун ҳам шарафдир!

– Яна шунисиям борки, султон Туғлуқ ҳар неки хусусда менинг қарашимни ё маслаҳатимни сўраган бўлса, унга айтган сўзларим билан унинг ҳукумати ва манфаатини эмас, ўз муваффақиятларимни кўзладим.

– Ўҳў! Бунга қандай эришдингиз?

– Масалан, ҳар доим менга берган амрларини бажарганимни билдираркан, фикру зикримни унинг ватанимдан, Мовароуннаҳрдан чикиб кетишига қаратардим. Ҳеч ўйлаб кўрдингизми, Маҳмудшоҳ бу ерларга ўз-ўзича келиб қолдими, Туғлуқ уни ўз ташаббуси билан бунга жўнатдими?

– Не билайлик, қани, ўзингиздан эшитайлик...

– Бу ишни олдиндан пиширдим. Юртимизда етишган, бу ўлканинг шароитини яхши биладиган, ўз уруғимдан бўлган Маҳмудшоҳ Барлосни султонга тавсия этдим. Унинг кўмондонликка кўтарилишига роса ҳаракат қилдим ва ниятимга етдим. Унинг бу мартабага эришувига бу ўлкадаги аҳволни яхши билиши омил бўлди.

– Сизнинг тимсолингизда шу ватанни кутқариш учун юборилган улуғ халоскор шахсни кўрмоқдаман ва қасам ичаманки, шу ондан ўлгунгача сиз ва сизнинг муваффақиятларингиз учун хизмат қиламан!

– Раҳмат! – дея Темур доно маслаҳатчиларига эҳтиромини изҳор этди.

Шундай қилиб, Темур уруғдоши Маҳмудшоҳни кўмондонликка тайинлатган кунларда султонга баъзи хирожларини тўлай олмаган мулк эгалари саросимага берилиб, борбудларидан айрилиб қолиш кўрқувсига тушган, ётиб қолгунча отиб қол, қабилда иш тутиб, қипчоқ босқинчилари устига ҳужум уюштиришган ва қипчоқлар орасида талатўпу исён чиқаришган эди.

Султон бу қўзғолонни бостириш учун Мовароуннаҳрдан келадиган даромадга кўз тутаётганди. Ҳолбуки, Туғлуқ иста-саю истамаса, бу ўлкани идора эта оладиган энг мақбул шахс Темур эди.

Темур ҳам уламанинг ҳурматини, ҳам аҳолининг муҳаббатини қозонганди. Жасорати, маҳорати туфайли ҳукумат амалдорлари ва султон наздида катта мавқега эга эди.

Султоннинг буйруғига кўра Темур Мовароуннаҳрға волий этиб тайинланди ва кўлига ҳокимлик муҳри, амрига ўн минг кишилик қўшин топширилди.





## IX. ФАЛОКАТ

Еру кўкни қалин туман ва кўз-кўзни кўролмас бир зулмат қоплаган мудҳиш, қўрқинчли кеча... Замину самовотни тўлдирган бу бўғиқ ҳаводан қандайдир фалокатнинг сассиқ кўлансаси анқийди, шамоллар ўлим бадбўйини келтираётгандай, атрофда бир жаҳаннамий қоронғулик ҳукмфармо...

Мана шундай ваҳимали, зим-зиё туннинг қоронгу зиндониди, унинг қора қумларида вишиллаб судралган илонлар каби икки-уч кишининг изғиб бораётгани шарпаси сезилади...

Бу ерлар Темур ҳокимлик килаётган Мовароуниахр ўлкаси чегарасига яқин бир макон. Бу қумлик водийда кичик-кичик тепаликлар кўзга ташланади. Тепаликлар панасида писиб ётадиган қароқчилар бундан аҳён-аҳёнда ўтадиган йўловчиларни тунаб, қашқирлардай кун кечирishaди. Ҳалиги қоронғиликда тимирскиланиб юрганлар итларникидай ўткир кўзлари билан туманликда бир отлиқнинг келганини илғашди. Дарҳол олдиндан тайёрланган пастқамликка ўзларини олиб, писувда кута бошлашди. Отлиқ эса, ҳеч нарсадан хабарсиз йўлида давом этарди...

Ҳалиги пастқам ёнидан ўтаётганида бўйнига бир нарса келиб тушганини сезди...

Қароқчи унинг бўйнига каманд отганди. Отлиқ бечора гушллаб ерга йиқилди, нима бўлаётганини билолмай ҳам қолди, ўзини у ёққа-бу ёққа урди, типирчилади, бироқ кўксига ва бўйнига урилган икки-уч ханжар зарбасидан кейин мангуга тинчиди-қолди.

Йўлтўсарлар заволли ўликнинг уст-бошини тинтиб кўришди, бироз пул ва қўйнидан мактуб чиқди. Хат араб ёзувида, бу ўлкада пахтадан ишлаб чиқарилган қоғозга битилган эди. Қоғиллар йўловчининг ўлигини судраганча олдиндан тайёрлаб қўйилган чуқурга олиб келиб ташлашди ва бирпасда уни кўмиб, жинойт изини беркитишди. Сўнгра жасад

кўмилган ерни ҳар эҳтимолга қарши яна бир бор кўздан кечириб, ўлжасини овлаган қашқирлардай қоронғиликда, туман орасида гойиб бўлишди. Бироз юришгач, қурбон кетган одамнинг отини етаклаб олган қароқчи:

– Яна қанча юрамиз, тонг отиб қолди-ку, – деди.

– Тўхташ йўқ! – деди бошқаси. – Темурнинг ерларидан чикиб кетгунча юришга мажбурмиз.

– Ҳа, шундай қилганимиз тузук. Шундай иш тутишимиз нисбатан хавфсизроқ ва қутулишнинг йўли ҳам шу.

Йўлда давом этишди. Бир муддат ўтгач, учинчи кимса шундай деди:

– Бу кечани шу атрофда, эронлик Хизирнинг уйида ўтказсак, нима дейсизлар? Унинг жойи Темурнинг ерларидан ташқарида. Менга қолса, шундай қилиш керак.

– Жуда яхши. Ўзиям итдай чарчадик. Манави ҳайвонниям бизга фойдасидан кўра зарари тегди, ҳеч йўлимиз кўпаймади.

– Келишдик. Қани, ўша ёққа жўнадик!

Қароқчилар ғайрат билан йўл босиб, ўн дақиқадан сўнгра эронлик Хизирнинг уйига етиб боришди.

Дарвозани тақиллатиб, очтиришди ва ичкарига киришди. Эронлик Хизир ҳам йўлтўсарларга ўхшаган, қоронғида кун ўтказадиган заҳарли илонлардан эди. Фақат у қароқчилардан ақллироқ эди, ўқиш-ёзишни биларди. Бу хилват, гадейтопмас маконга ҳийлагарликда янада етукликка эришиш ва зийрак кўзлардан узоқроқда туриш ниятида келиб қолганди. У бунақа аҳмоқ қароқчилардан бир нечасини ҳар бармоғида ўйнатарди-ю, бироқ бу найрангини ёнидаги бирор кимсага сездирмасди.

Эронлик Хизир йўлтўсарларни қани-қани қилиб кутиб олди ва хонага олиб кириб ўтқазаркан:

– Шу кечаси ов бароридан келибди-ёв, кўзимга жуда бойгандай кўриняпсизлар, – деди синчиклаб.

– Э, гўр бўлармиди, – деди қирриқ қароқчи. – Қанчалик бойганимиз маълуммас, ҳали ўлжага тузук-қуруқ қарамадик ҳам. Кўрайлик-чи, киши бошига қанчадан тегаркин?

– Э, олинг унда, мен тақсим қила қолай! – деди Хизир.

Йўлтўсарлар ўлжаларини чолнинг олдига тўкишди. Нарсалар орасида ҳалиги мактуб ҳам бор эди. Қария хатга зийракларча кўз ташлаб, ўғриларга билдирмасдан дарҳол уни

бир ёққа айриб қўйди. Ўртадаги ўлжани, пулларни тақсимлади, сўнгра мактубни қўлига олиб:

– Шуям меники бўлсин! – деди. – Биласизки, мен шунақа нарсаларга қизиқаман. Ўзи, бундайин эски-туски коғознинг сизларга ҳеч кераги йўқ деб ўйлайман.

– Э, отахон, олавер! – деди бир қароқчи.

– Зотан, биз уни отиб юбормоқчийдик, – деди бошқаси.

– Бизга фойдаси йўқ коғознинг нима кераги бор, ортиқча юк! – деди учинчиси.

– Тўғри! – деди чол. – Сизлар учун бу ташлаб юбориладиган кераксиз нарса, ортиқча юк! Аммо мен уни Эронга юборсам, бирор қимматга эга бўлиши мумкин. Шу боисдан, уи менга берганингиз учун сизларга ташаккур билдираман.

– Э, отахон, шу сеники, олавер!

– Гапиришгаям арзимаёди-ку бу! Э, эзвордиларинг-да...

– Ҳў, қулоқни единг-ку, нега бақирасан?!

– Ўчир! Нега томоғингни йиртасан? Бўғиб қўяйми ё!..

Қароқчилар ўртада тақсим қилинган ўлжага қаноат қилмасдан, бир-бировиникидан кўз узолмай, феъллари айниб турганди, дарҳол даҳанаки жангга киришдилар. Сал бўлмаса ёқалашиб кетишарди-ю, Хизир:

– Э, қўйинглар, ўзларинг жўмард одамларсизлар, арзимас нарсага жиқиллашманглар, – дея уларнинг шаштини қайтарди. – Биламан, менга жонларингниям фидо қиласизлар. Бўнги, мен энди борайин, сизлар ҳам дам олинглар.

Хизир қароқчиларни ўз ҳолига ташлаб, хонасига кирди-да, қўйнидан мактубни олиб, индамасдан кўз югуртирди. Сўнгра бирдан:

– Эй воҳ, Темур! Бошингга фалокат тушибди-ку!.. – дея ҳайқириб юборди.







## Х. МАКТУБНИНГ СИРИ

Темурнинг фавкулотда иқтидор эгаси эканлигини англаган ва унинг келажаги учун хизматини аямасликни ваъда қилган икки зот бор эди: уларнинг бири нақшбандийлар тариқатига мансуб Саид Шариф, иккинчиси Темурнинг бош маслаҳатчиси, қутбулақтоб Зайниддин Абу Бакр эди...

Бу икки зот барча одамлари билан биргаликда Темурнинг истиқболи учун хизмат қилишарди ва унинг иқболи учун қуянишиб, жонбозлик кўрсатишарди.

Бир ойча олдин бу икки зот Темур ҳаётидаги муҳим масалалар мавзусида маслаҳатлашиб ўтириб, тортишиб ҳам қолишганди. Ўшанда Саид Шариф:

– Темурнинг бунчалар қисқа вақтда ҳоким бўлиши тақдирдан. Унинг толеси шунақа, менимча. Аммо ҳар нарсага тайёр туриш ҳам керак. Зотан, ҳар қанақа одам тақдиридаги саодатдан юз ўгира олмаганидек, пешонасига ёзилган фалокатдан ҳам қутулолмайди ва ўзи йўқ толени бор қилиш қийин... – деди. – Менинг фикрим шу: агар тақдир лойиқ кўрса, Темур буюк бир султон бўлса бўлаверадир. Мабодо тақдири бошқача эрса, биз қанча хизмат қилмайлик, қанча уринмайлик, ҳеч иш чиқмайдир...

– Тўғри, жуда тўғри! Фақат тадбирда қусурга йўл қўймаслик даркор! Эҳтимолки, тақдир ўша саодатга эришиш учун тадбирни шарт этиб қўйгандир. У ҳолда Темурнинг муваффақияти учун нечун ҳаракат қилмаслигимиз керак? Нечун фалокатга йўлиқса йўлиқаверсин, дея индамай ўтиришимиз лозим? Темурнинг подшоҳ бўлиши тақдирда ёзилмаган эрса, унда кичик бир муваффақият туфайли шундайин ҳокимликка тайинланишига не дейилур?..

– Воқеан, бу ҳокимлик унинг келажакка отган илк одимидир! Фақат толесининг порлоқ нурларидан кўзи қамашса, Чингизона қахрамонлик хаёлотига берилиб кетса, у вақтда

мағлуб бўлур. Зотан, унинг кураши энди бошланмоқда, у эндигина майдонга тушди...

– Ўйлашимча, Темур бутун умрини халкнинг ҳукмдори бўлиб ўтказадир. У бутун ташаббусоти, ижрооти – қиладиган ишларининг ҳисобини беришни, халқ олдидаги масъулияти-ни доимо назари эътиборга олмишдир. Яна шулким, унинг ғояси ва ватан истиқболи учун тасаввур айлаган лойиҳаси борким, албатта, унда Бухоро ва Нахшаб томонларнинг бирлашуви ҳам мавжуд...

– Жуда яхши-да! Фақат мақбул вазият ҳануз пишиб етилмаган, у лойиҳадаги ишларни амалга ошириш учун Темур ҳали кўп сабр этмоғи керак!

– Э, бўлмаса-чи? Табиийки, сабр этмоқ яхшидир. Темур ҳам шу йўл тарафдори.

– Бу ишлар амалга ошиши биланоқ, мана, кўрасиз, турклар ва мўғуллар билан Чингизхон ўртасида тузилган битим ҳукмлари ўз кучини йўқотадир. Чингизхон қўл остидаги муқаддас Чин салтанати ҳам аввалги қуввати ва эътиборидан айриладир, парчаланадир, ана ундан кейин Осиёда бир неча кичик давлатларнинг пайдо бўлишига ҳеч кимса монелик эта олмайдир!

– Буни кўп яхши айтдингиз. Фикру қарашларимизда ўхшашлик, бирлик борлиги каби Темурнинг мулоҳазалари ва тушунчалари ҳам бизникига монанд ва иттифоқдир, у ҳам кўп нарсани биздек ўйлайдир. Зотан, ҳеч бир замон, ўзингизга ҳам яхши аёнким, Темур уламонинг насиҳатиндан қочмади, доимо бизларни ўзига маслаҳатчи деб билди.

– Тўппа-тўғри. Бу хусусда Темурдан кўнглим тўқ. Ҳар бир ишга оқилона тадбир ила ёндошаётгани ҳам бунинг далили эмасми ахир. Мен унинг ўзига ҳам иқболи баландлигидан, келажаги порлоқлигидан сўйлагандим. Аммо олдиндаги юксак мақсад шошқалоқликни кўтармайди, буни унутмайлик.

– Тўғри, бу азим мақсадга восил бўлмоқ учун биргина жасоратнинг ўзи етмас. Бироз диққат билан ҳаракат қилинса, сабри йўлбошловчи ва йўлдош этилса, ҳар ҳолда, Темур кўзлаган ғоясига эришгай, иншооллох.

– Тўғри, худо хоҳласа, шундоқ бўлгай. Хусусан, яна бир масала бор. У ҳам бўлса, аҳоли кўз ўнгида бир эътибор қозонмоқ, унинг меҳру ҳурматига эришмоқ. Муҳими, буюк

ғоялар йўлига тушган зот энг аввал эгаллаши шарт бўлган яна бир нарса борки, бу ўйин аталур! Қачон, ким билан, қандай ўйнашни ўрганиб олгач, бошқа ишлар енгил кўчгай. Чунки у қаерга бормасин, йўлдошлар ва ёрдамчилар бўлгай. Қаердаки бирор хатар ё фалокат ёпишса, уни қутқарадиган, ҳеч қурса, битта одам топилгай. Ана энди мана шу нарсага диққат қилинг: юқоридаги ҳолатларда вазият, чегара аниқ. Аммо буни уруш билан муқояса этмоқ мумкин эмас. Урушда жуда кўп одам қатнашади. Кўпчиликнинг эътиборини қозонмоқ – шу жиҳатдан муҳим.

– Афкори умумийни, эл эътиборини қозонмоқ учун Темур имкони қадар фидокорлик кўрсатмоқда. Бироқ биздан исталаётган фидокорликлар бошқа турлидир...

– Яъни, қанақа?..

– Айни шу хусусда унга ёрдам қилишимизни истайдир...

– Қандайин кўмак бера олурмиз?

– Қўлдан келганича-да...

– Ишонингки, бу борада ҳеч нарсадан хабарим йўқ...

– Унчалик эмас, лоқайдсиз холос.

– Йўғ-э! Темур ҳазратлари мафкурада, одамлар орасида юксак мавқега қай тариқа эришгайлар – мен буни қайдан билайин? Бу ўринда менинг қандай хизматим бўлиши мумкин...

– Тақсирим! Камина қулингиз икки-уч кундирки кўча айлашиб, эл тилига қулоқ тутдим, бу юртда анча-мунча дўстларим, таниш-билишларим бор, улар билан суҳбатлашдим. Барига Темурнинг фазилатларидан сўйладим. Энди энг ишончли дўстларимга бутун ўлкада шу иш билан шуғулланишларини тавсия қилгаймен. Бошқа таниш-билишларга ҳам Темурни шундай мақтайинки, уларнинг тилидан ҳам Темур тушмай қолсин.

– Жуда соз! Мен ҳам сиз билан бирга ишга киришавераманда?

– Ҳай-ҳай-ҳай, тақсирим, ўзингизни уринтириб нима қиласиз? Мен йилларча елиб-югуриб, куйиб-пишиб юзага чиқарадиган иш сизнинг шунчаки бир оғиз сўзингиз билан битади. Ҳозирги вазиятда сизнинг биргина сўзингиз кифоя.

– Қанақа сўз?

– Ҳа-ҳа, биргина сўзингиз етарли. Биз олдин Темурга сиёсатда диннинг таъсир кучидан фойдаланишни уқтиргандик, тўғрими?

– Тўғри.

– Темурнинг сиёсий нуфузга эришмоғи учун қилинадиган ишлар хусусида менинг пишган фикрларим бор. Диний томондан эътибор топиши учун эса, мамлакатмизда дину диёнатда, уламолар орасида олий мавқе ва мақом соҳиби бўлган, авом оммаю бутун халқ этагини ўпадиган сиздай зотнинг олижанобларча ҳиммати кифоят этар!

– Астафидуллоҳ... Мен сиз айтган гапларни уддалашим учун нималар қилишим керак, шуни билмайроқ турибманда... Ахир мен сиз каби сиёсат майдонида улғаймадимки, бунақа ишларни осонгина бажараверсам...

– Тақсирим, бунинг ҳеч осон-қийини йўқ. Зоти олийлари озгина ҳиммат билан бу ишни қила оласиз.

– Қанақасига?

– Яъни, лутф этсангиз-да, муридларингизнинг ҳар бирига Темурнинг фазилатларидан ва дину диёнат йўлида жонфидаликларию куйиб-пишганидан сўйласангиз ва уларнинг кўз ўшигида уни юксалтсангиз – ана шу билан, амин бўлингки, Темур ҳазратлари учун қилинадиган энг катта хизматни ҳиммат-ла бажарган бўласиз.

– Агарки бунчалик экан, унда икковимизнинг маънавий фарзандимизга айланган Темур учун бундайин арзимас хизматни ҳеч пайсалга солмасдан бажаргаймен...

– Раҳмат, тақсирим, иншооллоҳ, бу ишни охирига етказгаймиз...

– Иншооллоҳ...

Шундай дея Темурнинг икки устози ўзаро келишиб олишди.

Зайниддин Абу Бакр Темурга бу гапларни етказгач, у ўз истиқболи учун илк уруғлар экилганини англаб, устозидан:

– Энди кимнинг олдига борурсиз? – дея сўради.

– Олмалиқда менинг бир устозим бор, ғоятда муҳтарам, обрўли зот. Унинг ҳузурига бораман, этагини ўпаман, дуо оламан. Сўнгра қайтиб, керакли одамлар билан бирма-бир кўришиш учун сафарга чиққаним яхши деб ўйлайман. Бу мевали дарахтни ким экканини кимса билмас...

– Ишқилиб, ўзингизни эҳтиёт қилинг. Борган ерингизда узоқ қолиб кетманг...

– Сиз унака шошилманг. Пешонага ёзилганини кўрамиз, ҳечдан кўра кеч авло.

– Яхши. Шу ватанни қутқазиб учун ҳаракатни бир кун бўлсаям олдинроқ бошлаганим дуруст.

– Маъкул. Энди мен борай...

Зайниддин Абу Бакр ўша кунданок ишга киришди.

Саид Шариф ҳам муридларига гоёта аҳамиятли, таъсирли ваъзу насихатлар қилди. Иккаласининг уринишлари ҳам бир хилда яхши натижалар берди.

Зайниддин Абу Бакр сафарга кетгандан кейин Темурга ундан бир неча мактуб келди. Доимо Темурнинг келажаги учун қайғурган устознинг хатлари ақлу ўғитга тўла эди, уларда Темурнинг қандай хатти-ҳаракат қилиши кераклиги очиқ-ойдин кўрсатилганди. Шунинг учун ҳам Темур мактублардан айри яшолмай қолди.

Бир куни икки-уч киши водийда кетаркан, қон изларига кўзлари тушди. Улар издан бориб, қабрни очишди ва ўлдирилган одам жасадини Темурга олиб келишди.

Темур ўликни таниди: у Зайниддин Абу Бакр билан ўзи орасида хат ташиб юрган хабарчи эди. Дарҳол қотилларни топиш борасида буйруқ берди. Маълум бўлишича, қотил қароқчилар чегарада яшайдиган эронийнинг уйида кўноқ бўлишган, сўнгра ўзаро жанжаллашиб қолишган, иш бир-бирларини ўлдиришгача бориб етган. Фақат биттаси ярали ҳолда қутулиб қолганмиш, бироқ қаерга кетгани мавҳум.

Темур Зайниддин Абу Бакрнинг хати Туғлуқ тарафдорлари қўлига тушса қандай фалокатлар юз беришини ўйларкан, буни сир тутишга қарор қилди. Эронлини қидиртириб топтиролмагач, устозига хабарчи йўллаб, вазиятнинг нозиклигини тушунтирди ва сўнги хатини қайтадан юборишини сўради. Эртасига мактубни олди, ўқиди ва унчалар таҳлика йўқлигини англади, кўнгли тинчиб, бу масалаларга ортиқ эътибор қилмасликни муносиб кўрди...

Хуллас, эроний Хизирнинг қўлига тушган мактуб шу эди...

Шу воқеадан уч кун ўтиб, Туғлуқ Темур ўз саройида Қазаган вазирнинг қотиллари билан суҳбатлашди. Бу фитначи иблисларнинг ҳар бири унга Темурни роса ёмонлади, турли ёлғон-яшиқни сўйлаб, ҳатто уни хоинга, қўлидан иш

келмас ландавурга чиқариб, султон кўз ўнгида Темурни ерга уришди:

– Султоним, сиз бизга ишонинг, шу кетишда Темур тахту хукмронлигингиз учун бир бало-казо бўлади! Биз қулларингиз уни болалигидан бери биламиз, у ярамас, соткин, иширисқи одам! Темурнинг салтанатга, сизга садоқат кўрсатиши пуч гап! Султонимизнинг энг ожиз қулларидан бири сифатида шуни арз этайки, унга қанчалар лутфу марҳамат кўрсатсангиз ҳам, уни қанчалар суйсангиз ва қанчалар яхшилик қилсангиз ҳам, буларнинг барчасига жавоби ғаддорлик ва нонкўрлик бўлишини кўрурсиз...

– Мен Темурни сиз айтганчалик одам деб ўйламасмен, – деди султон Туғлуқ.

– Ана, аттангу афсус дейдиган жойи шунда-да, султоним! Биз-ку, майли, отнинг қашқасимиз: ишимиз яширин, қонли ва таҳликали. Султоним, агар у ҳақда яхши фикрингиз бор бўлса, ҳеч шубҳасиз, бу ўринсиз тушунча тезда йўқолажак! Агарда унга заррача ишончингиз бор экан, билингизки, бу жудаям ачинарли ҳолдир. Чунки у бадкирдор ҳеч қапақа яхши фикрга лойиқ эмас, у ғирт хоин, ҳеч қандайин садоқат кутилмайдиган бир манфаатпараст!..

Шунда Туғлуқ Темур суҳбатга аралашмай жим турган Қоя Алпга қараб:

– Сиз нима дейсиз? – деб сўради.

– Менимча, ҳар гап очиқ айтилди. Аммо мен уларнинг Темур кучли эмас, деган сўзига қўшилолмайман.

– Шундай денг?

Темур қандай одам, деб мендан сўралса, Темур фавқулодда кучли одам деган бўлардим. Айтиш мумкинки, Мовароуннаҳр ўлкасини идора эта оладиган амирлар орасида энг нодири у, ундан яхшиси йўқ...

Шу пайт хизматчи кириб, бир эронийнинг султон ҳузурига кириш учун изн истаётганини билдирди. Бу ердаги барча амирлар ташқарига чиқиб кетгач, султон эронийнинг ўз ҳузурига келтирилишини амр этти.

Эроний кириши билан султон ундан:

– Мендан нима тилагинг бор? – дея сўради.

– Жаноби олийлари билан бир хусусда маслаҳатлашмоқчи эдим. Атоқли кишиларингиздан биттасининг сизга

хиёнатини исботлайдиган бир мактуб қўлимга тушиб қолди. Шу хатни сизга сотмоқчиман...

– Жуда соз! Қанақа мактуб экан?

– Жаноби олийлари, мактуб мана, ичида ёзилган гаплар жуда муҳим. Фақат у сизники бўлмагунча, пулини бермагунингизча уларни билолмайсиз...

– Тилагингни айт!

– Жаноби олийлари, озгина...

– Бўларини айт!

– Сардорликка тайинласангиз девдим...

– Бўлди, сен бугундан бошлаб сардорсан!

– Худо умрингизни узун қилсин, султоним...

– Э, чўзма, мактубни бер! Нега яна тўнкадай қимирламай турибсан?

– Султоним, яна бир талабим бор эди-да...

– Сўйла, нима дейсан?

– Жаноби олийлари, оиламни Эрондан бу ёққа кўчириб келиш ва уларнинг бунда яшашини таъминлаш учун минг олтинга эҳтиёжим бор-да...

– Минг олтин сеники, қани, мактубни бер энди!

– Улуғ султоним, яна кичкинагина бир тилагим бор эди...

– Э, лўлидай тиландинг-да, яна нима керак сенга ўзи?

– Анави куни ярадор бўлиб қўлга тушган қароқчининг гуноҳидан кечсангиз...

– Тушунарли...

– Минг раҳмат, жаноби олийлари!..

Туғлуқ султон хизматчини чақирди. Унга:

– Бу одамга минг олтин эҳсон этилсин, уни сардорликка тайинлансин, кечаги куни қўлга олинган қароқчи озод қилинсин ва унга топширилсин, – дея буюрди.

– Бош устига, зоти олийлари! – деди хизматчи.

Эроний мактубни икки қўллаб Туғлуқ Темурга узатаркан:

– Султоним, мана мактуб, – дея таъзим қилди.

Хизматчи ва эроний ташқарига чиқишди.

Туғлуқ Темур мактубни ўқиб, ўйланиб қолди. Унда шу сўзлар битилганди:

*«Темур ўғлим!*

*Сабр қил, болам, ҳукмдорлик фани шартларидан бири сабр ва саботдир. Бошқа бир шарти эса, кўрганингни*

*кўрмаётгандай қилиб ўзингни тутмоқдир. Янаям тўғриси, билганингни билмагандай бўлиб кўринмоқдир.*

*Зайниддин».*

Хатнинг маъноси аён. Султон Туғлуқ бу сатрларда ўзига қарши бирор хиёнат ё ёмонлик белгисини илғамади.

Бир муддат ўтгач, у сал аввал чиқиб кетган фитначиларни хузурига чақиртирди ва мактуб билан уларни таништирди. Бу хатда ўзига зарар келтирувчи ҳеч нима сезмаганини айтган, Темурдан шубҳаси борлигини шаъма қилишни ҳам унутмади.

Ёнидаги фитначилар фурсатни бой бермасликка тиришиб, поша-пиша Темурни ёмонлай бошлашди.

– Зоти олийлари, биз сизга айтувдик-ку ахир унинг чаёнлигини...

– Унинг башарасини очиб ташлаганимизга қарамай, Темурнинг хоинлигини исботлаб берсак ҳам, сиз уни ҳимоя қилаётган эдингиз-а, султоним!..

– Ундоқ эса, мен ҳам Мовароуннаҳр ҳокимлигини ўғлим Илёсхўжага бердим! – дея фикрини тамоман ўзгартирди султон. – Амрим шу, бугуноқ ҳукмдорлик юритиш учун йўлга чиқсин!

Ҳар бири ўз манфаати учун елиб-югурган, ҳар ишдан ўзига бирор нарса ундириб ўрганган фитначилар бу буйруқдан ҳайрон бўлиб қолишди. Туғлуқ Темурнинг хаёлида эса «Ховучи қон тўла туғилган» деган ибора чарх урарди ва ичида бу сўзни такрорларди, аммо буни атрофидаги одамлар эшитмаётганди, албатта.

Султон хузуридаги фитначиларга қаттиқ қараб:

– Ховучи тўла қон туғилган ким ўзи? Ким бўлиши мумкин? – дея сўради.

Султоннинг вазоҳатидан, бу кутилмаган сўроқдан барча ваҳимага тушиб, зир-зир титради ва бари бир оғиздан:

– Темур, зоти олийлари! – дея жавоб беришди.

Бу жавобда яширин бир маъно бор эди, аммо буни султон ҳам, фитначи беклар ҳам билишмасди.





## ХІ. СУЛТОН ТУҒЛУҚНИНГ БУЙРУҒИ

Чигатой мамлақати ҳукмдори султон Туғлуқнинг ўғли Илёсхўжанинг бошига ҳам бирдан бахт куши қўниб, Мовароуннаҳрга ҳоким этиб тайинланди.

Темур ўзининг султон назаридан қолганини англамастлар дарахлар хушёр тортиди ва устози Зайниддин Абу Бакрга янада қаттиқроқ боғланиб, фақат унинг ўғитлари ва маслаҳатлари бўйича иш тутмоққа киришди.

Масалан, устози ёзган ва султон Туғлуқ қўлига тушиб қолган ўша мактубнинг такрорий нусхасидаги иккинчи ўғитга, яъни ҳукмдорлик шартларидан яна бири «...*кўрганингни кўрмаётгандай қилиб ўзингни тутмоқдир. Янаям тўғриси, билганингни билмагандай бўлиб кўринмоқдир*» дейилган маслаҳатга амал қилди.

Темур шунинг учун ҳам ҳокимлик ва ҳукумат ишларини лоқайдгина тарк этди ва ўзини фақат ҳарбий соҳага бағишлади.

Холбуки, Илёсхўжа Мовароуннаҳрга йўналаркан, фитначи беклар гуруҳини ҳам бирга олиб келди. Талончилик қилиб яшашга ўрганган бу одамлар ваҳшиёна ғайрат билан мамлақатни ўмаришга киришиб кетишди.

Қийналган аҳоли арзу шикоятларини айтиб, ҳар қанча фарёду фигон кўтармасин, бу зolim ўғрилар зулмидан қутулиш мумкин бўлмаётганди.

Илёсхўжа эса, қўли боғлиқ қўғирчоқдай, ҳар қанақа ҳокимият ва нуфуздан маҳрум эди.

Фитначи ва яғмочи беклар гуруҳи худди қўй подасига ёпирилган оч қашқирлардай тинмасдан халқни қийратарди, улар кирмаган эшик, таламаган уй қолмаганди. Илёсхўжа бу бўри галаси халқ қонини тўкаётган майдонда қўлидан ҳеч иш келмайдиган жонсиз қўриқчига айланганди...

Агарда ҳарбий ҳокимият Илёсхўжа қўлига ўтган тақдирда ҳам, барибир у ўзи ёнида олиб келган тарафдорларига қарши қилич кўтара олмасди.

Илѐсхўжа ўлкани тўлдирган бунча фарёду шикоятларни эшитгани, илгагани билан йиғлаётган чорасизларга, еру юртсиз қолганларга, ватани таланган ва вайрон этилган бу заволли халққа кўмак кўрсатишга имконсиз эди... Йўлидан адашган йўловчидай нима қилишини билолмай гаранг эди.

Бир тарафда ёрдам беради деган умидда ўзи билан бирга олиб келган анави боши бузук, талончи беклар; улар энди унинг сўзига кирмай қўйишган, итоатсиз ва исёнчи тўдага айланган.

Бир томонда эса, айниган, чириган бошқарувчи умаро; улар Илѐсхўжанинг сўзини эшитишади-ю, эшитмаганга олишади, ҳокимиятни идора этишда Темурдан ўтиб кетай дея берган буйруқларини бажаришмайди, факат ўз фойдаларини кўзлаб иш тутадилар...

Бечора Илѐсхўжа икки масжид ўртасида таҳоратсиз, ово-раю сарсон югураётган, аммо бирортасига ҳам киролмаётган бенамозга ўхшарди.

Бироқ Темурни ёрдамга чакиришни ўйласа ҳам чакира олмас, бунга ғурури йўл қўймасди. Фитначи беклар гуруҳининг ўғирлигу талончиликларига эса қаршилик кўрсатолмас, кучи етмасди.

Устига-устак, қачондир отасининг ҳузурида хижолат бўлишини ўйларкан, қўрқувдан асаби бузилиб, вужуди иситмада ёнгандай ўртаниб, дир-дир титрарди...

Ниҳоят, бир ҳийла ўйлаб топди: бутун бу ёмонликлар, талончиликлар ва ўғирликларни Темурнинг устига ағдаради-қўяди!..

Илѐсхўжа Темурнинг номидан бир мактуб тайёрлатди-да, маслаҳатчиларини ҳузурига чақиртирди.

– Ана энди барча муаммо ҳал бўлади!.. – деди.

– Қандай тарзда, зоти олийлари?

– Бироз аввал ҳузуримга бир дарвеш кирди, жуда муҳим ҳужжат келтирибди, ёлғон эмаслиги кўриниб турибди...

– Қанақа ҳужжат экан, олий ҳазрат?

– Ўлкамизда исён ва ғавғо чиқарган боши бузуқларга доир ҳужжат!

– Сиз зоти олийларининг бир куни, албатта, муаммоларни мана шундай ҳал қилишингизни олдиндан сезгандик, барча қулларингиз буни билиб юрардик...

– Ҳа, бу сафар ҳам ғавғоларни ким ташкил этганини аниқладим.

– Ким экан?..

– Бу мамлакатда барқарорлик, тинчлик ва фаровонлик ҳукмрон, халқ ҳузур ичида яшаётган, кимсанинг мушугини биров пишт демаётган бир пайтда...

– Ҳаққаст рост, зоти олийлари, тўнпа-тўғри!

– Буни мен билгандим, бунчалар дод-войнинг сабабини илғандим. Халқ осияпти, кесияпти, таланияпти, эзилиб кетди деган гапларнинг ҳаммаси ёлғон!.. Қани, қани, бирор-та мисол келтиринглар-чи? Ёлғон эмасми ахир бу бўҳтонлар, тўҳматлар?..

Илёсхўжанинг бу ёлғончилигига амирлар ичидан фақат бир киши эътироз билдирди:

– Халқнинг норозилиги, шикояту фарёдлари бу гапнинг тўғрилигига далилу исбот эмасми?

– Ким у, қайдан чиқди бу жиннича гап!.. Уларнинг у исботлари, у далилларининг барчаси ёлғон! Халқнинг ҳеч қанақа дарди йўқ, ахир бунданам яхши ҳаёт бўладими, айтинг, барака тошкурлар! Бунақа ифво гапларни чиқараётганлар анави аламзада Темурнинг одамлари...

– Ёпирай!.. Ростдан-а?

– Роппа-рост! Қўлимдаги ҳужжат бунинг исботидир! Мана, бу Темурнинг хаги, буларни мен ёзмадим...

Маслаҳатчилар тўпланишиб, мактубни ўқишди. Унда шу сўзлар битилганди:

*«Эндиликда мен ўзимни ҳеч нарсани билмаётгандай тутмоқдамен ва зимдан муҳим бир ишга киришиб, Илёсхўжанинг ўз тобелари томонидан ўлдирилишини кутмоқдамен».*

– Зоти олийлари, агар бу Темурнинг амри эрса, буни отангизга билдиришингиз керак, йўкса, ҳаётингиз хавф остида демакдир...

– Мен ҳам отамга бу ҳақда нима деб ёзсам экан, дея сизларни маслаҳатга чақирдим. Фикрларингизни айтинг.

– Жаноби олийлари, бу масалани жудаям тез отангизга билдиришингиз лозим! Унинг ўлимини талаб этинг!..

– Тўғри, султонимиз амр этсинлар, биз бу ерда унинг бошини кесайлик!

– Бағоят тўғри, унинг ўлимини тилаш муносибдир...

Шу пайтгача бир қарорга келолмаётгандай турган Илёсхўжа, ниҳоят:

— Маъкул, мен унинг ўлимини талаб қиламан, — деди. — Кўрамиз, отам не деркин.

Мажлис тугаб, йиғилганлар тарқалгач, Илёсхўжа отаси Туглуқ султонга хат битди. Унда шу гапларни ёзди:

*«Бу ерга келар-келмас эски ҳоқим Темурнинг қаршилигига учраб, бошим фитнаю гавгодан чиқмай қолди. У тинмасдан халқни исёнга ташвиқ этмоқда ва мамлакатда қўзғолон кўтармоққа интилмоқда. Бу фалокатларнинг олдини олиш учун Темурни ўлимга буюришингизни сўраймен, деб*

*Илёсхўжа».*

\* \* \*

Шу воқеалардан уч кун кейин, Темур мавжуд вазиятни таҳлил этаркан, мамлакатни ортиқ бу шаклда бошқариб бўлмаслигини англаб, бу бошбошдоқликка чек қўйиш керак, деган қарорга келди. Зотан, ўз кучини, нуфузини кўрсатишнинг пайти етилганди. Ерли туркий аҳолига босқин уюштиравериб жонига теккан айрим ўзбек уруғларига хужум қилиб, уларнинг адабини бериб қўйди ва мазлум оммани улар зулмидан қутқаришга эришди.

Бутун халқ Темурни олқишлай бошлади, омманинг ундан мамнунлиги тилларда дoston бўлди. У эса севинган халқнинг ҳурмату мақтовларига жавобан:

— Темур ҳам Тангрининг бир қули... — дея тавозе кўрсатар, миллатга хизмат этиш бурчи эканлигини таъкидлар эди.

Бунга сари унга эл меҳри ортгандан ортиб борарди.

Темурни ҳаддан зиёда яхши кўргувчи олиму уламо унинг урушдаги зафару муваффақиятларидан хурсандликларини ичларига сиғдиролмас, омма тўпланган ҳар йиғноқда уни мақташар, уни Абу Мансур дея улуғлайлик, дея хитоб айланарди. Саид Шариф Журжонийнинг нақшбандий муридлари ҳам халқ орасида унинг фазлу қаҳрамонликларидан сўйлашарди, натижада, Темурнинг обрўси ошиб, шуҳрати кенг ёйилиб бормоқда эди. Фитначию қароқчиларга аралашиб қолган кимсалар ҳам, ҳатто рақиби бўлмиш ўзбеклар ичида ҳам Темур тўғрисида фавқулodда самимий, яхши фикрлар тарқала бошлаганди.

Темур Мовароуннаҳрдаги ўз ўрнини мана шундай зафарли муваффақиятлар билан мустаҳкамлаб олган бир чоғда,

султон Туғлуқ ҳузуридан йўлга чиққан бир отлиқ аргумоғини тўхтамасдан учириб борар, тоғу тошлардан, дараю водийлардан, тепалардан ошиб, қуш каби манзилга интилмоқда эди.

Отидан, ўзининг баданидан тер қуйилаётганига қарамасдан, у ҳовлиқиб ошиқар, бечора ҳайвонни янада тезроқ чопишга ундаб, ғаддорларча аёвсиз қамчиларди. У ана шундай тезлик ва шиддат билан оғир йўллардан ҳам енгилгина ўтиб борарди... Суворийнинг бу шавку шиддати гўё барча маконларни ҳайратга солгандай, улар уни қучоқ очиб кутиб олаётгандай эди. Бироқ ҳовлиққан отлиқ бир ерда қўним топишни истамас, макондан-маконга шошилар эди...

Бу шахс султон Туғлуқ хизматиغا янги кирган, қалби тоза, ёш, кучли ва жасур, феъли тўғри одам эди. У Мовароуннаҳрга, кўзлаган масканига етгач, соқчига амирни кўрмоқчи эканлигини айтди. Соқчи эса уни Темурнинг ҳузурига етаклади. Чунки Илёсхўжанинг оти бор-у ўзи йўқдай эди, бечора мамлакат ҳокими аталса ҳам, заррача обрўси қолмаганди. Агар у олдин Темурнинг ўлимига буюрилишини истаб, отасига мактуб ёзмагандайди, кейин юз берган воқеалардан сўнгра, ҳеч шубҳасиз, Тангри таолодан Темурнинг жаҳаннамга жўнатишини тиларди... Илёсхўжа Темурни шунчалар ёмон кўриб қолганди; аслида, унинг кўнглини ҳасаду нафратга тўлдирган, эсидан оғдираёзган сабаб Темур эмас, унинг қозонган ғалабалари, эришган муваффақиятлари эди...

Хуллас, соқчи хабарчини Илёсхўжанинг эмас, Темурнинг ҳузурига олиб борди. Зотан хабарчи Илёсхўжани танимасди, у амирни кўрмоқчиман, дер-демас, дарҳол Темурнинг олдига киритганлари учун, уни ҳоким дея ўйлаб, қўйнидаги мактубни Темурга узатди.

Темур хатни очмасдан туриб ундан:

- Қайдин келурсен? – деб сўради.
- Султоннинг ёнидан, – деди хабарчи.
- Бу султоннинг буйруғими?
- Ҳа.
- Жуда соз! Чиқавер... – деди Темур.

Сўнгра хатни очиб ўқиди. Унда шундай ёзилганди: «*Ўғлим, сен истаганингдай Темурнинг ўлимига буйруқ берилди. Ҳукми бажариш эса сенга ҳавола.*

*Туғлуқ Темур».*



## ХII. ТАКАЛ БАҲОДИРНИНГ ҚЎШИНИ

Орадан ўн-ўн беш кунча ўтган; Такал Баҳодир қўл остидаги ўн минг аскар билан Туркистон жанубидаги тоғлар ичидаги оғир йўллардан ўтиб борарди...

Такал Баҳодир – Султон Туғлуқнинг энг атоқли умаросидан бири, кўп жангларда зафар қозонган ёш қўмондон, арслон каби кучли шахс.

Унинг қўшинидаги аскарларнинг аксари урушларда нишган, айримлари қароқчилар тўдасидан чиққан, танланган, халқ ичида донғи кетган яғмочи қаҳрамонлардан иборат эди.

Туғлуқ Темур бир куни Такал Баҳодирни хузурига чақиртирди.

– Сени гоят муҳим бир жангга юбораман, аммо мутлақо ғалаба қозонишинг шарт! – деди.

– Урушда ғалабага эришиш толе ва қисматга боғлиқдир, султоним, – деди у.

– Нима қилиб бўлсаям шу жангда ютиб чиқишинг шарт! – дея таъкидлади султон.

– Бизнинг қўлимиздан келадигани шуки, жангда зафарга эришиш учун эҳтиётлик билан ҳаракат қилиб, бор ҳийлаю жасоратимизни ишга солиб, юришни бошлашдир...

– Мен сенга жанг деяпман! Бу уруш олий мақсад йўлида қилинмоқда, шуни бил!

– Бу уруш кимга қарши ўзи?

– Шу жанубдаги тоғларни макон этган қабила ва уругларга қарши.

– Уларни тору мор этгандан сўнг не бўлади?

– Албатта, у ерлар сеники бўлмайди, сенинг вазифанг – у қавмни ё асир олишинг ва ёхуд қириб ташлашинг, қисқаси мағлуб этишинг шарт! Фақат шуни бажарасан, қолгани билан ишинг бўлмасин, тушундингми? – деди Султон Туғлуқ.

– Ҳа. Бу ишни бажараман, аммо баъзи шартларим бор... – деди қўмондон Такал Баҳодир.

– Йўқ! Менга шарт-парт дема! Бир амир урушда қиладиган ишини шарт-шароит демасдан бажаришга мажбур! Бажарасан, тамом-вассалом!

– Албатта, бажараман, султоним!

– Вазифангни янада билиб олдинг, қани, энди ишга кириш!..

Такал Баҳодир султон хузуридан чиққанидан кейин урушга тайёргарликни хаёлигаям келтирмади, бемалол айшини суриб ётаверди. Ҳукмдор икки-уч кун кутганидан кейин, унинг нега жангга кетмаганини суриштириш учун одамларига амр берди. Такал Баҳодир эса, кимсага кўринмас, беркиниб олиб, йўналиши керак бўлган бу офату гавгога боришни хоҳламаганини сездириб қўйишни истарди. Ниҳоят бир куни султоннинг одамлари Такал Баҳодирни топишди. Тутилган жойида уни қисти-бастига олишди. Маъмурлардан бири унга:

– Ие, бир қаҳрамон қўмондонга султони амр этса, у буйруқни киши жон-жон деб бажармайдирми? Сенинг шу қилиғинг жоизмидир? – деди.

Яна бири:

– Ҳақиқатан ҳам, султоннинг амрига итоатсизлик этиб, катта гуноҳ қилдингиз! – деди.

– Бунинг сизларга ҳеч бир алоқаси йўқ, ишингиз бўлмасин. Ҳа, энди Туғлуқ Темур ҳазратлари мени чақиртирдиларми? – дея сўради Такал Баҳодир.

– Ҳа, тақсир!

– Яхши, сизлар кетаверинг, мен ҳам бораман...

– Афсуски, бу амрингизни бажара олмаймиз...

– Нечун? Менинг сўзимга кирмасдан, ёмон иш қилаётганингизга ақлингиз етмаяптими, а? Мендек бир қўмондоннинг буйруғига итоат этмасдан, сизларни ўлдиришга ҳаққи-ҳуқуқи бўлмаган бир каттаконнинг амрига бўйинсунганингиз, билинги, мудҳиш бир айб! Ҳолбуки, мен, бир ўйлаб кўринг ахир, мени ўлдирмоқ ва йўқотмоқ ҳуқуқига ва тушунчасига эга бўлолмаган бир одамнинг олдига шу чурук аскарлар билан қандай бора олурман ва бу хусусда, Султон Туғлуқни-ку кўятуринг, ҳатто шу жаҳоннинг жаҳонгири буюрганда ҳам, унинг уҳдасидан қандай чиқа олурман...

– Тўғри айтаяпсиз, тақсир, гапингизда жон бор...

Аввалига Такал Баҳодирга ўдагайлаб, уни султоннинг олдига боришга зўрлаган калтафаҳмлар энди «жуда тўғри айтаяпсиз, тақсир» деган сўзни такрорлаганларича унинг фикрини тасдиқлашга ўтишди. Такал Баҳодир фикрини давом эттириб:

– Султон Туғлуқ нечун бошқасини юбормади? А?.. Чунки сиздан бошқа бу ишни қиладиган бирор кимсани тополмади! Тушундингизми?.. Ҳа, фақат биргина Темур бор эди, бироқ у ҳам... Ҳа, майли. Ана энди сиз ҳам кўриб турибсизки, у бу гавғони ҳал этиш учун муносиб бир қўмондонни танлашга мажбурдир! Хўш, аҳвол шундай экан, нечун менга аскар танлашга рухсат бермаяпти?!.

– Сўзларингиз жуда тўғри, тақсир... – дея чулдурашди вакиллар.

– Унда чиқинг-да, кетинг! Мен ҳам бораман...

– Йўқ, тақсир, биз бу ердан ҳеч қаёққа кетолмаймиз...

– Хўп, унда айтинг, султон мени нега чақиртиряпти?

– Сизнинг нега жангга кетмаганингизни сўрамоқчи...

– Яхши. Модомики, масала шу арзимаган гап устида экан, сизлар энди бунда қолманг, жўнанг, мен ҳам ортингиздан бораман...

– Биз сизсиз ҳеч қайга боролмаймиз, тақсир...

– Нечун?

– Чунки сизни қаердан топсак ҳам дарҳол султон хузурига олиб бориш бизга топширилган... Ҳеч не бунга монета бўлолмас, сизни кимса қутқаролмас...

– Мен сиздан қутулишни жуда яхши биламан...

– Бизни ўлдиргандан кейин балки қутуларсиз...

Такал Баҳодир ниҳоят боришдан бошқа чора йўқлигини англагандай бир оҳангда:

– У ҳолда, майли, қани, кетдик, – деди.

Учовлон йўлга тушдилар ва султон хузурига чиқдилар. Султон икки вакилга бир ҳамёндан олтин эҳсон қилганидан кейин, энди бораверинглар, дея амр этди ва Такал Баҳодирга бондан-оёқ разм солди. Сўнгра зардали товушда:

– Асир ва ёхуд бизга сифинганлардан келтирмадингми? – дея сўради.



– Қанақасига, ҳазратим? – дея ўзини гўлликка солди Такал Баҳодир.

– Йўқса мағлуб бўлдингми?

– Қаерда?

– Сени жангга юборгандим, тўғрими?

– Тўғри...

– Нима қилдинг?

– Мен жангга бормадим...

– Нечун?

– Чунки кўриб-билатуриб ўлим ёнига чопмайман, у қадар ақлсиз, тентак эмасман.

– Султон сенга амр этмоқда!

– Султон менга амр этмоқ ҳаққига эга экан, мен ҳам шонли бир ўлим топмоқ, бу имкондан фойдаланмоқ ҳуқуқига ноилман. Султоним, бир қошиқ қонимдан кечиб, ўйлаб кўринг ахир: яғмогарликдан бошқа бир иш қўлидан келмайдиган саҳройи халқни мен қай усулда идора этиб, у билан қандай жангга кираман? Бунинг учун, тождор зоти олийларига баъзи шартларим бор, дегандим, афсуски, тингламак истамадингиз; амрингизни бажаришни ортга сурмакдан мақсадим эса, айни дақиқалардаги суҳбат бўлувини тахмин этиб, буни кутаётганим эди...

– Шартларингни сўйла, – деди султон инсофга кириб.

– Жангга борадиган аскарларни ўзим танлайман...

– Жуда соз. Бор, қўшиннинг ичига кириб, истаганингни танлаб олабер.

– Хўп бўлади, султоним...

– Ўн минг кишини амрингга бераман...

– Икки мингта аскарни танлаб олсам, менга ўша етарлидир, султоним, улар билан бирга вазифамни бажарурман...

– Жуда яхши, унда боравер, тангри йўлингни берсин...

Туғлуқ Темур шу сўзларни айтиши биланоқ Такал Баҳодир унинг этагини ўпди. Султон ташқаридан бир хизматчисини чақирди.

– Қўмондонга бир от, уруш анжомлари билан ўн минг олтин берилсин! – деди.

Шундай қилиб, Такал Баҳодир жанубдаги тоғликларга қарши юришга киришди. Тоғ-тошлик, қиялик тор йўллардан

кўл остидаги кўшинини танланган икки минг аскарининг маҳорати билан бир амаллаб олиб ўтди.

Тепалардан оралаб, қояликларга яқинлашиб боришаркан, бирданига гувиллаган даҳшатли товуш таралиб, оёқлари тагидаги ер қалқиниб-ёрилди, барча ваҳимаю чанг-тўзон ичида қолди. Зилзила фалокатидан қутулиб, ҳаяжонлари босилиб, яна йўлга тушдилар. Хужумга киришдилар. Аммо бу сафар хира чанг-тўзонга эмас, ярқираган қаттол қиличларга дуч келдилар. Аскар тум-тарақай қочди. Шу кулфатли дамларда Такал Баҳодир кўксидан қилич зарбаси еб, қони оққанича ерда юмалаб ётарди...

Урушда тоғлиқлар зафар қозонди. Жанг майдонида музаффарлик нашидаси ила кезишаркан, айримлари ярадорларини ва қурбонларини ташиб-тўпламоққа киришган эди.

Такал Баҳодир инграниб, ярим хушсиз ётган ерга бир нотаниш жанговар яқинлашди. Ёвқур товушда:

– Сен бу қароқчиларнинг бошлиғимисан? Султон Туғлуқ менга қарши сени юборганмиди? – дея сўради.

– Ха, – дея Такал Баҳодир нотаниш шахсга ўгирилиб қаради.

– Э, Такал, сен-а, сен менга қарши жанг майдонига тушдингми ҳали!.. Шундайми? – дея ғазаб-ла сўради.

Такал Баҳодир қаршисидаги кишини танир-танимас, уни кучоқлаб-кўришмоққа чоғланди, аммо бошини сал кўтара олди холос – кўп қон йўқотганди, мажолсизликдан боши шилқ этиб яна ерга тушди. Нотаниш жанговар яқинлашиб, эгилиб, уни меҳр-ла бағрига олди...

Такал Баҳодир унинг қулоғига шивирлаб, афсусу пушаймонини англатмоққа тиришди:

– Қондошим, сенга қарши қурол кўтариш... бироқ мен билмагандим... кечир мени...– деркан, оғзидан қони келди. Ҳиқиллаб, нафаси тиқиларкан, сўнгги сўзи отилиб чикди: – Алвидо, Темур...



### ХШ. ЎЛИМ ҲУКМИДАН СЎНГ

Султон Туғлуқ тарафидан битилган ўлим ҳукмининг фавкулотда Темурнинг қўлига тушиб қолгани халқ орасида у ҳақдаги гап-сўзларни кўпайтирди, унинг шухратини ошириб юборди. Зотан, Темур қонуний ҳукмдор бўлган Туғлуқ султонга доимо содиқ эди, ҳеч қачон итоатсизлик кўрсатмаганди...

Чунки Темурнинг ўзи тўғри ва одил одам эди, жиноят ва пасткашликдан жудаям ҳазар киларди, агарда шаръий ҳукмдорга қарши бош кўтарса, эл ичида обрўсизланишини яхши биларди. Шунинг учун ҳам у ҳар замон одамгарчилик йўлида собит эди.

Аммо энди вазият бошқача тус олганди. Агарда исёнга бош уриб дарҳол кочмаса, ўлдирилиши кундай аён. Зотан ўлим ҳукми битилмиш. Аммо исёндан кейинги виждон азобларини кўтариб яшаш ҳам бор... Ҳеч қурса бир тасалли топилар деган ниятда у улуғлар билан маслаҳатлашди. Нақшбандий уламодан бири Саид Шарифга мурожаат қилиб:

– Ҳолатим сизга аён, ўзимни сақлаш учун бир айб ё исён этсам, жазога мустаҳик бўлурманми? – дея сўради.

– Шу аҳволингга жазога тортилмайсан, чунки жонни таҳликага кўйиш шаръан жоиз эмас. Хусусан, агарда сен қочмасанг, ўлдириласан. Шу боис қочганинг мақбулдир, – деди Саид Шариф.

– Қандай...

– Қандай бўлса бўлсин... Қочиш, исён, яъни бўйсунмаслик... кўзғолон...

– Ҳозирчалик кўзғолон кўтаришга имкон йўқ. Аммо қочиш... ҳа, қочиш ҳам – бўйсунмаслик-ку? Бундайин исёнга ҳаққимиз борми?

– Нега бўлмасин, бор. Барлос сулоласининг нуфузи ва ҳақ-ҳуқуқини улардан қайтиб олиш, барлослар уруғини қучайтириш сизларнинг ҳаққингиз ва вазифангиз эмасми?

– Бунга ҳозирда ҳаққим бўлгани каби келажакда ҳам ҳаққим борми?

– Охиратгача ҳаққингиз бор!

– У ҳолда, мен бу мақсад йўлида ўзимни, бутун умримни бағишлайман! Бироқ сиз бу ишда менга ёрдам берасизми? – дея сўради Темур муҳтарам уламодан.

– Албатта. Биз бу ерда юксалишингизнинг таъмини учун қулай вазият яратишга уринамиз... – деди Саид Шариф.

Шундай қилиб, султон Туғлуқ билан алоқа узилганидан кейин, Темур қиличидан бошқа ҳеч нега суянмасликка қарор берди. Такал Баҳодирни мағлуб этганидан сўнг уч йилга яқин умри қаҳрамонларча жанг майдонларида кечди. Кўрсатган ҳарбий жасорати ва маҳорати билан Мовароуннаҳрда ва ҳатто Эрон тарафларда олий шуҳратлар қозонди. Номи тилдан-тилга ўтиб, машҳури замон қаҳрамонга айланди. Шу билан бирга, аввалги қадрдонларидан айрилмади, берган сўзларига содиқ қолди, уламолар ва Мовароуннаҳр халқи билан ҳам алоқаю муносабатини янада жипслаштирди. Булар туфайли унинг шавкати ортгандан ортди.

\* \* \*

Шу пайтларда Темур Самарқанддаги уламо Алишоҳдан мактуб олди. Бу хат Темурнинг истиқболи назарда тутилиб ёзилганди. Темурнинг кўзлари истиқлол нашъасидан чарақлаб, ўзини кўярга жой тополмай қолди. Азбаройи ҳаяжонланганидан, кўнгли келажак хаёллари билан қайнаб-тошиб, эҳтиёткорликни ҳам унутиб, рафиқасини отининг орқасига миндирди-да, Самарқанд йўлига тушди.

Туманли ҳаво атрофга рутубат ва нам ёяр, кўкда оқ булутлар у ёққа-бу ёққа энгил-енгил учар, офтоб эса, рутубатли ҳовурга ўралганича, баъзан кулиб юз очар, баъзан пахтадай булутлар орасига кириб кетар эди...

Кеча ёққан ёмғир ерларни, хусусан, Туркистоннинг серҳосил, қизғиш тупроғини лой дарёсига айлантирган, юриш ўта қийинлашгаи, оёққа ёпишаётган палахса-палахса лой одим отишга монелик қилар эди.

Отининг орқасига хотинини миндириб олган Темур шундайин расво кунда, лойга ботиб бўлса-да, керакли манзилга етиб бориш учун ошиқмоқда.

От ҳам чарчади. Рафиқасида истироҳат истаги пайдо бўлганини сезган Темур отидан тушди. Хотинини ҳам ерга индириб, отни ўтласин учун озод қўйиб юборди. Сўнгра қаршидаги дарахтзор сари йўналди.

От ёмғирдан сўнг тирилган, ярқираб яшнаган ўтлоқда яйраб ўтлаб юраркан, Темур ва хотини оёқларининг чигилини ёзиб, дам ола бошлашди. Бироз суҳбатдан сўнгра чўзилишди ва кўзлари илинди.

Ярим соат ўтмай нохушланиб уйғонишди; атрофда шарпалар кезиб юрганини, отнинг олиб кетилганини сезишди. Бирдан аллакимларнинг шундоққина бошларига келиб, тикка турганлигини кўришди. Бир кимса совуқ товушда:

– Ўрнингдан тур! – дея буюрди.

Темур ва рафиқаси оёққа турмоққа интилишди, бироқ типирчилаб-типирчилаб ҳолдан тойишди. Зотан, оёқ-қўллари боғланган, қимирлашга мажоллари ҳам қолмаганди. Шунда Темур уларга қарата:

– Биздан нима истайсизлар ўзи? – дея сўради.

Аммо унга ҳеч ким жавоб бермади. Вужудига ўралашган каманд иплари бўйинини тобора сиқиб бормоқда эди. Нотаниш босқинчилар тўсатдан Темур билан хотинини елкаларига олиб, бироз юришди; асирларни хуржун мисоли осилтириб отларга ортдилар-да, уловларига миниб, йўлга тушдилар.

Ҳеч бир гап-сўз, чурқ этган товуш эшитилмасди. Азоб-уқубатли бир йўлдан сўнгра бошлиқларининг ҳузурига олиб киришди. Бурчакда кеккайиб ўтирган бошлиқ – қароқбоши, бир мулкдор бой эди. Бақрайган ва аланг-жаланг кўзига қараганда, унинг шахватпараст ва хотинбоз эканлиги кўриниб турарди. Бой Темурга тепадан қараб, камоли гурур билан:

– Бу киминг бўлади? – дея сўради.

– Рафиқам, – деди Темур.

– Қайдан келяпсан-у қайга борасанлар?

– Биз самарқандликмиз. Бироз саёҳат қилмоқчи бўлиб, айланиб чиққан эдик...

– Ҳозир қайга боряпсанлар?

– Самарқандга қайтыпмиз.

– Унда, хўш, бизнинг отларимиз ўтлаб юрган далада нима учун тўхтаб, отларингизни бебош қўйиб юбордингиз?

– Бу мулк сизники эканлигини билмовдик...

– Нега билмайсизлар?..

Бой шу сўзларни айта туриб, имлаб, ўз одамани чакирди, унга Тоштуғойни кўрсатиб, қулоғига нелардир дея пичирлади.

– Хўп, бўпти, – деди хизматчи.

Бой нарироқдаги одамларига қараб:

– Буни ташқарига олиб чиқинг! – дея буюрди.

Темур жон-жаҳди билан қаршилик кўрсатишга уринса-да, эплай олмади. Атрофдаги темир панжали ёвузлар бечоранинг боғлиқ қўлларидан тутиб, судрай-судрай чодир ташқарисига олиб чиқишди.

Бир муддат ташқарида кутиб туришгач, ичкаридан эшитилган буйруққа кўра, Темурни бошқа бир чодирга олиб киришди ва юзтубан ётқизиб қўйишди.

Темур хотинининг ёлғиз қолганини ўйларкан, юраги санчиди ва зўрга ўрнидан туриб, чодир эшигигача борди. Ташқарида, бир неча аёл қуршовида, рафиқасининг ўтиб кетаётганини кўрди. Бир зум кўз-кўзга тушди, Тоштуғой имо билан бироз сабр қилиши лозимлигини англади. Шунда бирдан Темурнинг боши айланиб, чодир ичида йиқилаёзди...

Бундан салгина аввал, бойнинг чодирда у билан ёлғиз қолган Тоштуғой Туркан эса, ҳеч нарса юз бермагандай, қаршисидаги кимсага лоқайд, иродасига ҳоким, виқор билан жим турар эди. Бундан озорланган бой, ғазабини хизматкорларига сочиб:

– Бу хотиннинг қўлларини нега ечмайсанлар? – дея ўшқирди.

– Таксир, бу эридан ҳам ёмон, эҳтиёт бўлиш керак! – деди бир хизматчи.

– Еч, эшшаклар! – дея бўкирди бой. – Шундай чиройли вужуд, қўллар каманд ипи орасида эзилиши тўғрими?

– Хўп, таксир, мана, ҳозир ечамиз...

Хизматдагилар аёлнинг қўлларини бўшатишаркан, қаттиқ ваҳимада бир-бирларига аланглаб қўйишарди. Уларнинг кўзларидаги кўркув машъаласи жуда катта гуноҳларга ботганликларини, қотилликлар қилганликларини кўрсатиб турарди. Улар титраб-титраб каманд ишларини ечишди ва худ-

параст, ўзига мағрур бошлиқларининг амрини кута бошлашди. Бари тиланчидай бўйни букик, муте эди. Ниҳоят:

– Сизлар энди жўнанг! – дея буюрди бой.

Ҳамма чиқиб кетди. Қароқчилар бошлиғи ва Тоштуғой ёлғиз қолишди. Бой унга ҳурматини билдираётгандай илтифот кўрсата бошлади. Бу Темурнинг рафиқасига умид берди, нималар қилиш мумкин, дея ўйга толди. Ўзи ва ҳаёт йўлдоши бу бедаволар қўлидан қутулиши керак. Анави аҳмоқ восита-сида бу иш осонлашармикин? Одобсиз кимсанинг оч қарашлари ва шаҳват тўла кўзларини назардан қочирмасдан ўйланаркан, Туркан босик товушда, сирли қилиб:

– Кечасини кут... – деди. – Ҳаммаси яхши бўлади. Сен айш-ишрат тайёргарлигини кўравер...

Бу сўзларни эшитган бой бирдан тентаксираб, жинни бўлаёзди. Сўнгра тўфонда қолган эс-хушини йиғиб, дарҳол хизматчи аёлларни чақирди.

– Бу хотинни олиб бориб, нима деса, айтганини қилинг! – дея уларга буюрди.

– Хўп, тақсир...

– Ҳурматини жойига қўйинглар, бўлмаса кўрасанлар, а!..

– Бош устига, тақсир! Бош устига...

Сўнгра ичларидан биттасини чақириб:

– Қани, менга қара-чи сен... – деди пастроқ товушда.

– Буюринг, бой ота, – деди хизматчи аёл.

– Сен кечқурунга узум шароби тайёрла! Ёнида керакли ичкиликларни ҳам унутма. Жўна энди!..

Барча чиқиб кетди.

... Худди ана шу пайтда, ана шу ҳолатда Тоштуғой Туркан ва Темур бир-бирини кўриб қолишди ва хотин эрига ишора билан керакли гапни англади.

\* \* \*

Ичкилик ва бошқа керакли еғуликларни тайёрлаш буюрилган хизматчи қиз бойнинг хотини томон ошиқди.

– Бой ота жаноблари бу кеча жудаям чиройли бир хотин билан ишрат қилмоқчилар, – деди ҳовлиқиб.

– Нима?! Нима дединг?

– Жудаям чиройли хотин...

- Ўша хотин ўлгур хозир қайда?
- Хизматкор аёллар билан бирга, сайрда...
- Тез бориб аёлларга айт, уни олиб келишсин!
- Бош устига...

Бечора киз югуриб бориб уларни топди ва бу амрни арз этди. Тоштуғой бу сўзларни эшитар-эшитмас, дарҳол ўзича бир режа тузди. Уни пишитаркан, нима қилиш кераклиги ҳақида бир қарорга келди. Барча бойвучча оғимнинг чодирига қараб йўналди. Ичкарига кирилганда, Тоштуғой парвосизча юриб олдинга ўтди. Бойнинг хотини унга душманига қарагандай олайиб, ҳирсу ғазаб билан тикилиб турарди. Тоштуғой виқор билан бедаво хотинга кўз ташлади, беписанд оҳангда:

– Лутфан тингласангиз, сизга баъзи гапларни арз этмокчиман, – деди.

- Яхши, қани, айтинг-чи, – деди бойнинг хотини.
- Ёлғиз бўлишимиз керак. Амрингизни кутаман...

Бойнинг хотини ўйланқираб қолди, иккиланди, аммо бир Тоштуғойнинг қадди-қоматига, бир ўзига зимдан қараб, хавотирга тушди ва чўзиб ўтирмасдан, кўнмаганини англатароқ:

- Сўзингизни ёлғиз менга айтасизми? – дея ўсмоқчилади.
- Ҳа.

– Ёнимга келиб, махфиёна сўйлашингиз мумкин.

– Йўқ, бўлмайди. Шундай гаплар борки, паст овозда айтиш мумкин эмас. Шу учун лутфан илтимосимга қулоқ беринг.

Бойнинг хотини хизматкорларга қарата:

- Чиқинглар, ҳар ким ўз ишига... – деди.

Ёлғиз қолишгач, икки аёл бир-бирига синчковона назар солдилар. Тоштуғойнинг қарашлари меҳрибон, тарадудли эди. У мулоим товушда:

– Хоним, гапларимни юрагингизда сир қилиб сақлашга сўз берасизми? – дея сўради ундан.

– Ҳа, мен ёлғон гапирмайман, ор-номусли, таг-тугли одамларданмиз.

- Мен кимман, биласизми?

– Йўқ, билмайман...

- Мен эса сизни танидим. Менга яхшилаб қаранг...

Шу лаҳзагача бойнинг хотини қаршисидаги аёлни танимагани. Аммо, тикилиброқ қараркан, ҳа-ҳа, энди уни эслади. Бирдан довдираб, ўзини йўқотганча:



– Э-э... сиз... сиз... сиз бу ерда... – дея ютқиниб, мулзамликдан қизарган бойнинг хотини ўзининг эски валинеъматини, Турканни таниб қолди. – Кечирасиз, бу ерда нима ишингиз бор эди... Хусусан, хизматкордан олган хабаримга қараганда бошқачароқ...

– Ҳа, шундай. Эринг мени ёктириб қолди. Гап ташлаб кўрди. Эрим Темур қаршидаги чодирда боғлаб қўйилган, ётибди. Уни қутқазиб учун эрингга кечқурунги айш-ишратга ваъда бердим, чолғу ва ичкиликлар тайёрланиши кераклигини, уни хурсанд қилишимни билдирдим. Хуллас, шунақа гаплар. Бир бало қилиб уни ухлатиб, эримни қутқараман...

– Хоним, ўзи бу ерга нимага келгандинглар? – дея сўради бойнинг хотини.

– Самарқандга кетаётгандик, – деди Тоштуғой Туркан. – Йўлда хордиқ чиқарайлик деб тўхтагандик. Ухлаб қолибмиз. Уйғонганда ўзимизни одамларингиз оёғи остида, каманд тузоғида кўрдик. Бизни эринг ҳузурига олиб келишди. Мана, Самарқанддан, Алишоҳ имзоси билан хат...

Шундай дея, Тоштуғой Туркан қўйнидан олган мактубни собиқ хизматчисига кўрсатди. Сўнг яна қўйнига солиб қўйди.

– Энди режамизни ўйлайлик. Қани айт-чи, бу ердан қандай қочсак бўлади? – сўради Туркан.

– Не билай... – дея бойнинг хотини тараддудланди.

– Сен бизга иккита яхши чопадиган от тайёрлай оласанми?

– Бу осон гап-ку.

– Бўпти. Яхши. Яна бир нарса керак... Иккита қурол топасан. Битта йўл кўрсатувчи ҳам.

– Хоним, кўнглингиз тўқ бўлсин. Икки от, қурол тайёр деяверинг. Ўзим сизга йўл кўрсатувчилик қиламан. Чунки бу борада бошқаларга ишониш хатодир, охири фалокат бўлиши мумкин...

– Раҳмат сенга. Унда оқшомни кутамиз...

– Бош устига.

– Ҳа, бизники қаршидаги чодирда, демак... Қандай қилиб қутқазасиз? Қоровуллар бормикин?

– Бу ишга кечқурун киришмоғимизни ҳисобга олганда, менимча, икки қоровулни ўлдириш керак бўлади...

– Керак бўлгач, қилинади-да.

– Агарда қаршилиқ кўрсатишмаса, боғлаймиз, холос...  
– Ҳа, майли.  
– Шу, энг содиқ канизакларимдан биттаси бор. Уни чақириб, бу ишда эрининг ёрдамини талаб этсам, қандай бўларкин?..

– Сенинг эринг шуни истаётгандай қилиб айтилса, у одам от ва қуролларни олиб келади, канизак бориб айтса, бас. Аммо сезиб қолмасин-да, ишқилиб...

– Жуда яхши.

– Хўп, у иш осон, аммо бу гапларни Темурга қандай билдирамиз? – сўради Тоштуғой Туркан.

– Уни сиз билдиришингиз керак, – деди бойвучча. – Ҳозир бориб, эрингиз билан гаплашмоқчи эканингизни бой отага айтиб, изн истайсиз, бироз ишва билан, албатта; ўшанда у чидай олмайди ва рухсат беради.

– Жуда соз! Канизакни чақир. Биринчидан, бой отани кўрмоқчи эканимни айт, сўнгра мени тақсирнинг ҳузурига олиб бориш кераклигини буюр. Мен кетганимдан кейин эса, сен бу томондаги ишларни бажар. Майлими?

– Бош устига, хоним.

Бойвучча ташқарига чиқиб, турқи гезарганича, Тоштуғой бой отани кўрмоқчи эканини айтди ва канизаклар чодирига кирди. Барча ўрнидан кўзғолди. У энг содиқ канизагига қараб:

– Фақат сен бунда қол, фариштам, – деди.

– Хўп бўлади.

Бойнинг хотини Тоштуғой томонга қараб:

– Сизни кутишмоқда, хоним, кетишингиз мумкин, – деди совуқ бир адо билан.

– Илоё, кам бўлманг, – деди Тоштуғой миннатдорона товушда ва жориялар тарафга юрди.

Тоштуғой ва хизматчи аёллар биргаликда чодирдан чиқишди. Нариги чодирга яқинлашганларида, жориялардан бири бойга хабар берди. Бой ота дарҳол ёнидагиларга рухсат этиб, Тоштуғой хонимга:

– Буюрсинлар, – деди.

– Тақсир, сизни безовта қилдим, маъзур тутгайсиз, – деди Тоштуғой виқор билан.

– Йўғ-э, паризода, нени амр этмоқчилар, буюринг! – деди бой эриб кетиб.

– Ҳеч бир амримиз йўқ, тақсир, аксинча... – деди мулойим оҳангда Тоштуғой хоним. – Айланиб юриб, рафиқангиз олдига борувдик. Кўп совуқ қаршиладилар. Шунинг учун чодирларида ўтиролмадик. Ёнларида жоним сиқилди...

– Ҳа, энди, бизнинг оймча шунақалар, биламан. Афсус... Мен сизни зериктириб қўймаяпманми, хоним?..

– Билмадим... Йўғ-э...

– Кўнглингиздагини очиқ айтаверинг, хоним.

– Сиздан кичик бир илтимосим бор эди...

– Нима экан?

– Агарда рухсат этсангиз...

– Қани-қани, айтаверинг...

– Менинг хотирим учун...

– Э, дангал айтаверинг, ҳеч тортинманг...

– Эримнинг ёнига қисқа фурсат учун олиб боришса, бир кўришсам дегандим...

– Э-э... у бўлмайди. Бўлмайди!

– Сиздек улуғ инсон учун дунёда бўлмайдиган бир иш бормикин... Мен дунёда бундай иш борлигини тахмин ҳам қилолмайман! Шунинг учун, давлатлари соясида, бу хусусда менга бир илтифот этишларини сўрайман...

– Қанчалар сизнинг илтимосингизга бош эгсам ҳам, сўраётган ишингизга изн беришим мумкин эмас!..

– Э-э, шуям сиздай одам учун бир иш бўлдимиз, ҳазратим! Бир бор жаҳлингиздан тушсангиз, менга шафқат этсангиз ва бир бечоранинг кўнглини олишим учун рухсат берсангиз...

Ўғрибоши бой хаёлга толди. Бундайин ёқимли муомаладан кейин бош силкиб, хонимнинг гапларини маъқуллади. Ўйга чўмиб ўтираркан, бироздан сўнгра бошини кўтарди-да, Тоштуғой хонимнинг қадди-қоматига термулганича, юзига қараб, маст бўлгандай:

– Хў-ўп... – деди.

Бой ташқаридаги қоровуллардан биттасини чақирди.

– Хонимни тутқуннинг ёнига олиб бор, – деди унга. – У билан кўришсин. Биров уларни безовта қилмасин.

– Хўп, тақсирим! – деди қоровул.

Тоштуғой хоним бойга:

– Раҳмат, миннатдорман, – дея ташаққурини билдирди. Сўнгра қоровул билан бирга ташқарига чиқишди.

Темур қамалган чодирга боришди. У ерда, боғланган ҳолда юмалаб ётарди.

Бу макондаги халқ туркийда қўпол гаплашарди, ширин сарой тилидан ва форсийдан воқиф эмасди. Шуни кўзда тутиб, фикримиз атрофдагиларга англашилмасин дея, Темур ва Тоштуғой қоровулга ҳам аҳамият бермасдан, форсийда сўзлаша бошладилар. Тоштуғой эрига:

– Қалайсиз? Ўзингизни тўпланг, кечқурун қочамиз, мен ишни йўлга қўйдим, – деди. – Аммо сиз ҳам эҳтиёт бўлинг, сездирмасликка ҳаракат қилинг...

– Бўпти, – деди Темур. – Аммо... бу ишни сен қандай эпладинг?

– Ҳозирчалик буни уқтира олмайман, вақтимиз зиқ. Кейин билиб оларсиз...

– Шу одамни йўқотсак-чи... – деди Темур қоровулни назарда тутиб.

– Йўқотамиз... – деди Тоштуғой. Сўнгра қоровулга парвосиз бир товушда: – Сиз бирпасга ташқарига чиқиб туришг, – деди.

– Хўп, бош устига, – деди қоровул хонимга жилмайиб. Сўнгра у Темурга бир кўз олайтириб боқди-да, ташқарига йўналди.

Тоштуғой бор гапни Темурга қисқача қилиб тушунтирди. Чўнтагидан уйқу дорисини чиқариб:

– Мана, буни пиёлага солиб эритсам, у аблахни беш дақиқада ухлатишига шубҳам йўқ! – деди.

– Яхши, аммо бу ердаги қоровулни нима қиламиз, – дея Темур хотинига маслаҳатомуз боқди.

– Бошқача ҳийла тополмасак, ўлдиришга мажбур бўламиз, ҳар ҳолда. Кошки шундай қилмасак...

– Эҳ, одамлар, одамлар... – деди Темур бошини сараклатиб. – Онт ичаманки, бу чекилган азоб-уқубатларнинг қанақалигини бошқаларга ҳам кўрсатиб қўяман ҳали...

– Хайр энди, – деди Тоштуғой. – Тонг отар-отмасдан келамиз. Тайёр туришг. Оёқ товушларига қулоқ тутинг...

– Яша, хотин, – деди Темур мамнун товушда. – Яхши бор...

Ҳа, вазир Қазағаннинг ўлимидан кейин Темур ва Тоштуғой орасида эр-хотинликдан ташқари, бошларига тушган айрим

фожиалар туфайли бошқача яқинлик ва самимият юз берган эди. Ота-она, қондошлик-қариндошлик муносабатидан кўра ҳам ўргаларида бир узилмас меҳр ипи яралгандики, қисқаси, икковлон дунёда бир-бирлари учун ҳар нарса эдилар. Шунинг учун ҳар бир масала устида бир тану бир жондай ҳаракат қилишлари табиий эди.

Иккисининг ҳам мақсади, ғояси вазир Қазағаннинг қотилларини ушлаш, жазолаш ва унинг ному шонини қайта тиклаш эди.

Тоштуғой Туркан чодирдан чиқаркан, тўппа-тўғри бойвуччанинг чодирига қараб юрди. Оқшом чўка бошлаганди. Ана энди Тоштуғой режасини амалга ошириши керак.

Тоштуғой бойнинг хотини ёнига кираркан:

– Қалай, ҳамма иш битдими? – деб сўради.

– Ҳа, битди, – деди бойвучча.

– Раҳмат, менга эски пайтлардагидек ҳурматингни кўрсатганинг учун миннатдорман, – деди Тоштуғой. – Ма, манавини ол, ичкиликларга қўшарсан, уйқу дориси.

– Буни ичкига қандай аралаштирайин?.. – деди хавотирли товuşда бойвучча.

– Икки-уч томчи етиб ортади. Кўпроқ қўшилса ҳам, ҳеч зарари йўқ.

– Хўп... Э-э, ана келяпти, мен бориб ишни бажарайин... – деди бойвучча ва ташқарига йўрғалади.

Айни шу пайтда чодирга бой кириб келди. Тўғри Тоштуғойга яқинлашмоқчи эди, у бойни ғоятда юмшоқ қиёфа ва илтифот ила қаршилаб, сўрига ўтказиб, дастурхонга айшу ишрат учун керакли буюмларни келтира бошлади. Канизаклар уларни жой-жойига қўярканлар, бой Тоштуғойни сўроққа тутди:

– Кўришдингизми?

– Ҳа, тақсир. Сиздан жуда миннатдорман. Эсонлик билан, амрингизга хилоф ҳаракат этмасдан кўришдик. Каманд иплари туфайли юзага келган яраларни кўрдим, аммо ип боғларини ечолмадим... – дея афсусланди Тоштуғой. Сўнгра ичкарида сузилган шаробдан бир пиёлани қўлига олиб, бойга узатди: – Олинг, тақсир!

Бой эриб кетди. Ўрнидан туриб шаробни қўлига олди. Шавқ билан:

– Олдин сиз ичинг, мен сизга ичираман! – деди.

– Йўғ-э, сиз хурматли зотсиз, сиз олдин шуни ичинг, хотирим учун... – деди Тоштуғой. – Сиздан кейин мен ҳам ичаман...

– Вой дод! – дея бой хитоб этди. – Амр этинг, ичурмиз!..

Биринчи пиёлани ичиргандан кейин Тоштуғой чуқур нафас олди ва қадахни тўлдириб, ўзини ичаётганга солиб, шаробни кўксидан пастга тўкиб юборди.

– Бу орада чолгучиларимиз йўқми? – дея ўсмоқчилади Тоштуғой.

– Э-э, ҳаммаси бор! Раққосаларимиз ҳам ҳозир у нозир, гадағанг! – деди бой мамнун товушда.

– Лутфан уларни бу гўзал мажлисга чақиртирсангиз, – деди Тоштуғой.

– Бир огиз сўзингиз, – деди бой. Сўнгра овозини кўтариб: – Чолгучилар, раққосалар келишсин! – дея буюраркан, эснай бошлади.

Тоштуғой Туркан унинг ҳозирдан ухлаб қолишини истамаганидан, ортиқча тирғалиб, бемазалик килмаслиги учун бироз сархушу хумор бўлишини орзулаб ўтирарди. Машшоғу ўйинчилар келишди, бироз ўйин-кулгу қилишди. Бойнинг кўзлари тобора кичрайиб бормоқда эди.

Шу чоғда Тоштуғойнинг хаёлига бир режа келди, тажриба учун уни синаб кўришни мақбул билди.

– Таксир, бир нарса айтсам, шу, эрим ҳам ўйин-кулгуни, завқли кеча ҳаётини жуда ёқтиради. Уям бир бечора банда, кун бўйи тортган азобу укубатлари аламини пасайтириш учун уни шу ерга чақирсак, не дейсиз? – деди виқору ноз аралаш.

– Нима дейсан?! – деди бойнинг кўзлари чақчайиб.

– Ҳа, энди... Сизнинг меҳру шафқатингиздан хурсанд бўлганимдан, айтдим-қўйдим-да...

Бой Тоштуғойнинг бундайин хурматкорона сўзларидан мумдай эриб кетди. Беписанд оҳангда:

– Туткунни олиб келинг! – дея буюрди.

Ташқарида бу сўзларни эшитган посбонлар чодирнинг эшигига югуриб келишди, нотўғри эшитган бўлмайлик тагин деган хаёлда:

– Нима дедингиз, бой ота? Не амрингиз бор... – дея сўрашди.

– Э, овсарлар, нима деяпсанлар? – дея бой қахр ва ҳиддат тўла товушда бақирди. – Тутқунни дарҳол келтиринг!!!

– Хўп, тақсир! – дея қоровуллар чошиб кетишди.

Улар Темур асир ётган чодирга киришди. Олдинига уни безовта қилиб, бироз қийнашди. Сўнгра бойнинг ҳузурига олиб бориш учун ўрнидан турғазишди. Шунда Темур, нима бўлаётганини тушунмасдан, бошқа ерга кетгиси келмасдан, бир муддат қаршилиқ кўрсатди. Ўғрилар унинг тирғалишига аҳамият бермасдан, қийнаб-сиқтаб ҳарам чодирга олиб боришди. Боглоглик ҳолда бойнинг ҳузурига киритишди. Темур шошиб қолганди, «Нима бўлдийкин? Билиб қолдимикин?» дея ичида ўйлаб, хавотир-ла ўртанди.

Ичкарига кирар-кирмас, Тоштуғойга кўзи тушди. Қўллари бўшатилди. Қоровуллар ташқарига чиқишди. Темур дастурхонга, айш-ишратга даъват этилди.

Ана холос!.. Темур нималар бўлаётганини билмоқ учун Тоштуғойга қаради. Хотини уни ишора билан тинчлантирди. Демак, ҳаммаси жойида...

Тоштуғой шароб ичаётгандай кўринса-да, аслида, ичкиликни сездирмасдан пастга тўкаётганди. Бой тинимсиз ичар, ширакайф, мажолсиз, уйқусираган кўзларини очнишга тиришиб, пирпиратар эди. Ашулачилару машшоқлар, ўйинчилар завқу шавқ-ла ўйин-кулгуни авжга чиқаришмоқда.

Тун ҳам яримлади. Тоштуғой шароб тўла пиёлани бойнинг бўғзига тақаркан, унинг сўлжайган ҳолатидан беш дақиқадан кейин ўликдай уйқуга кетишини сезиб, у ердагиларни ҳайдашга амр бердирди. Ҳамма чиқиб кетди.

Чодирда бой ва хотини, Темур билан Тоштуғой, яъни тўрт киши қолишди.

Бой офир уйқуга чўмди...

Ниҳоят, кечанинг оёқлагани, тонг оқараётгани сезилди. Тоштуғой бойвуччадан:

– Кетишга ҳар нарса тайёрми? – дея сўради.

– Хўп десангиз, атрофни бир текшириб чиқай, – деди сал-пал хавотирланиб бойнинг хотини. – Кейин сизларни олгани келаман.

Тоштуғой унинг фикрини маъқуллаб бош силкиди. Бойвучча шарпасиз чиқиб кетди. Темур ва Тоштуғой бойнинг ҳолига

боқиб, сассиз кулиб қўйишди. Беш дақиқача ўтгач, бойвучча қайтди ва:

– Тинчлик, ҳеч бир монелик йўқ, секингина жўнаб кета-верамиз, – деди.

– Қани, бери кел-чи, – деди унга Тоштуғой меҳри тов-ланиб. Қўйнидан бир тизим маржон чиқарди, аммо шу чоғда ненидир ерга туширганини сезмай қолди. Маржонни бойвуч-чага тортиқ этаркан: – Манави мендан сенга эсдалик. Доим эслаб юргин. Бўптими? – деди.

Бойнинг хотини миннатдорлик билдирди.

Биргаликда чодирдан чиқишди ва эҳтиёткорлик билан орқада турган отларга минишди. Бойвучча кунчиқар тарафни кўрсатиб:

– Самарқанд шу ёқда, – деди.

Отлар қўзғолди. Аммо эндигина ўғрилар маконидан узоқлашишар экан, чодирдан чиққан бир кимса уларни кўриб қолди. У шерикларини ўшқириб уйғотди. Бешта ўғри отлари-га минишиб, қочоқлар ортидан қувлашга тушдилар. Ана энди фалокат бошланганди.

Жанговар ва жасур Темурнинг бир ўзи майдонда ўн ки-шига, Тоштуғой ҳам камида беш кишига бас кела олса ҳам, бу ерларда ортиқча вақт йўқотиб, олишиб ўтириш фурса-ти эмасди. Учовлон отларини чуқ-чуқлаб янада тезлатиш-ди. Орқадагилар ҳам қувлашдан воз кечмоқчи эмасди чоғи, улар-да уловларига қамчи босдилар...

\* \* \*

Ўзлари ўғрилар қўлига тушган ерга яқинлашарканлар, орқадан қувлаб келаётганлардан биттаси қочқинларга етиб олди. Темур қиличини яланғочлаб, унга ташланди. Зарбадан унинг қиличи ерга отилиб кетди, ўзи қаттиқ яраланиб, ду-маланиб қолди. Айни чоғда Тоштуғой шартта отидан сакраб тушиб, ярадорнинг белидаги арқонни ечиб, уни боғлади. Бу иш муваффақиятли тугаганди. Аммо иккинчи ўғрининг етиб келиши йўловчиларни шошилтириб қўйди.

Қочқинларга етишган қароқчи от устида олишмоқни эп кўрмай, дарҳол ерга тушди ва қиличини сермаб, ҳужумга ўтди. Темур қароқчининг зарбларидан қалқон билан ҳимоя-



ланиш жараёнида, пойлаб туриб, уни оёғи билан бир тепди. Рақиб йиқиларкан, чап қўли тагида қолиб, юмалаб кетди ва қайта қўзғолмади.

Орқадаги ўғриларнинг иккитаси барабар етиб келишди ва бирлашиб ҳужумга киришдилар. Сўнгра бири Темурга, бошқаси Тоштуғойга ташланди. Темур кутилмаганда қароқчининг отига қамчи солди. От қочишга чоғланиб, юлқиниб қўзғоларкан, эгаси чапдастлик билан ерга тушди ва онийдан ҳамла этди. Афсуски, у рақибига яқинлаша олмасдан бошидан қилич зарби еди ва чўзилиб қолди. Темур эса, нарироқда қароқчи билан олишаётган Тоштуғойга ёрдамлашмоққа ошиқди. Ҳолбуки, Тоштуғой рақиб билан бироз олишгач, кутилмаганда отини унинг устига бостириб ҳайдаб, оғзи-бурнини қонга бўяб, абжағини чиқариб улгурган эди.

Орқадан қувалаб келаётган бошқа қароқчи бу вазиятни кўриб, таққа тўхтади. Бир муддат тараддудланиб турди-да, сўнгра отини ортга буриб, учира кетди ва уфққа ёйилган сийрак оқ булутлар орасига сингигандай кўздан йўқолди.





## XIV. ЎЗИНГДАН БАЛО ЧИҚСА

Темур ва Тоштуғойни қувлаб, олишувдан ёлғиз тирик қайтаётган суворий чошгоҳ пайтида ўз маконига етиб келди.

Бойнинг хотини Фаришта ҳам тутқунларни жўнатгандан кейин, гўё ҳеч нарса юз бермагандай, ўз чодирига кириб, ухлаб қолганди.

Эртасига кечаги кайфу махмурликдан кейин боши оғриб уйғонган бой атрофга аланглаб, хумор кўзларини йириб-йиртиб Тоштуғойни қидирди. Тополмагач, газабга минди. Хотинини, хизматчи аёллар ва раққосаларни чақиртирди. Асирларнинг қочганидан барчаси хабарсиз эди. Бой уларга:

– Нимани қўриқладинглар ўзи?! Шу ерда эмасмидингиз ё! – дея ўшқирди.

Бири унга жавобан, секингина:

– Тақсир, сиз кет дея буйруқ берганингиздан кейин биз чиқиб кетгандик. Чодирда меҳмонлар билан сиз қолгандингиз... – деди.

Бу сўзларни эшитаркан, бадтар газаби қайнаган бой энсаси қотиб, ерга боқди. Кўзига бир қоғоз иланди. Дарҳол эгилиб олди. Бу Алишоҳ тарафидан Темурга ёзилган мактуб эди. Ўқиди, унда: «Темур, тезда Самарқандга кел. Алишоҳ» деган сўзлар битилганди.

– Ҳа-а... – дея оғир сўлиш олди бой. Сўнгра: – Билиндики, кўлимизга тушган Темур экан... Энди у Самарқандга кетмоқда, шундайми? Э-э, у жононни мен унга бериб бўлман!... Ҳали кўрадиганини кўради у! – дея бақирди.

Шу аснода бир отлиқ келганини хабар қилишди. У шитоб билан бойнинг хузурига олиб кирилди.

– Нима гап? – дея тўнғиллаб сўради бой.

– Тақсир, шу, эрта билан энди уйғонгандим... – дея у чайнала бошлади.

– Тез гапир! – дея ўшқирди бой.

– Тонг оқараркан, икки отлиқнинг чопиб кетаётганини кўриб қолдим...

– Хўп, кейин?

– Бироз синчиклаб қарасам, кеча қўлга тушган асирлар экан...

– Ундан кейин нима қилдинг?

– Чодирдаги шерикларимни уйғотдим, биргалашиб қувиб кетдик...

– Оф-фарин!

– Аммо, тақсирим...

– Э, одамга ўхшаб тез-тез гапирсанг-чи!

– Урушдик...

– Яхши-ку!

– Аввал биримиз, сўнгра бошқамиз, ундан кейин иккитамиз уларга етиб бориб, ҳужум қилдик...

– Жуда соз! Демак, қочоқларни ушлаб келтирдингиз, ҳа-а, қани, олиб киринг уларни ҳузуримга!

– Йўқ, тақсир, кечирасиз, келтиролмадик...

– Нима бўлди?

– Улар билан олишиб, енголмадик... расво бўлдик, енгилдик, ҳамроҳларимдан фақат мен тирик қолдим холос... Мана, қайтиб, тақсиримга билдирай дея қўл қовуштириб турибман...

– Яхши қилибсан, – деди бой ўйланиб. Сўнгра: – Тезда отимни тайёрланг! Мен кетишим керак... Ҳамма ишга сен қараб турасан, – деди хизматкорга. – Ҳали шошмай тур сен, Темур! Агар ўша аёл сенга хотин бўлса, отимни бошқа қўяман!..

Хизматчилар бойнинг отини келтиришди. У уловига минди-да, йўлга тушди. Хат ҳам чўнтагида. Зудлик билан Самарқанд томонга йўналди. Оқшом найти шаҳарга кириб борди.

Эртасига султон Туғлуқ тарафдорлари билан бирга Темурни қидира бошлади. Кун бўйи сўраб-суриштиргач, Темур ва хотинининг Самарқандга келмаганлигига қаноат ҳосил қилди.

Тонг отгач, улар барибир шу ерга келади-ку, дея ўйлади ва яширинча кутишга қарор берди. Ўша куни ҳам, ундан кейинги кунларда ҳам Темур билан рафиқасини махфиёна ахтаришда давом этди. Бироқ на ўша куни, на эртасига, на ин-

диниға ва на ундан сўнги айёмда Темурга оид ҳеч бир хабар эшитмади, ҳеч бир из ва ё аломатга дуч келмади.

Темур эса, бу муддатда ўзи олдинлари ҳам яшириниб юрган бир ғорга хотини билан бирга беркиниб олганди. Аллақанча тарафдорларини бу ғорга чақиртириб, қурол-аслаҳаю отларни бадастир қилиб, чўлдаги арслонлар тўдаси янглиғ теваракка даҳшат соча бошлаганди. Бу вақт ичида у йўлида учраган айрим сахро туркманлари билан қақшатқич жанг олиб борди, уларни ҳам, бошқа баъзи бебош тўдаларни ҳам олишувларда ер билан яксон айлаб, сўнгра мағлубларни кечириб, кўнглини овлаб, енгилган гуруҳлару тоифаларни ўз ёнига тортиб, куч-қувватини ошириб олди. Бу минтақада у шундайин донг таратаркан, Темур ҳақдаги ваҳимали миш-мишлар ортгандан-ортар, унинг тарафдорлари ҳам кўпайгандан-кўпайиб борар эди.

Шундай қилиб, Мовароуннаҳрда турклар, эронликлар ва Хуросон халқи аста-секинлик билан Темурга бўйин эгаётган, унинг қудрати ўсаётган бир давр бошланганди. Масалан, атрофдаги тожик қароқчилар бошлиғи Муборакхон ўз одамлари билан бирга илк келиб қўшилганлардан эди. Ўшанда Темурнинг қўли остидагилар сони икки юз кишига етганди.

Темур йигилган жанговарлар билан бирга анчагина ишни амалга ошириш мумкинлигини мўлжаллаб, барча билан кенгашмоқ ниятида қурултой тартиб этди. Бу йиғноқда яқинларидан Ўғуз Арслон, қайноғаси Хусайн, Муборакхон, Шер Баҳром ва бошқа аллақанча доно инсонлар бор эди. Темур вазиятга оид фикрини шундай ифодалади:

– Ўйлашимча, биз ҳозирги қувватимиз билан эмас, балки келажакда бизга қўшиладиган тарафдор кучлар ёрдамида Самарқандни эгаллашимиз керак.

– Қандай тарафдор? – дея ўсмоқчилади Муборакхон. – Самарқандда бизга қанча одам қўшилиши мумкин?

Ўғуз Арслон унинг бу саволига шундай жавоб берди:

– Тахминан халқнинг ярми.

– Ундай бўлса, бу ерда туришимиз хато-ку? Аммо улар режаларингиздан хабардорми?

Темур энди сўзга аралашиб:

– Йўқ, уларнинг хабари йўқ, – деди. – Аммо биз ишни бошқача ҳал этурмиз. Биринчидан, биз Самарқандга юраркан-

миз, сиз одамларингиз билан Бухорога борасиз. Сиз Бухоро ёқдаги қишлоғу овуллардаги одамлар билан, мен Самарқанд атрофидаги инсонлар билан учрашамиз. Уларни фикримизга, йўлимизга ишонтириб, бир қарорга борамиз. Кейин сизга ишорат бераман. Биргаликда бутун жете халкига, яъни султон тарафдори чиғатойларга ва уларнинг волийси Илёсга ҳужум қиламиз. Худо хоҳласа, Мовароуннаҳрни қўлга киритамиз. Қани, энди бир Қуръон ўқиб, дуо этайлик.

Темурнинг қайноғаси ёнида турган Шер Баҳром:

– Мен бу ишларга розимасман, қарорга ҳам қўшилмайман, – деди. – Аммо қаршилиқ ҳам қилмайман. Модомики, қурултой қарори шундай экан, мен энди Ҳиндистонга жўнай қолай... – дея чиқиб кетди.

Бироқ биргина Шер Баҳромнинг Темурдан айрилиши унинг учун катта бир йўқотиш эмасди. Шунинг учун у қатъий, ишончли товушда:

– Қани, биз ҳам Самарқандга қараб юрамиз! – дея ҳайқирди.

Қайноғаси Ҳусайн эса, Темурга қинғир қараб, хоинона оҳангда, ичида: «Хўп, қани, юриб кўрайлик-чи...» дея гудранди.

\* \* \*

Айни чоғда, Тоштуғой ҳам эри Темурнинг манфаатларини ўйлаб, ўзича режалар тузмокда, тарафдорларни кўпайтириш учун таниш-билишларини ишга солиб, тадбирлар кўрмокда эди. Зотан, Темур Самарқанд халқи билан кўришмасдан олдин, бир неча кечани катта опаси Туркан Оқанинг уйида ўтказди. Ана шу вақт орасида келажакда рақибу ёвларига берадиган зарбаларини обдан ўйлаб пишираркан, бошқа бир ёқда Тоштуғой ҳам ўз одамлари билан ғайрат кўрсатиб, аҳоли ичида Темур хусусида яхши фикрлар уйғотиб улгурган эди. Аллақанча инсон Темур ва хотини Тоштуғойнинг фазилату иқтидорини тасдиқ айлаб, уларнинг мухлисига айланганди. Улар Туғлуқ султоннинг Темурга қилган муомаласини инсофсизлик деб билишарди. Шундай қилиб, вазиятдан унумли фойдаланган Темур Самарқандда икки минг тарафдор тўплай олган эди...

Темур омма орасида бунчалик эътибор қозонган ҳолда, ҳар ишга шай тураркан, у бир ёндан хотини ва уламнинг да диний исён чиқаришларини кута бошлади. Аммо очиқдан-очиқ бу ишларга берилиб кетган Темур, қарангки, орқасидан тушган жосусларни пайқамай қолди. Бир куни унга нотаниш бир кишининг у билан кўришмоқчи эканини билдиришди. Темур уни келтиришларини буюрди.

– Сиз кимсиз? – дея сўради ундан Темур.

Нотаниш кимса унинг саволига жавоб бермасдан:

– Сизга айтадиган баъзи сўзларим бор эди, шунга келдим, – деди. – Бундайин очиқдан-очиқ бўйсунмаслик, исёну ихтилоллардан воз кечмагингиз мувофиқдир.

– Нечун?

– Чунки сизни бугун султонга чақишади. Ё бу ердан чиқиб кетасиз ёхуд ўлим ҳукмини бўйинга оласиз, бошқа йўл йўқ.

– Ҳолбуки, менга тобе одамларнинг барчаси содиқдирлар...

– Ҳа-ҳа, содиқлар, ҳатто қайноғангиз ҳам! – дея кесатди нотаниш кимса. – Фақат у душманларингиз ёнида!

– Демак, Ҳусайн менга қарши... – деди Темур ўйлан-қираб. – Шундайми? Ундай бўлса...

– Ҳа! Ана шу ҳолат, хиёнат ва парокандалик ҳақидаги шум хабарларни султон тарафдорлари халқ орасига ёйиб бўлди. Шунинг учун аҳоли ичидан энди ўзингизга ҳеч бир кўмакчи тополмаслигингизга аминман.

– Яхши. Оллоҳ сизга саломатлик берсин! – деди Темур унинг чиқиб кетишига ишорали оҳангда.

Қайноғаси Ҳусайннинг душманлар томонга ўтиб кетгани Темурнинг ҳузурини қочириб, аҳволи руҳиясига қаттиқ таъсир қилганди. Наҳотки бирорта ишониб бўладиган одам йўқ, дея кўнглидан кечирди у.

Темур ўша оқшом зодагонлар орасидан ўзига яқин элликта отлични танлади-да, у макондан қочди ва ташқаридаги кучларини ҳам бир ерга тўплаб, ҳар эҳтимолга қарши, мудофаага шай туришни муносиб кўрди.



## XV. ТЕМУРНИНГ ҚАЙНОҒАСИ ҲУСАЙН ДУШМАНЛАР ОРАСИДА

Темур қароқчи бойга асир тушиб, ўртадан ғойиб бўлган кунларда, унинг одамларини Ҳусайн ўз тахти итоатига олиб, ҳокимияту амрият тотини тотган эди. Аммо Темур қайтадан майдонга чиқиб, иш юрита бошлагач, Ҳусайн ҳукмронликни яна унга мажбуран бериб, ўзини яқин тутса-да, ўшандан бошлаб юрак-бағри кин, ҳасад, адоват оташида ўртаниб юрганди.

Шер Баҳромни урушга қўшилмасликка ташвиқ этган Ҳусайн Темурнинг порлоқ келажагига моне бўлиш учун хилма-хил ҳийлаю режалар тузишга киришди. Шунинг учун Темур билан бир йўлда юрди, унинг орқасидан эргашиб, Самарқандга ҳам етиб келди. Бу ерда апил-тапил Темурнинг душманлари билан учрашди. Улар билан бирлашди. Душманлар бошлиғига йўлиқишдан олдин Темур ва Тоштуғойни асир этган бойнинг ёнига борди. Унга фитнали оҳангда:

– Биласанми, Темур бу оқшом Самарқандга келди, – деди.

– Ростданми? Ҳар куни кутаётгандим-а, қаёққа кетдийкин деб... – деди бой қувониб. – Демак, ҳозир Самарқандда, шундайми?

– Ҳа.

– Ундай бўлса, тезда султон Туғлуққа хат ёзиш керак!

– Э, албатта-да!

– Унда мен айтиб турай, сен ёз!

– Бўпти, – деди Ҳусайн. Сўнгра қўлига қалам ва қоғоз олди. – Қани, айтавер, мен ёзаман.

Шундай қилиб, Ҳусайн, эҳтимолки, Темурнинг маҳвиға сабаб бўладиган бир мактубни битишга киришди.

«Султонимиз!

Темур бу ерда халқни исёнга ташвиқ қилмоқда. Фалокатнинг олдини олмоқ учун бу ерга бироз аскар юборилиши муносибдир...

Бир неча имзо».

Хат чопар орқали шошилинич равишда султонга жўнатилади ва ўша кундан бошлабоқ Темур махфиёна кўз остига олинди. Ҳасадгўй рақибларнинг мақсади Темурни Самарқандда ёлғиз, аскарсиз ҳолда бир бурчакка пистириб, йўқ қилиш эди.

Мана, энди улар кўшиндан ёрдам кутишмоқда...

Кунларнинг бирида, Темурга тарафдор бўлмаса-да, холис бир киши бой билан Ҳусайн ўртасидаги куйидаги суҳбатни тасодифан эшитиб қолди.

– Бу оқшом хабар келиши керак эди, – деди Ҳусайн.

– Нега кеч қолдийкин, а? – деди бой.

– Билолмадим, шу...

– Зудлик ва интизом билан юборилиши зарур ўша озгина аскарнинг мунчалик кечикиши Темурнинг зафарига сабаб бўлади! – дея бақирди қароқчибоши бой билагонларча.

– Тўғри, бунини султон ҳисобга олиши керак эди, – деди Ҳусайн уни айёрларча маъқуллаб.

– Албатта-да! – деди бой. Сўнгра ўсмоқчилаб сўради: – Аммо сиз, Темурнинг қайноғаси бўла туриб, нимага ундан жуда хафасиз, нега унга қаршисиз?

Ҳусайн унинг саволига жавоб бермасдан, ўзини сўроққа тутди:

– Сиз унга нечун душмансиз?

– Чунки мен уни асир этгандим, қўлимдан симобдай қутулди. Қочиб мени аҳмоқ қилди. Энди кимлигимни унга кўрсатиб қўймоқчиман!

– Аммо Темурни қўрқитиш осон эмас.

– Уни қўрқитиш учун шу кечадан бошлаб ишга киришмоқ кифоядир, – деди қароқчибоши писандсиз товушда.

– Қандай қилиб ахир? – деди шошиб қолган Ҳусайн.

– Қандай дейсиз-а? Бу осон иш. Зотан, Темурнинг халқ орасидаги фитнали ишлари султоннинг қулоғига етиб борган. Шу боис, унинг тарафдорлари жазога тортилади, деган бир миш-миш чиқарасиз. Халқ ундан совийди ва бечора Темур ёлғиз қолади!



- Демак, шу кечаданоқ ишни бошлаймиз, шундайми?
- Ҳа! Бу оқшом Темур учун толесизликнинг бошланишидир, завол кечасидир!..

Ғаройиб бир тасодиф туфайлидан бу суҳбатни эшитиб қолган ўша туркман, қарангки, ўша куни бир уламо ваъз ўқиган даврада ҳам қатнашиб, унинг тилидан Темурнинг Оллоҳ томонидан юборилган бир соҳибқирон эканини туйди... Ҳайратга тушди ва тўппа-тўғри Темурнинг олдига бориб, бор гапни унга айтди. Шундай қилиб, Темур учун бир шоми ғарибон, толесизликларининг бошланиши, завол кечаси бўладиган тун, аксинча, бир иқбол кечасига айланди...





## XVI. ҒАЛАБА НИШОНИ

Ўғри-қарокчилар тўдасининг фитнаси ва чақуви туфайли султон кўшинининг Самарқандга бостириб келаётгани бора-сида Ўғуз Арслон Темурга хабар берди. Икки эски кадрдон ўртасида шундай суҳбат бўлиб ўтди:

– Демак, мени Самарқандда босиб, қўлга олишмоқчи, шундайми? – дея сўради Темур.

– Ҳа! – дея тасдиқлади Ўғуз Арслон. – Режаю мақсадлари шундаймиш. Ўша ердалигимизда султон Туғлуққа хабар берилганмиш.

– Ундай бўлса, хужумни қайтармоққа тайёр туришимиз керак.

– Ҳар ҳолда...

– Агарда эплей олсак, барча қарокчи тўдаларнинг бошликларини бир амаллаб Чиғатой салтанатига қарши қўйишимиз шарт! – деди Темур шиддатли товушда. – Аммо буни уддалай олармиканмиз-йўқми, билолмадим-да...

– Уддалайсан, бўтам! – деди Ўғуз Арслон оталарча комил ишонч билан. – Чунки улардаги мискинликни сенда ҳеч кўрмадим, сен жуда ғайратлисан! Ҳар қандай музаффариятнинг онаси фаолиятдир!

– Ҳа, зафар қозонмоқ учун тиришиб ишлаш керак. Фаолият эса, интизомга боғлиқдир. Ғайрат ва интизом билан киши ютуққа эга бўла олади.

– Тўппа-тўғри!

– Зафаримиз йўлида бирор ҳарбий ҳийлани ўйладингизми? – дея сўради Темур.

– Яна бироз ўйлаб, пишיתיшим керак... Ўзингда бирор режа борми? – дея ўсмоқчилади Ўғуз Арслон.

– Тайёрлаб қўйганман!

– Қани, эшитайлик...

– Аввало бой берилган фурсатни қайта қўлга киритиш лозим ва ҳар қанақа ҳужумни бартараф этишга тайёр туриш керак!

– Э, яша, бу фикринг жуда тўғри! Унинг учун, биринчидан, Мовароуннаҳрни эгаллаб, у ерни барча курашнинг марказ қароргоҳига айлантирмоқ даркор...

– Йўқ... – деди Темур қадрдон маслаҳатгўйининг сўзини бўлиб. – Қўл остимдаги бир тўда бебош жанговарнинг юртимни бесаранжом қилишига йўл қўёлмайман.

– Илло бу ер бўлиши фарзу шарт эмас, бошқа бир тарафни марказ этиб танла, ихтиёринг. Нега бу ишда тортиняпсан, не бир мушкилписанд бор бунда?

– Чунки келажакда бу ўлка, бу халқ менинг амримда бўлади, ўзимга қарашли юрту кишиларни қўриқламоқ, асрамоқ эса менинг бош вазифамдир, шундай эмасми?

– Жуда тўғри, бўтам, ҳақлисан.

– Шундай қилиб, менга қўшилгану қўшилмаган, тараф-тараф бўлиб келишолмай юрган қавму уруғларни тўплаб, бирлаштирибоқ, дарҳол жанубга – Хуросонга ва сўнгра афгонлар томонга юриш уюштираман, у ерларни ва Қандаҳорни забт этиб, ўша минтақани бутун ҳаракатларим марказига айлантирмоқ мувофиқдир деб ўйлайман...

– Қарору фикрларинг жуда мантиқли, шароитга уйғундир, бўтам, – деди Ўғуз Арслон унинг теран режасини маъқуллаб.

Ўша кундан бошлаб Темур режасига кўра ҳаракат этиб, ўз келажагининг биносини қуришга киришди. Фаолияти шунчалар фавқулудда ва табиий эдики, муваффақият ва зафарлари ҳақидаги шов-шувлар атрофдаги вилояту ўлкаларга кенг ёйилиб, даҳшату ғулғула яратди.

Темур Хуросонни забт айлаб, Қандаҳор вилоятини ҳам эгаллаб, музаффарият чоғи хончодирида ўтираркан, бир отлиқнинг у билан кўришмоққа изн истаётгани билдирилди. Суворий унинг ҳузурига кириб:

– Темур ҳазратлари сизмисиз? – дея сўради.

– Ҳа, – деди Темур унга синчков боқиб.

– Мени Сейистон амири юборди, мана бу унинг сизга ёзган мактуби... – дея чопар бош эгиб, хатни узатаркан, таъзим қилди.

Темур хатни олди. Очиб, ўқимоққа тутинди. Дақиқа сайин унинг ранг-туси ўзгарар, юзи гоҳ оқариб, гоҳ қизарар, жаҳли чиқиб, интиқом ҳиссу ҳаяжонида тўлғонар эди.

– Бўпти, унга саломимни айтинг! – деди Темур хатни ўқиб бўларкан.

Хизматчини чақириб, чопарни ташқарига йўллади.

Улар чиқиб кетгач, Темур ўзича шундай деди:

– Бунинг сўзларидан катта бир фалокату балонинг ҳиди келмоқда! Аммо, кўрайлик-чи, қайсимиз кучли: сенми ё мени?..

Ажабо, бу мактубда нелар битилганди? Бу қайси фалокат жарчиси экан? Қандай балонинг қўланса ҳиди экан?..

\* \* \*

Сейистон ҳокими ўзининг атрофдаги ерларини Темурнинг кучли қўшини тарафидан босиб олинганини кўриб, энди қандай ҳаракат қилиш лозимлигини билолмай ҳайрон эди. Қарши курашсинми ёки бошқа йўли ҳам борми? Темурнинг кунларнинг бирида Сейистонга ҳужум қилиши тайин. Шунини кўзда тутган ҳолда режаю тадбирларни пишитиш керак. Ҳоким шуларни ўйларкан, уламо ва маслаҳатчиларини чақириб, улар билан кенгашди.

– Темурнинг футуҳот йўлида нақадар тез илгарилаётганини кўриб турибсизлар, – деди у. – Довул каби эсиб, дуч келган вилоятларни босиб, халқини бўйсундирмоқда. Шу кетишда бу ерларни ҳам ост-уст этиб, ўзига тобе айлагай... Шунинг учун сизлардан сўрамоқчиман: хўш, бу балога қарши қандай ҳаракат қилганимиз маъкул?

– Тақсир, биз учун энг хайрлиси Темурни иттифоққа даъват этмоқдир... – деди бир уламо.

– Аммо унга қандай қилиб биз билан иттифоқчи бўлинг, деймиз? Ахир Темур бундан, мендан кўрқишди, деган маъно чиқармайдими? Бизга янада қаттиқроқ кўз тикмайдими? – дея ҳоким ўз шубҳаларини баён этди.

– Нега ундай қилсин? Агар биз дўст бўлайлик, десак, бу кўрқувданмас-ку. Бошқа сабаблари ҳам бор-да...

Шунда вазир сўзга аралашиб:

– Биз ўйлаган бошқа сабабларни Темур хаёлига ҳам келтирмаса керак, – дея шубҳасини аён этди.

– Нечук? – дея сўради ҳоким.

– Чунки унга кўрсатиладиган бу яқинликни, яъни иттифоққа даъватни олдинроқ билдирганимизда, балки у ўйлаб кўрарди ва таклифимиз шоёни диққат бўла биларди, аммо...

– Хўш, энди-чи?

– Энди бу иш мумкин эмас. Чунки унинг куч-қуввати ортиб, ўзига ишонч ҳосил қилгандан сўнгра биз унга иттифоқ таклиф этмоқдамиз. Энди унинг учун бу таклиф ҳеч бир маъною қимматга эга эмас. Бир илтимос, холос.

– Унда... илтимосга ҳозирчалик мажбур эмаслигимизни акс эттирувчи бир мактуб юборсак, не дейсизлар? – деди ночор ҳоким.

– Маъқул! Жуда соз...

– Қандай оҳангда, нималарга урғу бериб ёзсак...

– Масалан, сизни ҳимоямизга оламыз деган таклифни билдирсак ҳам унга ёқар балки...

– Э, жуда боп-ку!..

Вазиру вузаро, маслаҳатчиларнинг бари бу фикрга кўнишди, ҳоким шундай мазмунда хат битилишини буюрди.

– Дарҳол бир хабарчи юбориб, хат билан Темурни даъват қилайлик, – деди ҳоким.

Қалам ва қоғоз келтирилди, қуйидагича мактуб битилди:

«Темур,

*Сизнинг Чигатой хони қаршисида кучсиз эканлигингизни кўриб-билиб турибмиз. Шунга биноан, бизнинг ҳимоямизга киришингизни тавсия этурмиз ва ҳимоячи қўлларимизни сизга узатмоқдамиз.*

*Сейистон ҳокими».*

– Чопар келдими? – сўради ҳоким. – Ҳа, чопар, сен бу мактубни зудлик билан Қандаҳор шаҳрига бориб, Темурга етказ!

Хабарчи хатни олиб, йўлга равона бўлди.

Кенгаш давом этди. Темурга қандай муомала қилиш, қандай қарши туриш йўллари ахтарилган бу йиғин анчага чўзилди. Баҳс пайтида бир киши шундай деди:

– Олдинига биз, агар Темурни иттифоқчи бўлишга даъват этсак, уни хафа қилиб қўямиз, дея тортингандик, аммо энди янада бежо иш қилиб қўйдик, дейман-ов. Зотан, Темур айни вазиятда кучли-қудратли ва мағрур, шу боис унга «ҳимоямизга оламиз» деган таклифимиз жуда оғир ботади, ўйлашимча...

– Тўппа-тўғри! Энди унинг ғазабига дучор бўламиз! Биз томонга бостириб келиши оппа-очиқ!.. – дея ваҳимага берилди бир уламо.

– У ҳолда нима қил дейсизлар? – деди энсаси қотган ҳоким.

– Ҳозирданоқ уруш тайёргарлиги ва тадоригини бошламоқ энг мувофиқ ишдир...

– Ҳа, бўлар иш бўлди, энди буни тузатиш мумкин эмас. Чорамиз йўқ...

– Афсус, биз балони ўзимиз чақирдик...

– Шундай-ку-я, аммо бу бало барибир бир кун бошимизга келарди.

– Хуллас, энди тайёргарликни кўравериш керак.

– Гапларинг тўғри, урушамиз! – дея оғир сўлиш олди ҳоким. Сўнгра буюрди: – Қани, энди бораверинглар, ҳарбга тайёргарлик кўрилсин! Темурни ярашиқли қилиб кутиб олишимиз керак!..

Сейистон ҳокими ана шу алпозда мажлисини тугатди.

\* \* \*

Темур хатни олгандан кейин яна бир гапдан хабардор бўлди. Яъни, Чигатой султони Туғлуқ Темур вафот этган, ўрнига ўғли Илёсхўжа тайинланган эди. Темур бу воқеаларни билиб, севинди ва завқу шиддат билан одамларини тўплаб, режалар тузишга киришди.

Ниҳоят, бутун маҳоратини, ҳарбий ҳийласини ишга солиб, кўнгли тўқ ҳолда, жанговар қўшини билан Сейистонга қараб юрди.

Сейистон ҳокими аввалги сўздан қайтган эди. У қилган ишнинг ўз-ўзича бир ҳийлага айланишини ва Темурни гафлатда қолдириб, тузоққа туширишни ўйлаб, аскарлари билан шаҳар ташқарисидаги пистирмада кутмоқда эди.

Темур ҳам анойи эмас, у жосусларининг усталиги натижасида бу ҳолдан хабар топган ва унга кўра тадбир олган

эди. Яъни, қўшинини иккига бўлиб, бир қисмини ўз қўмондонлиги остида сақлади. Бошқа қисмини эса, иккига ажратиб, бирига Муборакхонни, унисига эса қайноғаси Ҳусайнни бошлиқ этиб тайинлади. Режага кўра, Муборакхон ва аскарлари шаҳарни орқа тарафдан ўраб, уни босиб олади. Ўзининг қўшини ҳар икки бўликка зарур пайтда ёрдам кўрсатади, фақат орқа томонда сокин ҳаракат қилади, худди захирадаги черик каби...

Шаҳарнинг орқа тарафидан яширинча келаётган Муборакхон аскарларини Сейистон ҳокими жангчилари пайқамай қолишди.

Ҳаракатдаги қўшиннинг олдида отлиқ Темур ҳайбат тўкиб борар, аммо ташқаридан қараганда, ҳеч қанақа уруш тайёрлиги ё кайфияти йўқдай кўринар эди.

Икки тараф қўшини юзма-юз келгач, Сейистон аскарлари чўчиброқ ҳужумга ўтди ва уруш бошланди. Темурнинг зўрға ўзини тийиб турган бебош аскарлари бирдан рақиб устига ёпирилди, шафқатсиз ҳамлалар натижасида бошлар кесилди, вужудларга ўқу қилич санчилди, ҳар ён қонга бўялди. Инсонлар ваҳшиёна жунбуш-ла қассоблик ҳунарини намойиш этишарди. Уст-бошлари қонлар ичида югуришарди, икки томон ҳам ҳирс билан бир-бировларини маҳв этмоқ қасдида ҳужум қилишарди...

Темурнинг қўшини мағлуб бўлаётгандай кўринарди.

Черик секин-секин орқага тисарила бошлади. Аммо Темур бир ҳарбий ҳийла ишлатиб, чекинишни тўхтатишга эришди. У тўсатдан аскарлар олдига ўтиб, қиличини сермаганича ҳайқира-ҳайқира ҳужумга киришди.

Ана, зафар ҳам кўринаёзган эди. Афсуски, бу омадсиз жангда Темур оёғидан қаттиқ яраланди. Сейистон лашкари Темурнинг қўшини олдига тушиб, қочиб борарди. Шу пайт нариги тарафдаги Муборакхоннинг жанговарлари уларнинг йўлини тўсди. Даҳшатли олишувда Сейистон аскарлари икки тош орасида қолгандай эзилиб, йўқ бўлди.

Бу музаффарият Темурга анча қимматга тушди, умр дафтарига ўчмас, аччиқ бир хотира ўлароқ муҳрланди. Галаба нишони, яъни оёғидаги яра сабабли оқсоқ бўлиб қолди. Шу туфайли Оқсоқ Темур, Темурланг сифатида дунёга донг таратди, бу нишон унинг учун абадий бир обидаи зафардир.



## XVII. МОВАРОУННАҲР ҲУКМДОРЛИГИ ВА ТЕМУРНИНГ ТАХТГА ЧИҚИШИ

Маълумки, бир ўлканинг султони бор экан, бошқа бир одамнинг салтанатга эгалик қилишга уриниши турклар<sup>1</sup> одатига зиддир. Шу боис Темур ҳам Илёсхўжанинг ўлими-дан сўнгра чигатойлардан Кобулшоҳга тобе бўлишни қабул этгани, инчунун унинг салтанат учун иддао қилиши мумкин эмасди. Бир куни у бу масалани ўртага қўйиш учун маслаҳатчиларини, уламони чақиртирди.

– Менинг салтанатни идора қилишим хусусида қандайин фикру кенгаш берасизлар? – деди уларга қарата.

– Тақсир, бу ўлкани қутқазиш учун Аллоҳ томонидан яратилган бир қаҳрамонсиз, соҳибқирони замонсиз! Султонлик сизнинг ҳаққингиздир! – деди бир маслаҳатчи.

– Аммо бу туркларнинг қадимий одатларига терс-да, – деди Темур.

– У ҳолда, Чигатой эли ҳукмдорларининг тасарруфи ва идораси остида бўлмаган Балх шаҳрида сизнинг тахтга чиқишингиз айни муддаодир! – деди бир уламо.

– Маъқул, раҳмат сизларга, – дея Темур кенгашчиларига миннатдорлик билдирди.

Бу маслаҳатга мувофиқ иш тутилди. Уламолар раъйига қараб, Балх шаҳрида турклар анъанасига мувофиқ бир маросим ўтказилди ва туркликнинг мўғуллар асоратидан қутқарувчиси Темур Мовароуннаҳр ҳукмдори дея эълон этилди. Уламо фатвоси амалга ошгач, ҳеч қандай унвон, имтиёз ва на-да бошқа бир нарса истамай, ёлғиз ҳукмдор номига ақча бостирган Темур эски мўғул одатларини бекор қилиб, ўрнига исломий қоида ва анъаналарни жорий эта бошлади.

<sup>1</sup> Туркистон турклари демакдир, кейинги замонларда қўлланилаётган туркийлар маъносида (тарж.).



Масалан, Чингизхон яса-ёсоқлари ўрнига тузук ва шариатга кўра иш тутишга интилди.

Ҳа, Темур ҳукмдор деб эълон қилинди. Бироқ бу ишдан ўзига қарашли одамлар ва аркони давлат орасида ҳам хурсанд бўлмаганлар бор эди. Улардан бири – қайноғаси Ҳусайн эди. Бу бечора одам ота меросига эга чиқолмаслигини англади. Бунинг олдини олишга роса уринди. Аммо бутун ҳийлаю найрангларига қарамасдан, Темурнинг рўпарасида ожизу ночор қолди. Охирида Темур ҳукмдор деб эълон ҳам қилинди ва шунда Ҳусайн куёвидан ҳажга кетишга рухсат талаб этди. Темурдан изн олингач, ҳозирлик кўриб, одамлари билан бирга йўлга тушди...

Бироқ Ҳусайн йўлда ўлдирилди. Қотиллар асли Темур тарафдорлари эди. Чунки улар, Темур Ҳусайнни кечирган бўлса-да, бу одамнинг қанчалик хоинлик қилганлигини, унинг ҳажга йўналган ҳаракати ҳам, аслида, хиёнат йўлидаги бир уриниш, ҳийла эканлигини яхши билишарди.

Ҳусайннинг асл ниятини Темур ҳам пайқаганди. Шунинг учун, унинг ўлдирилганини эшитгач, унчалик ачинмади ва:

– Оқибатда жазосини олди, – деб кўя қолди.

\* \* \*

Темур ҳукмдор бўлмай туриб асл ватани Туркистонни босқинчилардан қутқазиб учун ўзини қўллаб-қувватловчи бир кучга, бир далилу хужжатга эҳтиёжи бор эди, буни истаган, излаган эди. Буларга ҳам эришди. Ана энди у мамлакатини қутқариш йўлидаги муқаддас ва жиддий ишга киришди. Ҳар томондан тўп-тўп келган туркий қавмлар унинг сафига қўшилишар, уларнинг улуғлари Темурнинг ёнида ўлгунча бирга бўлажакларини, у билан бир йўлда эканликларини билдириб, тобелик изҳор этишар. Темур уларга лутфу мурувват, назокат ва меҳрибонлик кўрсатарди. Қўлидаги бор-йўғини харжлаб, одамларга тортиқ айлаб, уларни қувонтирар, ўзига ром этар эди. Масалан, бўркини Туғлуқ Барлосга, камарини Сайфиддинга совға қилганди...

Самарқанд сафаридан олдин айниб, ундан айрилган Шер Баҳром дегани ҳам охири пушаймон бўлиб, Темурнинг оёғига бош уриб келди. Унга Темур яна яхшилик ва нозик муомала

кўрсатди, шармандалик тамом унутилди. Хуллас, Шер Баҳром ҳам ватанни қутқазилганда Темурга мадакор бўлишини айтиб, қасамёд қилди.

Темур ўз ҳукмдорлигини кучайтириш учун тобеаларини кўпайтиришга ва ўлкани кенгайтиришга мажбур эди. Уч йил тинимсиз уринишлардан кейин бебош тўдаларни Сирдарёнинг у ёғига суриб юборди. Туркистон ва Олмалиқ шаҳридан бошқа чигатойларга боғлиқ ҳеч нарса қолмади. Бунинг устига, Темур Мовароуннаҳр даромадини қайноғаси Ҳусайнга бериб, Кеш ва Андхўй шаҳарларини ўзига қолдириб, Бухоро ва Самарқандни вазир Қазағанинг меросхўрларига боғлаб, уларни ўзига ўринбосар тайин этиб, идорасини мустақил қилиб олди...

\* \* \*

Ҳа, ўшанда Самарқандда юз берган воқеадан сўнгра Темур шубҳага тушганди. Уни қайноғаси Ҳусайннинг хиёнат қилиб-қилмагани ўйлантираётган эди. Ҳусайнни чақирди, биргаликда устод Шамсиддиннинг мазорига боришди. Темур муқаддас даргоҳда туриб, Ҳусайнга:

– Дўст бўлиб қоламиз, а? – деди.

– Ҳа, берган сўзимга содиқман ва ҳеч бир замон аҳдимда қусур бўлмагай, – деди Ҳусайн.

Темур барибир қайноғасига ишончи йўқлигини тилига чиқарди:

– Ҳусайн, сенга ҳеч ишонгим келмайди-да...

Шундан кейин Ҳусайн куёвини азбаройи ишонтиришга тиришиб, Қуръонга уч бор қўл суниб, тавоф этиб, қасамёд қилди.

Мозордан қайтишди.

Аммо Ҳусайн барибир аҳдини бузди, фитнага бош урди. Бир куни ишончли одами Шер Баҳромни чақириб, ўз режалари ҳақида маълумот бериб, ундан ёрдам истади.

– Шер Баҳром, – деди у кин тўла товушда, – биласанки, Темур эгаллаган амирлик аслида меники бўлиши керак эди. Чунки бу ҳокимият отамдан мерос қолган... Аммо Темур бу кучни қайдан олди, билолмайман!..

– Темур бу мақомга ўзининг ўткирлиги, ақлу гайрати билан эришди. Сиз ундан ота меросини ола биласизми? – дея синчков кўзларини унга тикди Шер Баҳром.

– Э, шу дардда юрибман-ку! Нима қилиб бўлса ҳам ҳокимиятни ундан қайтариб олишим шарт!.. – дея жонланди Ҳусайн. – Оҳ, нима қилиш керак, а... Сендан айрилгандан кейин, Самарқандга борган пайтимда, у ерда ўтириб, султон Туғлуққа хатни мен ёздим-ку, ўз қўлим билан... Эҳ, қанийди кўшин пайтида етиб келсайди-да, Темур кунини кўрсайди!..

– Аммо жосусликнинг жазосини ҳам тортишингиз мумкин эди, – деди кесатиб Шер Баҳром.

– Буям тўғри... Ҳа, майли. Темур, зотан, мендан шубҳа қиларди. Ўтган куни қасам ичирди, гўё мен қасам-пасамдан кўрқадигандай. Эшитишимча, Шоҳқули унга ҳукмдор бўлишингиз керак, деганмиш. Темур ҳукмдор бўлармиш, а! Қани, ҳукмдор бўлсин-чи, унга бир ўйин кўрсатаманки...

– Қанақа ўйин? – энсаси қотиб сўради Шер Баҳром.

– Э, билмайсан-да, хумпар, бу ёқда кўп ишлар бор! – деди Ҳусайн маккорона, мамнун оҳангда. – Катта одамлардан бирини ўзимга иттифоқчи қилдим. Темур ҳукмдор бўлган куни эрталаб ичилган шарбатдаги заҳар таъсирида асфалософилинга кетади! Қалай, Баҳром, яхшими?

– Жуда яхши, тақсир, – деди Шер Баҳром бироз ўйланқираб. – Аммо, дейликки, ўша оғудан Темур вафот қилгудек бўлса, ўзингизни бир қотил сифатида жазога тортилмаслигингизни қайдан биласиз? У ҳолда сиз ҳоким эмас, маҳкум бўлиб қоласиз-ку! Менимча, бу фикрдан воз кечганингиз маъқул.

– Йўқ, ҳеч қачон воз кечмайман!

– Шояд бунга Темур эшитгудай бўлса...

– У вақт ўлган куним! – деди қатъий товушда Ҳусайн.

– Менга қолса, бу ишдан воз кечинг, кўрқинг... – деди Шер Баҳром унга ачиниб.

– Кимдан? Сенданми?

– Ҳа, мендан, – деди кесатиб Шер Баҳром. – Зотан, Темурнинг фазилатлари қаршисида шайтоний амаллар йўқ бўлишга маҳкумдир, бу бир ҳақиқат... Гапнинг индаллосини айтинг, ўзи мендан нима истайсиз?

– Арзимас бир хизмат. Темур ичадиган шарбатга заҳарни аралаштириш!..

– Йўқ! Мен бундай килмайман. Аксинча, Темурга бориб, нималар бўлаётганини очиқ-ойдин айтаман! – деди Шер Баҳром гуриллаган товушда ва шартта ўрнидан туриб, чиқиб кетди. Ҳусайн жисмонан ундан кучсизлиги туфайли йўлини тўсишга журъат этолмади.

Шер Баҳром шу кетганча тўппа-тўғри Темурнинг олдига борди. Унга учраб, ҳаяжон-ла сўзга киришди:

– Тақсир, сизга ўтмишдаги исёнимнинг сабабини айтолмагандим, мана энди айтаман. Бунинг сабаби Ҳусайн! Сиз Самарқандда экан, сизни бостириб-қўлга олиш учун султон Туғлуқ тарафидан бир бўлик лашкар юборилган эди, кейинроқ сиз бундан хабар топгандингиз, бироқ сабабини билмасдингиз. Бу иш қайноғангиз Ҳусайн ёзган бир мактуб туфайли содир бўлганди. Энди, энди эса, яна бир чакки воқеа юз берадики... бу – даҳшат!..

Темур Шер Баҳромнинг бундаин ҳолини кўриб, дарҳол ёнига келди ва таскин бериб:

– Нима бўлди ўзи, бунча ваҳима қиласан? – дея сўради.

– Ҳукмдорлигингиз эълон қилинган кун сизни заҳарлашмоқчи...

– Биламан, – деди Темур хотиржам товушда.

– Биласизми?

– Ҳа. Фақат сен кўрқма, ҳеч нарса бўлмайди. Ўзингни хотиржам тут.

Шер Баҳром Темурнинг ҳузуридан кўнгли таскин топиб чиқиб кетди.

Икки кун ўтгач, халқ орасида Ҳусайннинг Шер Баҳромни ўлдирганлиги ҳақида гап тарқалди. Барча аслзодалар бу қил-вир иши учун Ҳусайндан нафратландилар, Темур тарафига ўтиб, унга тобе бўлдилар. Темурнинг илк ҳукмдорлик пиллапоялари тарихи ана шу ҳодисаларга туташ шаклда ёзила бошланганди.

Шундай қилиб, Ҳусайн Темурни заҳарлашга оид режасини амалга оширолмади. Қараса, қўлидан ҳеч бир иш келмайди – буни англагандан кейин, ёпиғлиқ қозон ёпиғлиғича қолсин, деган илинжда, Темурдан ҳажга кетиш учун изн истаган эди...

Темур Хусайннинг йўлда ўлдирилганини эшитгач, юқоридаги гапларни эслаб, «Оқибатда жазосини олди» деган эди.

\* \* \*

Темур ҳукмдор бўлганида тахминан ўттиз етти, жуда бўлса қирқ ёшларда эди. Ҳокимиятни қўлга олиши биланоқ, илк фаолияти мамлакат ички ишларини йўлга қўйиш, эски золимлигини тарк этмаган катта мансабдорларни таъсирсиз ҳолга келтириш, ўз ғаддорлигини ташламаган бошибузукларни мансабдан четлатиш бўлди. Зотан, Темур ҳеч бир замон илонни қўйнида сақлаш ниятида эмасди.

Шундан кейин у ўлка жанубидаги оммани итоатига олиб, турмушни тартибга солди. Кайхусраву Искандар қўл уролмаган бир ишни бажаришга киришди: яъни, туркистонлик бир бекнинг ўғли Яксарт дарёсини кечиб ўтиб, бу атрофни ҳукмига тобе этди.

Беш йил мобайнида у отдан тушмади, туркларнинг қадимий ўлкасида бир неча юришлар уюштирди. Султон Қамариддиннинг қизини никоҳига олди. Шунга қарамай, Тоштуғой хотун унга ҳеч бир вақт рашк қилмади. Чунки бу ишлар Темурнинг мартабасини юксалтириш учун қилинаётганди. Темур мақомда қанчалар юксалса, отаси вазир Қазағаннинг ўчини олиш шунчалар қулайлашади. Зотан, Темурнинг бир йил ичида эгаллаган юртлари бу ёғи Сирдарёдан Амударёгача, у ёғи чинлар чегарасидан тортиб рус ўрмонларигача тутатиб қолганди. Галдаги энг муҳим мўлжали Хуросон эди. Жанговарлик йўлининг илк йилларида фатҳ этишга тиришиб, кўп заҳмат чекиб-да забт этилмаган бу ўлка унга қарши ёвқуруна ҳайбатини сақлаб келаётганди. Бу юрт жуда катта бойликка, ноёб гиламлару қурул-аслаҳа корхоналарига, қимматли деҳқончилик маҳсулотларига эга эди. Ниҳоят, эндиликда улкан қувватга эришган Темур Хуросон ҳукмдори Ғиёсиддин устига маҳобат билан ёпирилиб борди ва бу сарват ўлкасини ўзига тобе этди.



## XVIII. ТИКБОШЛИ ЖАҲОНГИР НАСЛИ

Темур Туркистон, Амударё ва Хоразм томонларни забту фатҳ этиб, бутун бу минтақани қиличига бўйсундиргач, эндиликда Қипчоқ ўлкаларига тўғридан-тўғри йўл очилган эди.

Чигатой туркларидан ташқари, Чингизхон сулоласига мансуб турк хонлари ичида биринчи бўлиб исломиятни қабул этган Жўжихон қавми ҳам Қипчоқ даштларида яшаб келарди. Аммо мусулмонлик бу томонларда номигагина мавжуд бўлиб, аҳоли орасида, турмушда исломий одатлар кўринмасди. Бу сулоланинг идораси остида турли қавмлар бор эди. Жўжийлар ҳар соҳада исломдан олдинги ҳукмдорларига тобелик давридаги ҳаёт тарзларини давом эттиришарди. Бу муҳитда хилма-хил қавму унсурларнинг ўзига хос анъаналари, қонун-қоидалари ва одатлари сақланиб қолганди. Жўжийлар ҳокимиятлари ичида яшаётган катта-кичик, турли элатлардан божу солиқ ундиришар ва уларнинг тинчлигу муҳофазасини таъмин қилишар эди. Фақат шуниси ҳам борки, бу қоришиқ эму элатлар ўртасидаги кичик бир зиддият ёки тўқнашув жуда катта келишмовчиликка сабаб бўлиши, нифоққа айланиши осон эди.

Исломиятга нисбатан лоқайдликни ва аввалдан бери риоят қилинган турмуш тарзини давом эттирганлари учун Жўжихон сулоласи ўзига тобе жойларни сақлаб қолишга муваффақ бўлди. Бу сулола Эдил дарёси атрофида, Сарой шаҳри теварагида ҳукмларини юритишарди. Жўжининг бешинчи ўғли Шайбон Эдил дарёсининг орқа тарафи ва Кубон томонларда ҳукмрон эди.

Қримда эса, Туғай Темур деган зот ҳоким эди.

Саройда Бердибек номли бир валиаҳд волийлик қиларди.

Булардан фақат Бердибек фарзандсиз эди ва 1360 йилда вафот этганди. Унинг сулоласига мансуб қариндоши Ўрус

Саройда ҳукуматни эгаллашга ташаббус этди ва бунга муваффақ бўлди.

Тўхтамиш Ўрусга ҳасад қиларди, унинг донғини эшитар-эшитмас дарҳол аркони давлатни тўплаб, мажлис ўтказди. Бу йиғинда ҳукумат ишларига ақли етадиган етук уламодан ташқари, Тўхтамишнинг ҳар амрини каромат билиб, унинг назарига тушиш учун ҳар қабих ишга тайёр манфаатпараст ялоқилар, ҳокимиятда зулмга йўл очадиган ахлоқсиз маддоҳу ғаддорлар ҳам бор эди. Тўхтамишнинг ҳасад ва кини қайнаб-тошиб, сўзга киришди:

– Ҳаммангиз яхши биласизки, Эдил ўлкаси бизга қарайди. У бизнинг сулоламизга хос бир мулкдир. Бу ерлар бизга аждодимиздан қолган. Шунинг учун бу ватанни сақлаб қолиш биз учун қутлуғ бурчдир. Сизлар нима дейсиз? Бундайн муқаддас вазифа фақат бизнинг сулоламизга берилган экан, Ўруснинг бу ўлкада тажовузкорларча иш тутиши муносибми?

Анжумандаги лаганбардорлардан биттаси – вакиллар бошлиғи дарҳол унинг сўзини илиб кетди:

– Тўғри, ҳазратим! Биз, барча вакиллар гуруҳи, бизни шу мақомга юксалтирган иқтидоримизга таяниб айтамызки, Ўруснинг келишмасдан, бундайн тажовузкорона иш юриштишга заррача ҳаққи йўқ! Бундай номаъқул ишга қўл ургани учун бутун Жўжи улуси унга қарши туришимиз, эгаллаган мақомидан ҳайдаб, ҳаддини билдириб қўйишимиз керак! Бу бизнинг ҳаққимиз ва бурчимиздир, зотан...

Шу пайт йиғиндаги бир вакил бу фикрларга қарши чиқиб, шундай деди:

– Менимча, бунақа йўл тутмаганимиз бизга муносиброкдир. Жўжи сулоласига мансуб бир хотиннинг эри бўлган киши, яъни Ўрус ҳам ҳокимиятни идора этса, бунинг бир маъзури йўқдир, дейман.

– И-е, бунақа кетишда жўжилар ҳокимиятдан айрилиб қолади-ку? – деди вакиллардан яна бири.

Шу пайт кучли вазирлардан биттаси, ниҳоят, сабри тугагандай бир оҳангда:

– Йўқ, тақсир, ундай эмас, – деди. – Хўш, Ўруснинг оиласида тугиладиган хонзода Жўжи сулоласидан ҳисобланмайдами? Бу ўлка муваққат бир замон мобайнида бошқа

бир сулола мансуби томонидан идора қилинса ҳам, охирида ҳукмдорлик яна ўша жўжиларда қолмайдими?..

Шунда Тўхтамиш вазирга ташланиб қолди:

– Йўқ, бу тўғри эмас! Кўрайлик-чи, бошқа бир наслга мансуб Ўрус бутунлай идорани қўлга олгач, ўғлини меросхўр қилиб тайинлайдими, ёки бошқа хотинидан бўладурган бола-сига муносиб кўрадими?..

– У ҳокимиятни бировга бериб қўймас-ов...

– Унда янада яхши, тақсирим! Ана шунда музокара ва ҳақ талаб қилиш учун келишмовчилик дарвозаси кенг очилади!

– Йўқ! Бўлмайди. Бордию ўша пайтда идорамиз ва ҳокимиятимиз заифлаб қолгудай бўлса... – деди бир уламо. – Ўшанда масалани ким ҳал қилади?

– Эй чол! – деди Тўхтамиш газабланиб ҳақиқатгўй кекса вазирга. – Кўнглингда бир гап бор, қани, очиқ айта қол.

– Мен нима дердим, ҳукмдорим, – деди вазир. – Ҳозир ҳам ундан кучли эмасмиз-ку ахир...

– И-е, нималар деяпсан ўзи! Бир итга ҳаддини билдириб қўйишга қурбимиз етмайди? – деди газабланган Тўхтамиш.

Шу чоғда маддоҳ мансабдорлардан бир нечаси тилёғламалик билан сўзга аралашди, Тўхтамишни улуғлаб, Ўрусхонни ерга урди. Улардан бири:

– Гапларингиз жуда тўғри, – деди. – Менимча ҳам, Ўрусдай ҳукуматни янги қўлга олган, идорий ишларга бегона бир одам биздан қўрқиши керак-да!..

Тўхтамишхон уламози билан бу тарзда кенгашиб бўлгач, ўзининг кескин қарорини билдирди:

– Бугундан бошлаб Ўрусга қарши уруш очамиз!

– Тўппа-тўғри, хоним! Ниҳоятда тўғри!.. – дея йиғиндаги кўнчилик унинг қарорини қувватлади.

– Бўпти, энди тарқалинг, – деди Тўхтамишхон. – Уруш тайёрлиги кўрилсин! Бизнинг қароримизга қўшилмаганларга айтинглар, жанг бошланганда, улар ҳам ёнимда бўлсин ва кимнинг кучли эканини ўз кўзлари билан кўрсин!..

\* \* \*

Узундан-узоқ можаролар ва келишмовчиликлардан кейин Ўрус билан Тўхтамиш орасида даҳшатли уруш бошланди. Ҳар икки тараф ҳам майдонда аскарӣ шижоат ва жасорат



кўрсатишга киришди. Ўртада қилич ва қалқонларнинг даранг-дурунг товушидан бошқа ҳеч нарса йўқдай гўё. Икки тараф ҳам нафрат ва кин билан бир-бирларига ҳужум қилар, бир-бирини маҳв этиш учун тиришар эди. Жангтоҳда қон дарёдай оқарди, девсифат кишиларнинг жасадлари ер билан битта бўлиб юмалаб ётарди.

Тўхтамиш ёнидаги кекса вазирдан ўсмоқчилаб:

– Ҳа, чол, уруш қалай кетяпти, – дея писандсиз сўради. – Сен айтгандай, аскаримизда Ўрусни мағлуб этиш учун куч йўқ эканми?..

– Йўқ, тақсир, – деди вазир пинагини бузмай.

– Нечук?

– Тақсир, биринчи голибиятга унчалик ишонмасангиз яхши бўларди, – деди у.

Айни шу чоғда Тўхтамиш ҳузурига етиб келган чопар қўшиннинг чап тарафидаги аскарлар тумтарақай қочганини билдирди. Хон бу кучсизланган нуқтани жонлантириш учун дарҳол буйруқ берди. Сўнгра аламини чолдан олмоқчидай унга ўшқирди:

– Сен шум сўзларинг билан қўшинининг руҳий жанговарлигини заифлатясан! Нар и кет-э, фалокат! Отингга минган ҳолда буйруғимни кут!..

Вазир яқинлашаётган муваффақиятсизликни олдиндан сезгандай бир қиёфада:

– Тақсир, менга қолса, икки от тайёрлаб тураман... – деди.

– Йўқо-о-ол! – дея ўдағайлади Тўхтамиш. – Ҳаддингдан ошма, ўлгинг келиб қолдими ё!?

– Худо умр берсин, хон ҳазратлари, – деди мулойим товушда кекса вазир ва ўгирилиб, ундан узоқлашди. Қўшиннинг орқа тарафига ўтиб, қочиш учун икки от тайёрлаб, фалокат онларини кута бошлади.

Урушмас, бир қиёмат-қойим бўлди. Икки томон ҳам ҳеч кўрқувсиз қилич ўйнатиб, душманини маҳв этишга жидду жаҳд этарди. Ҳар тараф ўлик... ўлган, ўлдирган, инграган, йиғлаган, зорланган, писган, пистирган, яраланган, эзилган, қочган аскарлар билан тўла... Икки тепадаги хонлар атрофида югурган, бақирган беклар... Черик эса, янада кўпроқ ўлдириш учун қонсираган, ўчли кўзларини олайтириб, ким-

са-кимсани танимасдан, бир-бирининг қонини тўкиб, олишиб ётибди...

Охири Тўхтамиш одамларининг секин-секин мағлубиятга учраётгани аёнлашди. Тўхтамиш ўз аскарларини ҳарчанд матонат ва жасоратга ундаса-да, бу маҳшарий ғавғода ортга қайтишдан бошқа чора кўринмади. У кўшинини мағлубликдан қутқаза олмади. Ўрусхон аскарлари ҳужумга ўтиб, бостириб келмоқда эди...

Бир пайт, ҳеч қутилмаганда, Ўрусхон черигидан бири-си қўлидаги қиличини ўйнатиб, йилдиримдай Тўхтамишнинг шундоққина қаршисида тўхтади ва тўсатдан бир зарба урдикки, хон жонсиз ерга ағдарилиб тушди. Аскар келган тезлигида ортига қайтиб, кўздан ғойиб бўлди...

Нарироқда бу мудҳиш манзарани кузатиб турган кекса ва зир илдам келиб, жасадни бир отга ортди ва бошқа отга ўзи миниб, уни етакда тутганича шарқ томонга йўналди...

Бу пайтда Тўхтамишнинг нариги ёқда қолган вазиру вазирлари ундан айниб, Ўрусга тарафдор бўлиб қолишганди. Кекса вазирнинг ҳолу ҳаракатини кузатиб турганлар эса, унга ачинган оҳангда:

– Ҳайҳо-о-от!.. – дедилар. – Бечора мияси ачиган чол!..

\* \* \*

Орадан икки кун ўтган. Одамлар қон билан бўялган майдонни кўздан кечиришмоқда. Баъзилар ўликларни ётган еридан олиб, чуқурларга кўмиш билан банд. Тирик қолганлар эса, марҳум сафдошларга нисбатан бу дунёдаги охирги вазифасини адо этиб, улар билан видолашмоқда.

Ғолиб аскарлар орасида юзидан ҳеч ишдан қайтмаслиги кўриниб турган, ўч олиш оташида ёнаётган бир жанговар ҳам бор эдики, у ниманидир йўқотгандай олазарақ кезиб, муҳим бир нарсани ахтармоқда эди. У кўп изланди, аммо ахтарганини тополмади. Маъюсланиб орқага қайтар экан, Тўхтамишнинг собиқ вакиллари ва эндиликда Ўрус тарафдори бўлиб, ёвларига малайлик қилаётган пасткашларга дуч келди.

Улардан бири ундан:

– Нимани қидирясан, Тоштуғай? – деб сўради.

- Ҳеч нарсани қидирганим йўқ! – деди у.
- Қўйсанг-чи, сен мутлако бир нарсани ахтариб юрибсан, – дея у яна ўсмоқчилади.
- Йўқ, ўзим шундай айланиб юрибман, – деди зарда билан Тоштуғай.
- Э, яширмай қўяқол! Бирортасини ўлдирдинг шекилли, интиқом олиш учун...
- Ҳа, ўлдирдим! Яна не дейсизлар!
- Биз не дердик... кимни қидиряпсан ўзи?..
- Тўхтамишни!
- У кетди...
- Нима-а! Кетдими? Қўлимдан қутулибди-да, шундайми? Мен ҳам орқасидан бормасам, отим Тоштуғай бўлмасин!
- Нима қиласан унинг орқасидан бориб, энди у – ҳеч ким!..
- Э, сизлар ниманиям билардингиз. Майли, айтақолай: Ўрусхон, унинг жасадини олиб кел, деб мени юборганди. Кеча уни бир зарб билан ўлдиргандим. Ўлмаган экан-да, аблах, қочибди! Ҳа, майли, қаёққаям қочарди. Қани, кўрайчи, қўлимдан қутулармикин? Хўш, ҳозир Тўхтамиш қаерга кетган бўлиши мумкин? Ёнида ким бор эди?
- Бир кекса вазири бор эди, холос. Уни танимайсан. Биргаликда кетишди. Аммо Тўхтамиш соғмиди, ўликмиди, буни билмаймиз.
- Қаерга кетганлигини билолмадик-да... – дея бириси минғирлади.
- Нарироқда турган кимдир бу сўроққа шундай жавоб берди:
- Темурнинг олдига кетди!..
- Сўнгра бу одам:
- Кекса вазирнинг шарққа қараб от чуҳлаганини кўрдим ва тонг ёруғида шошганича «Менга Темурни кўрсат!» дея бақирганини эшитдим, – дея қўшимча қилди.
- Шунда ҳамма ваҳимага кўмилди, кўркувли бир товуш янгради:
- Унда эндиги воқеалар даҳшатли бўлади!..



## ХІХ. ҚОПЛОН ҲУЗУРИДА

Ўша воқеалардан ўн йил кейинроқ, Темур сўрида дабдаба ва маҳобат билан ўтираркан, бир киши ҳузурига кирмоқчи эканлиги хабар қилинди.

– Олиб келинг! – дея буюрди у.

Қабулига келтирилган одам эгилиб-букилиб, суқулиб Темурнинг этагини ўпди ва:

– Темур ҳазратлари! – деди. – Тўхтамишхонга аскар бериб, ёрдам этганингизни эшитиб...

– Нима бўпти, хўш, – деди Темур унинг сўзини кесиб, – ёлғиз аскаргина эмас, ақча ҳам берганман. Бундан ташқари, Туркистон, Ўтрор, Жаран томонларнинг ғарбини ҳам унга бердим. Хўш, нима бўпти?

– Тўғри, мухташам хоқоним! Ана шу сиз аскар ва ўлка амирлигини берган одамингиз...

– У одамга нима қипти?

– Сизга бу хатни унинг қилмишларини қандай эканлигини билдириб, яхши бир иш қилиш ниятида олиб келдим...

– Тўғрисини айтсам, гапларингдан бир маъно чиқаролмадим. Ўзинг айт, Тўхтамиш султонга нима бўлди? Мен билмайман, билолмайман; хўш, у нималар қиляпти?..

– Ҳазратим, ёрдамларингиз ва ҳимоянгиз туфайли Қипчоқ ҳукмрони бўлган Тўхтамиш ҳам сизга тобе бўлган эди, ҳолбуки...

– Ҳозирда ҳам тобедир!

– Йўқ...

– Нечун?

– Чунки, ҳозирда у исёнга тайёрланмоқда!

– Ҳа-а... Шундайми? Нима қиляпти?

– Сиз билан садоқат боғларини узиб, Озарбайжонга ҳужум қилмоқчи ёки қилади!..

– Йўғ-э... Тўхтамишдан буни кутмагандим. Уни икки бор таҳликалардан қутқардим. Бир марта Ўрус аскарларининг қув-қувидан, бир гал эса, ўзимнинг қаҳримдан...

– Нима, кечирвордингизми?

– Ҳа. Ўзинг кимсан?

– Ким бўлардим, уни ўлдиришга онт ичган бир одамман! Биласизми, ўз вазири бўлган кекса отамни Тўхтамиш нима қилди? Билмайсиз-да... О-о-о-о... бу ерга, сизнинг ҳузурингизга уни юборган менинг отам эди! Олдинроқ отам унга Ўрус билан жангга киришмасликни ва ҳирсу очкўзликка мағлуб бўлмасликни насиҳат қилганди. У сўз тингламади. Урушди. Урушда мен Ўрус томонда, отам эса унинг тарафида эди. Зотан, мен Ўрусга унинг калласини олиб келишга ваъда бергандим... Отамнинг йўқлигида Тўхтамишга ҳужум қилдим ва бир зарбада ерга кулатдим. Ўлди деб ўйлагандим, жони қаттиқ экан... Жангдан сўнгра отам уни бир отга ортиб, сизга келтирмоқ учун йўлга чиққан ва бир қишлоққа олиб бориб, даволаган. Тўхтамиш икки ойдан кейин тузалган. Сўнгра энди қаерга боришларини сўраган. Отам сизнинг ҳузурингизга келиб, тобе бўлиши муносиблигини уқтирган. У эса, ҳалиям очкўзлигидан, алаmidан қутулолмай, яна муҳорабадан сўйлаган. Отамнинг бу борадаги фикрини сўраган. Отам унга, жанг қилмасайдинг, яхшироқ бўларди, деган. Бироқ шу сўзларни айтиши биланоқ бошига тушган қилич зарбидан ўлган...

– Кейин Тўхтамиш бу ишидан пушаймон бўлгандир-а?

– Ҳа, пушаймон бўлган, аммо отамнинг ўлимига эмас... – деди марҳум вазирнинг ўғли. Сўнгра, бироз ўйланқираб туриб, шундай деди: – Отамнинг фикрлари тўғри эканлигига қаноат келтириб, ўзича таслим бўлиб йўлга чиққан ва сизнинг ҳузурингизга келган... Мана, Тўхтамиш шундай одам!..

– Бироқ сен ҳам ундан кам эмассан! – деди Темур. – Уни ўлдиришга қасд этиб, бу ишни амалга оширолмагансан...

– Йўқ, мен ундайин эмасман. У сўзига содиқ эмасди, хийлалар қиларди. Ўша йўлда эди. Мен эсам, динимни ва ўлкамни севганим учун, юртим манфаатини ўйлаб, уни ўлдиришга қарор берганман.

– Хўш, биринчи зарбанг ўлка нафъи учун экан, кейинги қилган ҳужумингнинг маънисини недир?

– У ҳужум, аёнки, бир қотилни – отамнинг қотилини ўлдириш, ундан илоҳий интиқом олмоқ учун эди.

– Яхши. Отинг нима эди?

– Тоштугай.

– Сендан хурсандман, Тоштугай. Тўхтамишни қўйиб тур. Қон ҳиди, интиқом оташи билан ёнаётирсан. Мен бу ҳолатнинг қандай эканлигини яхши биламан. Чунки мен ҳам интиқом орқасидан кўп чопдим... Худо хоҳласа, бир кун яна ҳузуримга келасан. Ушанда иккаламиз ундан ўч олиш саодатига эришамиз. Ҳозирча сабр эт...





## XX. ТЕМУРНИНГ МЎСҚЎВА ЮРИШИ

Бир неча ой ўтгач, Темурнинг аскарлари кенг Ёйиқ-Ўрол тарафларгача етиб борди. Туркистон тоғлари ва жанубий Сибирни қуршаган уфқ қип-қизил... Водийда ғуруб ҳоким. Офтоб борлиқ муҳитни кунботар ёғдусига кўмган, сарғайтирган... Қоронғулик хабарчиси кўршапалаклар учишади, кишининг ич дунёси қорайиб-титрайди...

Қаршида – чексизликка узанган осмон. Четлари кўкка туташиб қоп-қора ва ҳайбатли ўрмонлар бир зулмат саҳросини эслатади. Дарахтлар орасидан шувуллаб-гувуллаб оққан шамол денгиз тўлқини каби шовуллайди...

Бугун кундузи юз берган Ёйиқ майдонидаги урушда Темур қўшинлари зафар қозонди. Қоча бошлаган Тўхтамиш аскарларини унинг чериги Мўсқўвагача қувиб борди, аммо хоннинг ўзини тута олишмади. Тўхтамиш жанубий Русияга қочган ва у ерда беркиниб олганди.

Қўшини ҳузурига қайтгач, Темур ёнида ўтирган Тоштуғайга юзланди:

– Топилмапти-ку, – деди. – Энди не дейсан?

– Не дердим, ҳазратим, – деди Тоштуғай. – Ўзлари зафардан масту завқиеб бўлаверсинлар. Биз эса, кейинроқ, ўлжани тутганимизда, иншооллоҳ, қонини тўкиб, бундайин бахтиёрликка етишурмиз...

– Режанг қандай?

– Мен сизга айтсам, бир йўлини қилиб, Тўхтамишни қўлга тушириш мумкин...

– У ҳам бўлади, худо хоҳласа. Фақат кўрайлик-чи, фалаку даврон не кўрсатаркин? Энди мен билан Самарқандга қайтасан, – деди Темур.

Тоштуғай Тўхтамишнинг исёни хусусида хабар келтиргач, Темур ўйланиб қолганди. Зотан, исёни бостиришга тайёргарчилиги йўқ эди. Шу боис Тоштуғайни яна кутишга ундаб:

– Тўхтаб турайлик-чи, бир гап бўлар, – дея тинчлантирди.

– Хўп, сабр қилайлик. Сиз сабр соясида мақсадингизга етишасиз, аммо мен...

– Менинг мақсадга етишувим сенинг ҳам мақсадинг эмасми?

– Ҳа, тўғри, ҳазратим, бир томондан шундай, аммо...

– Аммо нима?

– Ҳазратимнинг мақсадлари Тўхтамишнинг ўзини йўқ қилиш, яъни унинг зарару ёмонликларидан қутулмоқ, шундайми?

– Шундай.

– Менинг вазифам унинг зарарлари билан бирга вужудини ҳам йўқ қилишдир!.. Аҳдимга кўра, шундагина менинг ниятим амалга ошади.

– Ҳозирча сабр этмогимиз мақбулдир...

Темур бу суҳбат асносида вазиятни Тоштуғайга яхшилаб аниқлаштириб ва ундан сабрига суяниб, қасос чоғини кутиш ваъдасини олди.

Темур огир-босиқ, етти ўлчаб бир кесадиған одам бўлгани учун ва шу билан бирга, Тоштуғайнинг ёлғон сўзлаши эҳтимолини ҳам кўзда тутиб, дарҳол фалон қиламиз демади. Ўзини бепарво кўрсатиб, ҳолатни теран ўрганди, бу орада вақтдан ҳам ютди. Тўхтамиш муваққат зафар кайфи билан ўзини йўқотиб турган пайтда у бўлажак уруш тараддудини кўрди. Сўнгра азму жазм ила Туркистонга қараб юрди...

Шундай қилиб, Ўрол тоғларидаги, Ёйиқ дарёси қирғоғидаги майдон жангида Темур ғалаба қозонди. Қонли урушдан сўнгра, қўшиннинг қаттиқ чарчагани ҳисобга олиниб, бу маконда дам олишга қарор берилди. Оқшом тушаркан, чодирлар янгидан тикилди. Темур Тўхтамишни қувиб кетганларнинг қайтишини кутмоқда. Унинг гап-сўзларидан интиқом олишни кечиктирмоқчи экани сезилиб турибди. Хуллас, бу кеча шу ерда қолишди. Эрта билан, қуёш ҳали уфқнинг қизарган дудоқларидан ўпмай туриб, юртга қайтиш буйруғи янгради. Улкан ўрду қора булутдай кўзғолиб, Самарқандга қараб йўл олди.





## XXI. ИНТИҚОМ

Энди турк қавмлари ичида Темурга қарши курашаётган биргина Тўхтамиш колганди, холос. Бошқа ҳеч бир таҳлика йўқ, шунга биноан Темур бу одамни маҳв этишни ўзининг ва салтанатининг тинчлигини сақлаш учун энг керакли иш деб ҳисобларди.

У Тошгуғайни қўйиб юбориш ниятида эмас. Чунки Тўхтамиш тек турмаслигини биларди, яна одам ва аскар тўплаб, ўзига қарашли ерларга ҳужум уюштириши мумкинлигини тахмин қиларди.

У арқонни узун ташлади ва тўрт йил кутди. Тўртинчи йилнинг охирларида Тўхтамиш қайтадан бош кўтариб, nonқўрлик йўлига кирганини унинг олдидан келган хабарчидан билиб олди.

– Ҳазрат, – деди хабарчи, – улар қишлоғимизга келгандаёқ қилмаган ваҳшийлигу одобсизликлари қолмади!..

– Нималар бўлди?

– Ҳазрат, улар уйларни бузиб, етимларнинг бошини кесди! Ҳайвонларни чавақладилар, кексаларни бўғиб ўлдирилди!..

– Кексаларниям ўлдиришдими?..

Темур хабарчидан бу гапларни эшитаркан, газабдан сочлари тик бўлиб, ҳурпайди. Чунки турклар одатига кўра кексаларга урушда дахл этилмас, улар доим кўриқланар эди. Тўхтамиш бу одатни бузганди.

– Ҳа, ҳазратим... Энг даҳшатлиси, хотинлар кўчаларда кип-яланғоч қилиб ҳайдалди!..

– Нима дединг?!

– Ҳа, ҳазратим, шундай. Қанча касал, ногирон, ярадор бўлса, барчаси турли қийноқлар билан ўлдирилди...

– Ногиронлар ҳам-а?

– Ҳа! Қанчалар ожизу бечоралар от куйругига боғланиб, тошу тупрокда судратилди...

– Сўнгра?..

– Сўнгра не бўларди, ҳазратим, энди бу тарафларга қараб юришди...

– Қаердан йўлга чиқишди?

– Дарбанддан. Ҳозирда Озарбайжонга ҳужум бошлаш арафасида туришибди...

– Ҳа-а, энди бу золимга ҳаддини билдириб қўйиш керак! – деди Темур салмоқлаб. – Барча хиёнат у ёмонликларининг хунини энди тўлайди, мен ундан ўч оламан! Ҳозиргача бу ишни қилсайдим, қанчадан-қанча кексалару етимлар, ногиронлар, аёллар, ожизу бечоралар балки ўлимдан омон қолармиди... Энди ўшалар учун ҳам интиқом олмоқлигим керак!.. Эҳ, бу одамлар, одамлар... Нечун бир золимга қарши бирлашиб, ғолибият чорасини қидиришмайди? Нечун ўзларига бечоралик, хорлик васфини лойиқ кўришади? Агар чандийки, улар битта-битта ҳолда кучсизу бечора эканлар, ҳа, битта-битта ўқ еб қирилгандан кўра бирлашиб, эзилишдан қутулишга интилсалар бўлмайдими?.. Яъниким, бир-бирига ўхшаш ўқлар бир ерга боғланса, синмагани каби, улар ҳам биргаликда эзилишдан қутулишади. Ортиқ эзилмайдилар. Ана шундай эзилмаслик имкони бор экан, нечун бунчалик мискин, жасоратсиз, такасалтанг ва танбал бўлишади?! Нечун?.. Ахир мен ҳам ҳукмдор бўлмай туриб ким эдим? Ёш бола, бечора бир йигит. Шундай меҳнат қилдимки, мақсадим йўлида ғайрат билан шундайин тиришиб интилдимки, бугунда бу салтанатга, ҳукмронликка эга бўлдим. Мана, мен ҳам ҳатто ногирон-ожизман, оқсоқман, аммо мени эзолмайдилар! Нечун қаршимда бўйин эгадилар, қани айт-чи, хабарчи? Ҳа, майли. Мана, қара, уларни ўлдирган Тўхтамиш ҳам мендан қанчалар кўрқади! Нечун? Чунки мен пешана тери тўкиб доим заҳмат чекаман, чунки мен дўстларим билан бирлашиб, душманларим енгиши номумкин ҳолга келмоқдаман!.. Ҳа, мен ёвларимни эзаман, йўқотаман, ўлдираман!

Хўш, нечун ўлдирмас эканман? Нега эзмас эканман? Нечун йўқ қилмас эканман?

Мен эзиб-ўлдирмасам, улар мени ўлдиришади. Маҳв этмасам, улар мени маҳв этадилар.

Йў-ўқ, мен улар қаршисида ҳеч қачон бўйин эгмайман! Чунки мен адолат ва ҳақ йўлидан бормоқдаман. Аввал қилганимдай, мана энди ҳам, бундан кейин ҳам, барча билан, ҳатто душманларим билан ҳам бирлашиб, рақибларни эзмоққа, ўлдирмоққа ва йўқ қилмоққа жаҳд этажакаман! Чунки бу менинг ҳаққим ва вазифамдир! Мана, ҳозир ҳам ишонаманки, ёвини ўлдирганда гуноҳ йўқ. Гуноҳ – ўлганда, эзилганда!..

Ҳа, шундай. Бундан кейин интиқом олиш учун яшайман, биргина ишим шу бўлади. Ҳозиргача бир кўпларини афв этиб, гуноҳларидан ўтдим, аммо бундан сўнгра кечириш йўқ! Ҳақ доимо ғолиб келади, мен бунга ишонаман. Шу давргача бир кўпларига совғалар бериб илтифот кўрсатдим. Эвазига не кўрдим? Салгина ўзларига келиб, жонланишлари биланок, мени янчиб ташлаш учун қутуришади, қўлларига ўзим берган ўқлар билан мени ўлдиришга интилишади! Хўш, мен ана шундайин нонкўр сотқинларнинг нимасига раҳм этай, инсоф қилай, лутфу марҳамат кўрсатай? Нечун кечириб, гуноҳидан ўтайин? Қиличим остида эзилсинларки, минбаъд ҳақсизлик қилишмасин! Хоинларни, душманларини эзмаган эзилади. Ҳа, эзишни мендан ўрганишсин!..

– Ҳазратим, лутфу марҳамат кўрсатинг...

– Хўш, энди аскарларимни урушга тайёрлаб, жангга киришаман! Аммо сизлар учун эмас, сизларни қутқозиш учун эмас, фақат оламга сабоқ ва ибрат бериш учун бўлади бу ишлар!.. Лекин шу Тоштугай қанчалар сабрли бир инсон экан, а! Ҳе, офарин дейман унга! Мен орага тушмасайдим, мунофиқ ва сотқин Тўхтамишни у аллақачон ўлдирарди. Менга хурмати туфайли қанча сабр этди-я...

– Ҳазрат...

– Менга Тоштугайни олиб келинг!..

Хабарчи изн истамоқчи, яна ҳазратим демоқчи эди, Темурнинг ҳайбатидан ларзага тушиб, сўзи оғзида, жим қолди ва у буйруқ бераркан, секингина ташқарига чиқди.

Темур энди ичкарида бир ёнартоғ мисоли гувуллаб, ҳайбатли овоз чиқарарди, чунки асаби бузилиб, ҳаяжону галаёнда ўрганмоқда эди. У Тўхтамишнинг қайтиб келишини тахмин қилганди, фақат бу ўлка халқининг у золимдан кўрқишини, ваҳимага тушишини хаёлига ҳам келтирмаганди. Шу боис, вазиятдан сабоқ олиб, ўзича шундай аҳду паймон қилиб, қарор

бердики, бундан сўнгра инсоф, авфу марҳамат деган нарсаларни эмас, ёлғиз бир нарсани – адолатни ўйлайди...

Шу пайт ичкарига Тоштуғай кириб келди.

– Ҳазратим, мени чақиртирган экансиз, – деди қўл қовуштириб.

Темур ҳаяжонли товушда:

– Хабаринг борми? Тўхтамининг келаётган эмиш, мен сенга айтган эдим-а... – дея секингина пичирлади.

– Ҳа, ҳазратим, ярали ит бир ерда тинч туролмайди, – деди Тоштуғай. – Аммо бу гал жонимни койитган бошқа бир иш бор. Буни қаранг-а, Тўхтамиш босиб ўтган ерларини ёқиб, бузиб, йиқитгани ҳолда, ҳамма ожизлар унинг қарши-сида бош эгиб туришади!.. Халқнинг бу ишига, мискинлигига, одамзоднинг бу ожизлигига жудаям аччиғим келади!.. Улугим, менимча, ҳар кимнинг, уйгоқ халқнинг фикри – сизга ўхшаб юксак, олийжаноб бўлишдир. Шунга биноан, ўзини ожиз ва бечора билган, марҳамат тилаганлар дунёда кўп эмас. Ўйлашимча, бу инсонларнинг умумий табиатига хос бир нуқсондир...

– Қанақа умумий табиат, Туғай? – дея ҳайрон бўлди Темур. – Бу қандай таъбир? Сенинча, демак, башарият комилан мискинми? Агар у фақат ўзини билиб-ўзини ўйласа, мафқурасини бирлик фикри билан ҳаракатга келтирмаса, душманга қарши бирлашиб, уни йўқотиш йўлида иттифоқ тузмаса, у ўз келажагини сақлаб қололмайди-ку ахир?.. Яъни, кўп замонларда бўлганидек, ўз яқинлари, ака-укаси унинг қонини сўради, ўз қариндошларию сафдошлари уни маҳв эгиб, ер билан яксон қилади!..

– Тўппа-тўғри, арслон хоқоним! – дея Тоштуғай Темурнинг оташин сўзларини ҳаяжон билан қувватлади. – Фақат мана шу фикрларни, бу энг керакли мафқурани авому оммага қандай тушунтириш лозим...

– Ишнинг бу томони ҳам бор... – деди ўйланқираб Темур. – Ҳа, бу ишнинг осон йўлини топгандайман...

– Қандай экан...

– Менимча, қай ўлкани фатҳ этсам, у ерда бир ғолибият достони, маҳобатли бир обида барпо этмоқ даркор. Дейликки, ёвлардан минг киши маҳв этилса, юз минг қирилди, дея овоза ва миш-миш чиқариб, одамзодни қўрқитмоқ, ана шу

йўл билан халқни ўзига келтириб, эсанкиратиб, сўнгра эсини йиғишга мажбур қилмоқ...

– Ўшанда балки...

– Хўш, нима дейсан? Йў-ўқ, бунақаси кетмайди. Мен ана шундай ёлғон билан жаҳонга кўрқув солсам...

– Инсоният барибир кўзини очмайди, аммо тиланиб-эла-ниб келиб, гадойдай бўйин эгишади!..

– Ў-ў, жуда топиб айтдинг-да...

– Бу ишлардан мақсадингиз не ўзи, тушунмаяпман...

– Натижада...

– Ниманинг натижасида?

– Ахир бир душман менга енгилиб, бўйинсунгандан кейин, уни ёнимга олиб, вазифа бериб, истаган ишимни амалга оширишга мажбур эгаман ва охирида...

– Аммо душманни бу тушунча ва ҳолатга қандай қилиб олиб келасиз?

– Уни ҳеч зўрламайман, ёнимда бирга юрганидан кейин, мен билан бир ишни қила бошлагач, менга ўхшаб фикр юритади-да. Ана шу тарзда душманни мендай ўйлашга ўргатаман...

– Ишқилиб, Аллоҳ муваффақ айласин. Аммо у холда сизга қарши чиққан бошқа ёвларга ҳам индамасдан, юмшоқ муомала кўрсатиш мажбурияти ҳосил бўлади-ку?

– Йўқ, мен ёвларга шафқат қилмайман! Мен ўз ишларим билан дунёга, афкори умумияга дарс бериб, башарият ичидан кеккайиб чиққан турли бебош қўмондону султонларга ўз ҳақдини билдириб қўймоқчиман, холос. Токи улар ҳам мендай бўлишсин!..

– Агар бу ишларга муваффақ бўла олсангиз...

– Юмшоқ юраклик ва афв қилиш ҳисларимни қалбимда сақлаб, ичимда йиғлаб, кўзёшларимни кимсага кўрсатмай юрсам, гоя йўлида тинимсиз интилсам, албатта, бунга эришаман!

– Бундан бош мақсадингиз нима, ҳазрат?

– Эл аро иттифоқ ва бирликни вужудга келтириш.

– Кимга қарши?

– Дин душманларига қарши.

– Бу иттифоқ кимлардан иборат бўлади?

– Турклардан, яъни барча туркийлардан!..

Тўхтамиш бир замонлар Мовароуннахр халқи орасида турк қавмларининг бирдан бир қаҳрамони сифатида танилган эди. Темур буни яхши билар, уни ўз йўлидаги асосий таҳлика деб ҳисоблагани учунми, ҳамма нарсани бир ёнга йиғиштириб, фақат Тўхтамишга дарс бериб қўймоққа қарор берганди. Ҳа, у ўзига моне кучни, яққол кўриниб турган балони йўқ қилишга аҳд этганди.

Унинг келажакка боғлиқ юксак ва буюк тасаввурлари, режалари, бажаражак буюк амаллари бор. Уларга эришмоқ, олий орзуларига қовушмоқ, аскарлик шарафини туйиш, галаба завқини тотиш лозимгина эмас, балки шарт эди. Очкўз ва нонкўр Тўхтамиш Темурнинг ёрдаму лутфларига жавобан гоят саркашлик ва куфрони неъмат ишлар кўрсатди, бунинг учун уни жазолаш, ҳаддини билдириб қўйиш бир томон, аммо бундан-да муҳими, ўз амри остидаги халқни келгиндилар зулмидан қутқозиш, уларнинг интиқомини олиш, хусусан, Тоштуғайнинг отаси, кекса вазирнинг ҳам ўчини олиб, арвоқини шод этиш айни фарз эди...

Шундай даҳшатангиз бир балонинг чорасини ҳозирданок кўриш, уни маҳв этиш – Қипчоқ юртидаги иккиюзли, жоҳил динсизларнинг исломият ва шариат олдидаги мағлубияти демак эди. Шуни билатуриб, унга қарши курашмаса, уни йўқотмаса, бу катта нуқсон Темур тиклаётган, шариат анъаналари ила мустаҳкамланаётган бир давлатнинг йиқилишига ҳам олиб бориши мумкин эди. Зотан, бутун фаолиятида ўзининг туркий жанговарлигига ва исломиятга суянган Темур буни яхши биларди.

Хуллас, бу галги хужум даҳшатлироқ ва ваҳшатлироқ бўлиши кўриниб турарди.

Темур алалажала, яшин тезлигида чопқинга тайёрланди. Сўнгра амри остидаги қўшин билан дарҳол йўлга чиқди. Бу черик тўпи шундайин учиб борардики, жанговар карвон оёқлари остидаги улкан замин гўё кичрайиб қолгандай туюларди...

Темур тахтиравонда ўтирганича ёнидаги Тоштуғай билан суҳбатлашиб борарди.

– Бу сафарги зарбимиз ўта даҳшатли ва шиддатли бўлади!

- Иншооллох, хоқоним!
- Қалай, энди интиқомдан умидвормисан, Туғай?
- Хоқоним менга доим сабр қил дедилар-ку...
- Ҳа-а...
- Унинг учун сабр қилмоқдаман.
- Балли, сабр этиш ва натижани кўриш лозим. Фақат олдин менинг сўзларимни диққат билан тингла.
- Жон қулоғим билан эшитаман, ҳазрат...
- Бу гал уларни тумтарақай қилиб қочирамиз ва эзиб ташлаймиз!
- Хон яна қочиб қолса-я...
- Сен қувасан.
- Хўп бўлади, раҳмат... – дея Тоштуғай ўч олишга рухсат текканидан миннатдорлик билдирди.
- Бир бўлик сенга қувишда ёрдам беради.
- Хоқоним, изнингиз билан, у бўликни бошқа кишининг измига берсангиз, мен бир ўзим қувиб, отам интиқомини ўзим олсам дегандим...
- Бўлади. Аммо нечун кўмакчи бўликни истамаяпсан?
- Чунки қўл остимдагилар бирор ножўя иш қилиб қўйиши ҳам мумкин-да.
- Йўғ-э...
- Ёки орзунгизга хилофан, аскарларни бошқа томонга жўнатиб юбориш зарурати туғилиб қолар...
- Балки.
- Ва ёким, ихтиёримдаги лашкар менинг фикримга тескари ҳаракат қилиб қўйиш аҳтимоли ҳам бор.
- Кўнглинг тўқ бўлсин, Туғай. Ҳеч бир амрингга монелик қилишмайди, фикрингга қарши чиқишмайди.
- Тўғри, тақсир, монелик қилишмаса-да, монеликка сабаб бўлиб қоладилар-да...
- Бор гапинг шуми?
- Ҳа, тақсир. Хуллас, ёнимдаги аскарлар душманимдан ўз истаганимдай ўч олишимга халақит беришади.
- Хўп, Тоштуғай, айтганингдай бўлсин. Аммо унинг калласини менга олиб келасан.
- Бўпти! Каллани олдин Ўрус ҳазратларига олиб бормоқчи эдим, аммо энди сизга олиб келишга сўз бераман.
- Сўз ва аҳдингда турарсан деган умиддаман...

Шу пайт бир чопар тахтиравонга яқинлашиб, Темурга қарата:

– Тўхтамиш икки соатлик бир ерда экан, – деди.

Бу хабардан сўнгра Темур амирлар ва бекларни чақириб, маслаҳатлашди ва шундай амр берди:

– Қўшин шу ерда тўхтаб, бир муддат тин олсин. Ёв томонга кузатувчилар, кўзчилар юборилсин. Улар атрофни текшириб, вазият хусусида хабар жўнатиб туришсин!..

Темурнинг тўрт тиргакли чодиридан ташқари йўл учун тайёрланган бир устунли, мухташам куббали чодир и ҳам бор эди. Барча чодирлар қурилди. Темур бекларни ўз чодирига даъват этди.

– Бироз муддатдан сўнгра урушни бошлаймиз, – деди у. – Тўхтамишни танийсизларми?

– Йўқ, тақсир... – деган овозлар таралди.

Дарҳақиқат, умаро ва юксак мансабли беклар ҳам Тўхтамиш ҳақида эшитишган бўлса-да, ўзини кўришмаган, танишмас эди.

– Наҳотки ичларингда бирорта ҳам уни танийдиган одам йўқ?..

– Тақсир, қулингиз... – деди беклардан бирининг ёш хизматчиси, Ҳазар Қоя деган йигит.

Темур унга:

– Унда сени Тўхтамишни қувлайдиган бўликка қўмондон этиб тайинлайман. Уни қувиб бориб тутасан! Агар бирор дақиқа унинг ортидан айрилсанг, ўзинг биласан! – деди.

Баъзи вакиллар ва бекларга қўл ишорати билан таъкидлаб:

– Сен ўнг томонни, сен эса сўл тарафни бошқариб борасан! – дея буюрди. – Мен марказда бўламан.

Шу чоғ ташқаридан, бир чопар келди, дея хабар беришди.

– Кирсин! – деди Темур.

Ичкарига олдинги маррани кузатиб-текширувчи кўзчиларнинг бошлиғи кирди.

– Нима гап? – дея сўради Темур ундан.

– Тақсир, Тўхтамиш ҳеч нарсадан хабарсиз, ўрдуси билан шу томонга келмоқда...

Темур шартта ўрнидан турди.



– Қани, юринглар! – дея барчани чорлаганича ташқарига йўналди.

У оқсоқланганича, арслон каби савлат билан чодирдан чиқди. Ёнида турган ўнг қўл қўмондонига қараб:

– Лашкаринга буюр, дарҳол жангга ҳозирлансин! – деди.

– Бош устига! – дея қўмондон чошиб кетди.

Темур олдинда, бошқа улуғ ҳарбийлар унинг ортидан юра бошлашди. У атрофга кўз ташлади. Ўнг томонда улкан бир тепалик бор эди. Тепалик улар турган водийни ой каби ўраб олганди. Тўхтамиш орқадан келиб, ўша ерда дам олишга мажбур эди. Темур шуларни ўйларкан, Тоштуғайга қарата:

– Сен анави, ўнгдаги тепа устида қувувчи аскарлар билан бирга пистирмада кутиб ёт! – дея буюрди. – Керак пайтда довулдай қўзғолиб, ўзингни кўрсатишга ғайрат қил!

– Бош устига! – деди Тоштуғай ва буйрукни бажаришга шошди.

Темур сўл тарафдаги қўмондонга бурилиб:

– Сен шу чап ёнбағирдаги дарахтлар орасига беркин, қалқон бўласанлар! – деди.

Ўша пайтда ўнг қўл қўмондони шошганича қайтиб келди.

– Лашкар урушга шай! – деди.

– Яхши, – деди Темур хотиржам товушда. – Сен ҳам аскаринг билан анави ўнг ёндаги дарахтзорга кириб ол! – дея буюрди унга. – Қани, ҳамма ўз ишини бажаришга отилсин!..

Шу ондан бошлаб ҳар ким енгил ва чаққон ҳаракатлар билан ўз бурчини уддалашга киришди.

Ҳайбатли арслон амиру умароси билан қўшиннинг жанг олдидаги ҳолатини кўздан кечириб чиқди. Бир соат мобайнида барча аскар буюрилган нуқталарга жойлашди. Кўринишда Темурнинг марказдаги лашкари кўзга ташланарди, холос. Улар ҳам бироз олдинга силжиб, ойсимон тепанинг ўнг учидан бурилгач, бир қисми паналикда ғойиб бўлди...

Шу аснода душманлар ҳам кўриниб қолди.

Тўхтамиш энг орқада келарди. Бир тўда қароқчилар гуруҳи алоҳида, илдам ҳаракат қилаётгани кўзга ташланмоқда...

Қипчоқ лашкари ёнбағирнинг ўртасига етиб келди. Бу пайтда Темур қўшини билан уларни орқадан ўраб олган эди. Бирдан марказ лашкар орасидан таралган карнай-сурнайнинг жанговар товуши еру кўкка, юракларга жўштирувчи ларза

солди. Шу чоғда Темурнинг ўнг ва сўлдаги аскарлари яшин тезлигида ҳаракатга киришди.

Тўхтамиш ваҳимали овозларни эшитиб, шошилиб қолди, таҳликанинг не қадарлигини чамалай олмасдан, бироз саросимага тушди. Атрофга кўз югуртираркан, ўраб олинганини англади. Тўсатдан пиёдалар ҳужумга ўтди. Темур аскарлари марказдан, ўнгу сўлдан зарба бермоқда эди...

Шу пайт Тоштуғай ўнгдаги тепадан ўз бўлиги билан отилиб чиқди, урушаётган икки қўшин орасига ёриб кириб, Тўхтамишга яқинлашиш, уни қўлга олиш тараддудига тушди.

Ҳар икки тарафдан таралаётган уруш садолари шиддатланиб борарди. Тўхтамиш қўшини пастдаги пистирма йўлдан қочишга уринар, аммо яна Темур аскарларига дуч келиб, талмовсираган ҳолда маҳв бўлмоқда эди. Тўхтамиш ишлар орқага кетганини фаҳмлади ва қаватидаги ёварлари билан биргалашиб қочмоққа тутинди, ўзини очиқ ёнга урди. Юз кишидан элликтачасини қурбон бериб, кейин, ух, қутулдим, дея умидланиб қочаркан, нариги томондаги аскарлари ўлим-лапанжалашиб, қон тўкмоқда эди.

Тоштуғай пистирмада ётган жойдан ярим соатлик масофадаги бир ердан ўтиб бораркан, Тўхтамиш орқадан келган бир дағдағали товушни туйди:

– Қаерга қочсанг-да, ўлим сени топади!..

Тўхтамиш от жиловини сал тортиб, илкис ортига боқди.

Уни қувиб келаётган Ҳазар Қоя гуруҳи бир зумда кўринмай қолди. Шу аснода Тоштуғай ҳам ёв изига тушиб, кўзлардан ғойиб бўлди...

Таъқиб бўлинмаси ҳужум қилмаса-да, Тўхтамиш жон кўрқувсида отини кичаганича қушдай учиб борар, уфқда бир нуқтадай кўзга чалинар эди. Аммо унинг орқасидан изма-из қувлаб бораётган, нуқта мисоли кўринаётган яна бир киши ҳам бор эди. Хизир Қоя бўлиги-да бор кучини ишга солиб, олисдаги ўша икки кишини кўзлаб от чоптиришмоқда...

Бериги тарафда эса уруш давом этмоқда, жон бозори қизигандан-қизиб ётар эди. Тўхтамиш лашкари қўмондоннинг қочганини сезиб, умидсиз талвасада қолди ва айримлар қиличларини ерга ташлади... Ана шунда орқадан бир қаҳрли овоз эшитилди:

– Ур! Ур-а!

Темурнинг бу буйруғи аскарларни янада жўштириб юборди ва улар ёвни шафқатсизларча маҳв этишга киришдилар. Тўхтамиш чериги кочишга тутинди. Ёғий Сибиргача қувиб-қириб борилди, охирида биттаям аскар қолмади.

Темурнинг қўшини зафар қозонди. У музаффар лашкарни кўздан кечираркан, кимлар омон қолиб-қолмаганини аниқлаш мақсадида йўқлама бошлади.

– Ўнг ва сўл қўл аскарлари ҳамда қўмондонлари...

Сўл қўл лашкарининг қўмондони чопиб олдинга чикди.

– Соғ қўл қўмондони шаҳид тушди, – деди.

– Унда сен, сўл қўл қўмондони, аскарга буюр, тин олсин!

– Бош устига, хоқоним!

– Дарров чодирлар қурилсин... Хўш, қувгувчи гурухдан қандай хабар бор?

– Хоқоним, ҳозирча ҳеч бир дарак йўқ.

– Майли. Чодирлар тикилсин! Қувгувчи бўликнинг қайтишини кутамиз. Барча лашкарнинг истироҳати таъминлансин!

Темур буйруқ бериб бўлгач, кўзларини уфққа қадади. Беғубор, ўткир нигоҳи у томондаги бир нуқтага тақалди ва ёнидагиларга:

– Қаранг, биров келмоқда, – деди.

Ҳамма ўша тарафга қаради.

– Тўғри, кимдир келяпти... – дедилар.

\* \* \*

Шундай қилиб, бериги тарафда Тоштуғай таъқиб қўли, яъни қувувчи аскар бўлигидан ажралиб, тўсатдан ғойиб бўлганди. Таъқиб қўли уфқда элас-элас кўзга чалинаётган икки нуқта ортидан қувлаб борарди. Илгаридаги отлиқлардан бири Тўхтамиш, бири Тоштуғай эди.

Роса қувлашди, роса чопишди. От кучи қанчалик бўлса, ўшанга муносиб учишди, аммо охири отлари шу ҳолга келдики, бечора жониворлар гоҳ мункиб кетар, гоҳ мажолсиз оёқ тираб, таққа тўхтаб қоларди.

Ниҳоят, батамом ҳолдан тойдилар. Тоштуғай учун Тўхтамишни тутадиган вазият юзага келди. У белидаги камандни ечиб, олдинда қочмоққа тиришаётган Тўхтамишга

отди ва уни банди этиб, ўзига қараб тортди. Шу ҳолда ҳам учарга шай от узангилари Тўхтамишнинг оёқларидан чорасиз айрилди. Орқадан келган Тоштуғай отини қичаб, рақиб уловининг ёлидан тутиб тўхтатди. Тўхтамиш тугаб-битганди.

Тоштуғай отидан тушиб, Тўхтамишни даст кўтариб, уловдан индирди ва ерга ётқизиб қўйди. Ёнидаги тери сувдонини очиб, душманининг оғзига сув томизди. Бироз кутди. Сал ўзига келган Тўхтамиш сапчиб ўрнидан турди ва қиличини яланғочлаб, унга ташланди. Тоштуғай ҳам онда қиличини суғуриб, у билан олиша кетди. Олишув қизигандан қизиди. Тоштуғай бир-икки ҳамладаёқ Тўхтамишни ўлдириши мумкин эди, аммо ўчини секин-секин олиб, узоқ кутилган иштиқом лаззатини симирмоқ истарди. Бирдан унинг кўзлари Тўхтамиш бўйнидаги каманд боғларига қадалди ва жуда усталлик билан бир силтаб, рақибини ортга тисарилишга мажбур этди. Энди мақсадга етгандек эди. Чунки ортига тистирилган Тўхтамиш бўйнидаги ипнинг бир учи Тоштуғайнинг оёқлари остида қолганди. Каманд богини босиб турган Тоштуғай қарнисидаги Тўхтамиш мувозанатини йўқотиб, ерга юмалаб тушди.

– Ҳайҳот, ўлдим энди! – дея умидсиз бақирди Тўхтамиш.

– Э, нега ўласан? – деди таҳқиромуз оҳангда Тоштуғай.

– Мағлуб бўлдим...

– Ҳар мағлубият ўлим билан жазоланмайди...

– Билмадим...

– Нега билмайсан? Қани, бир гаплашайлик-чи, билиб оларсан...

Тоштуғай душманини каманд ипи билан чирмаб боғлагач, унинг қоқ рўпарасига ўтирди. Узоқларга бир кўз отди, уфқда ҳалиям ҳеч ким кўринмасди.

– Сени ҳозирнинг ўзидаёқ ўлдиришим ёки тириклайин кўмиб ташлашим мумкин, – деди Тоштуғай.

– Қўлингдан келганини қил...

– Менга айтадиган сўнгги сўзинг борми?

– Мендан не истайсан ўзи? Қанча ақча керак?

– Қанча берасан?

– Хоҳлаганингча...

– Хўп, белингда қанча ақча бўлса, барини менга топшириб, яна шунча бераман, дея ваъда этсанг, қўйиб юбораман...

- Хўп, сен айтгандай бўлсин! Аммо мени қаердан топасан-у ақчани қандай оласан?
- Уни менга қўйиб бер, қандай бўлмасин ҳаққимни оламан!
- Қандай қилиб?..
- Бу жуда осон. Чунки сен қайда бўлсанг, мен ҳам ўша ерда бўламан-да...
- Бу мумкин эмас. Чунки сени Темур кидиртиради, қайда эканлигингни эшитиб, иккимизнинг бир ерда эканлигимизни билиб қолса, иковимизни ҳам...
- Мени Темур танайди-ку!
- И-е, шундайми? Сен Темурнинг аскари эмасмисан?
- Йўқ.
- Унда... кимга тобесан? Кимнинг аскарисан?
- Тўхтамишнинг!
- А-а! Мен Тўхтамишман-ку!?
- Йўқ, мен сени танайман. Сен Тўхтамиш эмассан, Темурсан! Тўхтамиш ҳозир жангда... Сен Темурсан, Тўхтамишдан қочиб юрибсан...
- Асло ундай эмас!..
- Ҳа, айтгандай... Ҳа, сен ё Ўрус устига очқўзларча юриш қилган Тўхтамишмисан? Шундайми?
- Ҳа...
- Ўша кекса вазирини ўлдирган Тўхтамиш, а?
- Аммо у...
- Нима аммо?!
- Ҳозир у нарсаларни эшладан не фойда бор ахир?..
- Ўзимча эслаб қолдим-да... Қани, ростини айт-чи, ўша кекса вазирни сен нега ўлдирдинг?
- Билмадим...
- Унда... мен ҳам сени ўлдираман!
- Нега ахир?
- Неғалигини билиб оласан! Сен мени ақча билан алдамоқчисан-да, а? Мени пасткаш бир манфаатпараст деб ўйладингми? Билиб қўй: мен – сен ўлдирган ўша кекса вазирнинг ўғли Тоштуғайман!..
- Аломон!.. Мени кечир...
- Кечирмоқ йўқ! Юр-чи, қани...
- Не қиласан?

– Жонингни менга таслим эт!..

Тоштуғай ёнидаги тўрвани очиб, ундан бир дона нонни олди, сувдонини ҳам очди.

– Ёт! – деди унга нафрат билан. – Сенга бу охирги зиёфат: нон, сув. Истагим шуки, буни ётган ерингда ейсан! Лукмалар ҳалқумингдан ўтадим, кўрай-чи?..

– Аллоҳ ризоси учун...

– Тек тур, ит! Тилингни тий, сен Аллоҳни танимайсан!..

Тоштуғай Темурнинг ҳузурда исломни қабул қилган, тўғри ва одил йигит эди. Тўхтамиш луқмани секин-секин еркан, вақтдан ютиб, балки кутулиб кетарман, деган умидда Тоштуғайга боқди. Бироқ унинг интиқом тўла кўзида ўз ажалини кўрди, барча умид фойдасизлигини англади ва тақдирга тан бериб, жимгина чўзилди. Шу пайт Тоштуғай бир сакраб Тўхтамишнинг кўксига минди, тўсатдан рақибининг қўлидаги ханжарни кўриб қолди. Бир ҳамлада қуролни тортиб олди ва белидаги арқонни ечиб, уни яхшилаб ўраб-чирмаб боглаб, ўликдай қилиб яна ерга ётқизиб қўйди. Ҳалиги ханжар билан Тўхтамишнинг оғзини йириб очиб, олдиндан тайёрланган нон бўлагини тикди. Тўхтамишнинг оғзи нонга тўлиб, ёпилмай қолди. Тоштуғай бир қўли билан унинг бошини бостириб, нариги қўли билан сувдондаги сувни нон устига тўкди. Нон Тўхтамишнинг оғзида шиша бошларкан, Тоштуғай ўрнидан турди.

Шу пайт қувувчилар қисми бу ерга етиб келди. Тўхтамиш нафас ололмай жон ҳалпида талпинар, тинимсиз ҳиқ-ҳиқлар эди...





## XXII. ҚИПЧОҚ САФАРИНИНГ СЎНГИ

Темурнинг кўзига уфқда кўринган қора қувувчи бўликнинг унга юборилган чопари эди. У икки соат от чоптириб, ҳукмдорнинг ҳузурига етиб келди.

– Нима гап? – дея сўради ундан Темур.

– Хоқоним, Туман яқинларига етиб борилди, Тўхтамиш қўлга олиниб, ўлдирилди, – деди хабарчи.

– Ҳа, балодан қутулибмиз. Тоштуғай қани?

– Лашкар билан бирга келмоқда.

– Жуда соз, – деди Темур. Сўнгра ёнидагиларга қарорини билдирди: – Бу оқшом шу ерда қоламиз.

Кечаси таъқиб қисми билан бирга Тоштуғай ҳам қайтиб келди.

Эртасига юртга қайтиш бошланди.

Бу урушда, аслида, унчалик катта зарару зиён кўрилмади. Сўғиш натижасида Қипчоқ минтақасининг бир тарафи, ўша даврда янгигина ўсаётган руслар ўлкаси улкан Чин ва Мовароуннаҳр мамлакатлари ўртасида яққаланиб, ночор ҳолатга тушиб қолди.

Қўшин қайтди.

Ноғора ва карнай-сурнай овози авжланди. Темур тахтиравонида ҳайбат тўкиб ўтирарди, орқадан эса саф-саф лашкар келмоқда. Шу аснода Тоштуғай Темурнинг тахтиравонига ёношиб келди ва:

– Хоқоним, сизга бир совға бор, – деди.

– Қанақа совға?

– Кўрсатайинми, ҳазрат?

– Қани...

– Мана, хоқоним... – дея Тоштуғай қўлидаги ўроғлик нарсани унга пешкаш этди.

Темур совғани очиб кўриб, хотиржам жилмайиб қўйди.

– Кўп яхши! – деди. Сўнгра буюрди: – Ўрду тўхтасин!

Хоқоннинг амри дархол қўшин бўйлаб тарқалди ва барча тўхтади.

– Каллани найза учига боғлаб, Тоштугайнинг қўлига беринглар! – дея буюрди Темур.

Буйруқ бажарилди.

Қўшин қўниб ўтган хар юртда халқ Тўхтамишнинг аҳволини кўрар, хайрат қилар ва ибрат олар эди. Музаффар черик бир шаҳардан ўтиб кетаётганда, оломон орасидаги бир бола онасига:

– Онажон, қўрқиб кетяпман... – деди.

– Қўрқма, болам, – деди она. – Қўрқмаки, Тўхтамиш каби золимлар қўлидан қутулишнинг йўли шу! Шундай бўлиши керак...

Темурнинг фалсафасидаги ҳикмат ўша онанинг ана шу бир оғиз сўзида ўз ифодасини топганди.

Лашкар йўлида давом этмоқда. Қипчоқ сафари ана шундай яқунланган эди. Темур бу ҳақда ўйларкан, чуқур нафас олди. Зотан, у бўлажак катта юриш олдидан бирозгина тин олмоқ учун фурсат ҳам қозонган эди...







## XXIII. ЭРОНЛИК ТЕМИРЧИНИНГ ФИТНАСИ ВА ТЕМУР ҚЎШИННИНГ МАҒЛУБИЯТИ

Темур ҳокимиятини янада мустаҳкамлаш, салтанатини тагин ҳам кенгайтириш, келажакни яна ҳам порлоқ қилиш мақсадида барча фидокорликларга бош урар, керакли сиёсий ўйинлар ва ҳарбий ҳийлалар режасини тузар, уларни амалга ошириш ва истиқболда ҳар томонлама кучли давлат куриш учун ғайрат кўрсатар эди.

Муваффақият ва зафар қозониш йўлидаги маълум тажрибалар ва ҳарбий ҳийлаларнинг деярли барчасидан Темур унумли фойдаланган эди.

Бу ҳийлаларнинг энг оддийлари, ҳатто жудаям осондай туюладиганлари ҳам бор эди, фақат у сиртдан шунақа кўринарди, унинг асл маъно-моҳиятига содда кишиларнинг ўлсаям ақли етмасди.

Масалан, Темур тасарруфига киритмоқ истаган мамлакатнинг ҳукмдорига хабар юбориб, уни ўз тахти ҳимояи ҳоқониясига олмоқ ниятида эканини билдириши етиб ортарди. Кўпинча бундаин таклифни жон-жон деб қабул қилишарди. Ҳатто баъзида қарши томоннинг ўзидан шунақа илтимосу талаб билдирилар эди. Қўшни ўлканинг ҳукмдори ёки Темурдан кучсиз ва ундан кўрққан ҳокимлар ҳам тўғридан-тўғри унга мурожаат этиб, ундан тахти ҳимоясига олишини сўрар эди.

Ана шунақа ҳийла ва мажбуриятларни ижоду ихтиро қилиш ва бу восита билан ҳокимиятини кенгайтириш сиёсати Темурнинг доимо шуғулланиб келаётган муҳим ишларидан ҳисобланарди...

Дейликки, у бир юртни қўлга олишни ният қилса, режасига мос келса, унинг ҳукмдорини қариндош бўлишга даъват этарди. Бу энг оддий сиёсий тутум унинг учун ўйинчоқдай бир гап эди. Темурнинг бу одатини билган айрим кичикроқ

ўлка бошчилари ўзлари ташаббус кўрсатиб, қариндошлик таклифи билан унга бош уриб келишарди.

Элхонлар сулоласига мансуб Озарбайжоннинг сўнгги ҳукмдори ҳам ана шу усулни қўллаб, қизини Темурнинг невараси Пирмуҳаммадга никоҳлатиб бергач, тахтни мустаҳкам эгаллаб олди. Шундай қилиб, қадимдан тили ва эли турк бўлган Озарбайжон Темурнинг салтанатига боғланди.

Ўша воқеалардан кейин Темур белужлар ва афғонлар юртини ҳам эгаллаганди.

Энди жаҳонгир қаршисида фатҳ этилмаган биргина Эрон қолганди, аммо эронликлар унга қарши қатъий оёқ тираб туришарди. Темур эса ўзини уларнинг қаршилигини гўё кўрмаётгандай бепарво тутар, аслида қулай фурсатни кутмоқда эди.

Эрон сафарига боғлиқ зимдан тузаётган режа ва хийлалари иш бермаётганидан Темур бадтар ғазабланиб, охири тоқати тоқ бўлди. Бир куни кенгашчиларини тўплаб, маслаҳатлашиб, ҳарбий сафарбарлик эълон этди.

Бу гап омма ва қўшин орасига дарҳол ёйилди.

– Темур хоқонимиз сафар учун буйруқ бердилар! – хурсанд кичкирди бир аскар.

– Ҳа, шунақа. Яна йўлга чиқамиз, – деди унинг сафдоши.

– Қаёққа?

– Кўрамиз-да.

Шунда учинчи аскар билагонларча уларнинг суҳбатига қўшилди:

– Қаёққа бўларди, Эронга-да!

– Эронгами? Эронда нима бор?

– Э, нима бўларди, зафар бор, зафар!.. – деди аскар мағрур товушда.

– Яшасин, зафар! Яшасин, зафар!.. – деган хитоблар янгради.

Темурнинг қарамоғидагилар ҳам ўзига ўхшаган, уруш ва зафардан қувонадиган кишилар эканлиги сўзларидан билиниб турарди. Аммо вазиятга бошқа томондан назар ташланса, ўзгача ишларнинг амалга ошаётганини кўриш мумкин эди.

Темур бир ёнидан жой олган Ўлжой Турканга, нарироқда ўтирган Тоштуғайга бир-бир қараб қўйиб:

– Ўлжой, – деди. – Мана, сенга бир қариндошки, ҳар-ҳолда, у сенга ўз туғишганидан ҳам фойдалироқ бўлишига ҳеч шубҳам йўқ.

– Шунча лутфу илтифотингиз ёнида яна менга шундай яхши қариндош топганингиз учун жудаям миннатдорман, – деди Ўлжой Туркан.

– Биз ҳозир Тоштуғой билан музокара қиладиган масала-миз анави Ўғуз Арслонга боғлиқ ишдир, – деди Темур. – У мухтарам қариямиз вафот этганидан сўнгра, сен ҳам биласанки, қотилларнинг изини кўздан қочирдик... Шу вазиятдан келиб чиқиб, фикримча, у қадрдонимиз бажарган ишни бошқа бир мухтарам инсонга топширмоғимиз даркор...

Ўлжой Туркан мушфиқ ва итоаткор нигоҳ билан Тоштуғойга бир қараб қўйди.

Шунда Тоштуғой:

– Сизнинг шунчалар катта ишончингизга лойикмасманов... – дея хижолат чекди.

Аммо Темурнинг ҳукмфармо товуши унинг сўзларини босиб кетди:

– Бу хусусда ортиқча тавозега ўрин йўқ! Сенга бўлган ишончу ҳурматнинг ўртадан кўтарилишини истамасанг керак?

– Лаёқатига кўра қилинган бундайин илтифотни рад этмаслар ҳар ҳолда... – деди Ўлжой Туркан.

Шошиб қолган Тоштуғой ҳам:

– Ишончу эътиборинглар учун минг қуллуқ!.. – деди мажбуран ва ҳурматан ерга боқди.

Ана шундан кейин Темур гапнинг индаллосига ўтиб, қалбининг тубида ётган эски ярасини очган ништардек совуқ товушда деди:

– Сиздаги интиқом иллоти, ўч оташи бизда ҳам бор ҳамда сиздагидан кўра шиддатлироқдир. Фақат уни сизга билдирмадим, улардан ўч олишингизни кутиб юрдим... У амалга ошди.

– Тўппа-тўғри, – деди Тоштуғой хоқоннинг сўзини маъқуллаб, – сояйи давлатингизда қотилни маҳв этдим!..

– Яшанг! Мана энди қасос олиш навбати бизга келди, – деди Темур салмоқлаб. – Аслида бу ерларнинг эгаси, волийси Қазаған вазир деган отамиз бўлгучи эди...

– Ҳа-ҳа, биламан, Қазаған вазир жуда машҳур зот эдилар, – деди Тоштуғой.

– Ана шу сиз билган машҳур зот, қарангки, ҳозиргина тутинган опангиз Ўлжой хонимнинг оталари эди. Тўйимиздан кейин у кишини душманлари қатл этишганди...

– Ким эди у қотиллар? – сўради Тоштуғой.

– Шошилманг, бироз тўхтаб туринг. Улар тўғри Чигатой хони Туғлуқ Темур ёнига қочдилар. Қолбуки, сўнградан султон отамизнинг ўрнига мени тайинлаб, ўша қотиллар билан бирга эканини билинтириб қўйди... кейин эса Туғлуқ Темур ҳам вафот этди...

– Сўнгра не бўлди...

– Қотиллар изидан Ўғуз Арслон деган эски, содиқ хизматчимни жўнатдим. Ундан келган мактубларга ва кейин биззот ўзидан эшитганимга қараганда, улар Ҳиндистонга қочишган. Тақдир экан, Ўғуз Арслон ҳам қариб, дунёдан ўтиб кетди. Биз ҳам доимо кўнглимизда сақлаганимиз у қасос ўтини вақтинча унутгандек бўлдик...

Йўқ, унутмадик, мавриди келмагани учун, арқонни узун ташлаб қўйдик...

– Ҳозир уларнинг қаердалиги маълумми, хоқоним?

– Ҳиндистонда бўлсалар керак ҳалиям, чунки бошқа ерда беркиниб, сақланишлари қийин, – деди Темур.

Шу чоғ Ўлжой Туркан суҳбатга араллашиб, шундай деди:

– Укам, ҳокимиятга эришгандан бошлаб бош мақсадимиз ёвлардан ўч олиш эди. Аммо тахту шуҳрат инсонга баъзи нарсаларни сал унуттириб қўяркан-да...

Шундай деркан, хафалигини билдирмоқчидай гинали нигоҳ билан Темурга назар ташлади.

Темур унга жавобан:

– Кечирасиз, интиқомни унутганим учун эмас, аксинча, ўч олмоқ ниятида, ёвлардан кучлироқ бўлишга интилиб, қасосни унутгандай кўриндим...

– Энди-чи?

– Мана эндиликда интиқомни унутмаганимни ўз ташаббусим билан исботламоқчиман.

– Раҳмат, – деди Ўлжой хоним.

Темур ўрнидан кўзғолди, ҳамон унинг қаршисида таъзимда тик турган Тоштуғойнинг қўлини бақувват қўллари билан қисиб:

– Энди, азизим, сизнинг Хиндистонга кетмагингизни, у ерда қотилларни топишингизни ва мендан олажак буйруққа кўра ҳаракат қилишингизни талаб этаман! – деди.

– Бош устига, хоқоним! – деди Тоштуғой.

Шунда Ўлжой яна сўзга аралашиб:

– Бизга интиқом олишимиз учун ёрдамчи бўлинг! – деди. Хотинининг бу андишасизлиги Темурнинг жаҳлини чиқарди ва у:

– Сенга мен ёрдамчи бўлгандай! – дея ўшқирди.

Тоштуғой Темурга миннатдорлик билдириб бош эгди, хайрлашиб, чиқиб кетди.

Шундай қилиб, Темур бир томонда Эронга юриш бошлашни, иккинчи тарафда душманлардан ўч олишни ўйламоқда.

Ниҳоят, у қўшинни кўзғотиб, Эронга довулдай ёпирилди. Даҳшат ва шон-шуҳрати яна атрофга ёйилди; қаршисидаги хукмдорлар титраб-қақшади, баъзилари қочиб қолди...

Халқ ичидан чиққан ватанпарварлар эса, уруш ваҳшати олдида ўзларини йўқотмадилар. «Ўлсак, ватан учун ўламиз!» дедилар.

Юрт учун ўлимни шараф деб билган жанговарлар бир темирчи теварагида жипслашдилар. Бу темирчи ўша эски хоин – Зайниддиннинг Темурга ёзган мактубини Туғлуқ Темурга олиб бориб берган сотқин эди.

Зотан, у ўқувчиларга аввалдан таниш, тариқатчиларга аралашиб юрадиган эронлик Хизир эди.

У, аслида, Туғлуқ Темурнинг сардори бўлгани ҳолда, ҳукуматининг ағдарилиши биланоқ Эронга қочган, бу юртда оч қолмаслик учун ёшлигидаги касби темирчилик билан шуғулланиб, бола-чақасини боқиб юрган эди.

Темурнинг ягона душмани бўлган ана шу одам энди бу ердаги маҳаллий оммани тўплаб, катта исён тайёргарлигига киришди.

Авалло у устахонасида анчагина найза ясаттирди. Аммо улар оддий найзадан фарқли, уч бошли найзалар эди. Улар

санчилган жойдан чиқмайдиган шаклда эди, фақат бурабгина тортиб олса бўларди.

Темирчи мана шу қуроллар билан Темурнинг аёвсиз, ёвқур аскарларини маҳв этиш мумкин деб ўйларди.

Темур Эрон юришига буйруқ берди. Бир қўмондонни урушга масъул этиб, ўзи Пирмуҳаммаднинг ёнида қолди.

Темирчининг тайёрлаган исёнчилари кутилмаган бир қаршилик кўрсатди. Темурнинг қўшини гафлатда қолиб, тузоққа тушди. Тор-мор этилган қўшин қўмондонининг кесилган боши Темурга юборилди.

Аскарининг енгилганини Темурга билдиришганда, у ўзини тутолмай қаҳқаҳа отди. Сўнгра ўзига келиб:

- Шу хабар тўғрими? – деди ҳалиям ишонқирамай.
- Тўғри.
- Аскардан қутулганлар борми?
- Ҳеч бир кимса қолмаган...
- Қўмондон-чи?
- Мана...

Хабарчи тўрвадан қўмондоннинг калласини чиқариб, унга кўрсатди. Темур ғоятда мутаассир бўлди.

– Ҳа, шундайми... – деди Темур хафа бўлиб. – Бўлар иш бўпти, майли, бошга тушганни кўз кўради. Фақат гап шундаки, бу мағлублик майдонида турганлар ўз ғолибиятини охиригача муҳофаза эта олурми!?. – деди, унинг товуши қаҳрли, даҳшатли жаранглади. – Энди кўрамиз, нима қиларкинсиз!.. Темурнинг, ҳа-ҳа, бошингиз устига бир балойи самовий каби ёпирилажак Темурнинг офатидан қандай қутула оларкансиз?! Кўрамиз, унинг нафратидан, ўчидан сизларни қайси қалқону совут тўса оларкин!.. – Темурнинг калдиروقдай гулдураган қаҳрли товуши атрофга, юракларга ларза солди. – Ҳа-а, Темур мағлуб, а!? Хўп, яхши. Кўрамиз!.. Бу ғолиб муттаҳам ўша ҳақсиз қозонган ғолиблигини ҳақиқий эгасига қандай топширишини кўрамиз! Темур мағлуб, шундайми? Ҳеч қачон Темур мағлуб бўлмас. Иншооллох, илк жума намозини Карбалода ўқурмиз!..



## XXIV. ҚОТИЛЛАР ЕР ОСТИДА

Тоштуғой Темур ва Ўлжой хонимдан янги вазифа ва топшириқларни олиб, улар билан хайрлашиб чиққандан сўнгра отига минди-да, Ҳиндистон йўлига тушди.

Манзилга етиб келгач, жиноятчи аблахларни сўраб-суриштиришга қулайроқ дея ўйлаб, бир карвонсаройга қўнди; нимагадир кўринишидан шубҳа уйғотадиган бир хонага жойлашди. Бу ердаги оммага араллашиб, турли қаланғи-қасанғилар билан ҳам танишиб, чойхонада қимор ўйнаб, вақт кечира бошлади. Бири билан дўстлашиб, у зот билан кўп бор самимий суҳбатлар қурди, натижада ундан анча-мунча муҳим гапларни билиб олди.

Тоштуғой яшаётган уй пойтахт Деҳлининг энг худо урган, жабру жиноят қайнаган бир мавзесида эди. Бу расволик уясидаги кўплаб қарғалар билан танишиб, улар билан араллашиб кетди. Бир куни ошналарида бири унга:

– Ҳар ҳолда бу ерлик эмассиз, а, – деб қолди. – Тилингиздан қипчоқ туркларидан бўлсангиз керак, деб ўйлайман. Бу ерларда нима қилиб юрибсиз?..

– Э, биродар, аҳволимни билмайсиз-да, – деди Тоштуғой ҳасратли товушда.

– И-е, нима бўлган?

– Бу бошга нималар тушмади-я...

– Э, ҳаётда одам ҳар нарсани кўради... нима бўлган ўзи?

– Шу юрагимга ҳеч нарса сиғмайди, сиқилгани-сиқилган...

Ҳа, қаердан келиб қолганимни жуда тўғри сезибсиз, юртим эса тушиб, кўнглим бузилди... Онадан, отадан айрилиб, сарсону саргашта бўлиб, бошим балода қолди-да...

– Қанақа бало?..

– Қанақа бало бўларди, Темур балоси-да! У юртимизга бостириб киргач, роса қирғин қилди, каттаю кичик барчани аямай бошини олди... Мен қочар эканман, йўлда уч киши-

ни ўлдирдим. Улардан бири Ўғуз Арслон деган бир қария эди, аммо кексалигига қарамай бўридай одамга ташланарди, кўрсангиз ҳайрон қолардингиз...

– Ҳа, нимагадир ўзимам сизни бир кўришдаёқ ёқтириб қолгандим...

– Ёқтирадиган нима ҳам бор, бир бечора ватангадоман-ку ахир...

– Э, унақа деманг, бунақа кулфат ҳар кимнинг бошига тушиши мумкин. Ҳа, анави чол аниқ ўлдими? – деди ошнаси ўсмоқчилаб.

– Қайси чол? – дея Тоштуғой ўзини овсарликка солди.

– Ўғуз Арслон!..

– Э, расво бўлиб ўлди-ку! Менинг қиличим теккан инсон тирик қолмайди!

– Оҳ, оҳ, тилинга шакар! Ўлма! Бер қўлингни, дўстим...

– Ҳали улар кўради мендан! Худо хоҳласа, Темурниям бир ёғлиқ қиламан ўзим!.. – деди Тоштуғой ўчли товушда.

Ошнаси ҳам тўлқинланиб:

– Ўғуз Арслон, Темур мен ва энг яқин дўстларимнинг ҳам ашаддий душманидир! – деди.

– Йўғ-э!.. Душманингиз бўлса улар, бу ерда нима қилиб юрибсизлар? Темурдан қандай интиқом оласиз ахир, унинг учун бундан кетмоқ керак-ку, тўғрими?

– Тўғри, аммо биз уёқларга бормаимиз, чунки Темур орқамиздан одам қўйган, ҳатто шу ердаям жонимиз хатарда...

– Ростдан-а?

– Ҳа. Ўша ҳаммага таниш Ўғуз Арслонни ҳам Темур бу ёққа жўнатганди, у ортимиздан соя каби эргашиб юрди. Яхшики, ўлди, биз ундан кутулдик. Аммо Темурдан ўтган куни Деҳли султони Маҳмуд хоқонга бизни тутишга оид бир талабнома келган деб эшитдик...

– Ё, астаффируллоҳ, бу қандай бало бўлди, а?..

– Э, балонинг ҳам каттаси, расвоси!..

– Султон нима қиларкин энди? – дея ўсмоқчилади Тоштуғой.

– Саройда ҳам бизнинг айрим яқин дўстларимиз бор; масалан, Қоя Алп Деҳли султонининг ёваридир. Хуллас, Темурнинг талабига рад жавоби берилди.

– Офарин! Тўғриси, Султон Маҳмуд жуда зўр одам экан!



- Энди Темур нима қилади дейсиз?
- Эронда мағлуб бўлганмиш, энди ўшалар билан овора.
- Мағлуб этишибдими!?. Ҳа, ажаб бўпти, жазосини тортсин...
- Ҳозир янаям бало ундан узоқ... Кўрасан, бу ёққа келганда, жазосини тортиши аниқ!
- Ҳиндистонга келарканми?
- Ўйлашимча, шундай бўлади.
- Нечун?
- Талаби қабул қилинмагани учун.
- Ҳа-а-а... Интиқом масаласи нима бўлади унда? Агарда мени ҳам ишга аралаштирсангиз, қандай қилиб ўч оламиз?..
- Деҳли шахрининг жанубида, ер остида катта бир ғор бор. Ярми шаҳар ўша ғорнинг устида яшайди, шунақа кенг. Биз ҳозирча ўша ерда баъзи зарур тараддулларни кўряпмиз...
- Қойилман! Нималар қилиняпти, мен ҳам бирор хизматни бажарайин.
- Улкан ишлар қилиняпти! Керакли жойларга ўқ-дориларни кўмиб, шундоққина ўт берса, портлайдиган қилиб кўйилди! Пуф деса, Деҳлининг бир қисми ҳавога учди!..
- Ишқилиб, шундай бўлсин-да... портламай қолса-чи?
- Кўнглингиз тўқ бўлсин. Темур бу ерга келиб, қўшини билан Деҳлидан ўтаётганда, бутун шаҳар портлаб, ҳаммасини ер ютади, бари асфаласофилингга кетади, биз ҳам қутуламыз.
- Тоштугой хаёлан бу даҳшатли манзарани тасаввур этиб, бир муддат ўйга ботди. Сўнгра:
- Бу махфий ишингиздан бошқалар воқиф эмасми? Ғорнинг эшик ё дарвозаси борми? – дея сўради.
- Битта эшиги бор, холос.
- Маҳкамми ишқилиб? Бирор бегона кириб, зарар етказиб ё яширин...
- Барча эҳтиёт чоралар кўрилган, зотан, эшикнинг калити ишончли қўлда, кимса уни очиб, ичкари киролмайди.
- Жуда соз. Ростини айтсам, шу интиқом тадбири менга кўп маъқул ва мувофиқ. Чунки мен бундан анчадан бери ўйлаб юрардим, йиллардир орзу қилардим, – деди Тоштугой ошнасини янада ром этиш мақсадида. – Эҳтимол, сизлар Темурдан шахсан ўч олишни ўйларсиз. Ҳолбуки, мен унинг аскаридан ҳам қасос олмақчиман... Шу боис мен жуда мамнунман.

– Ҳа, демак, бу интиқом тадбири сизга ёқди, а?

– Кўп маъқул! Мени ҳам ўзингизга иттифоқчи этиб, гуруҳингизга қўшсангиз, миннатдор бўлардим.

– Ҳозирча бунинг ҳеч иложи йўқ. Аммо кейинчалик ўйлаб кўрармиз...

– Раҳмат, яхши бўларди...

Икки ошна бир-бирларининг қўлларини сиқишиб, хайрлашдилар.

Ўша оқшом, яъни бу мулоқот юз берган кун, Тоштуғойнинг бу ўлкага келган йилининг сўнгги кечасида у бир мактуб қоралади. Хат шу мазмунда эди:

*«Тақсирим!*

*Амрингизга кўра бу ерга келдим. Уларни топдим.*

*Ҳатто улардан бирининг исми Сулаймон, яна бирининг оти Қоя Алп эканини билдим. Қоя Алп Султон Маҳмуднинг ёвари эмиш...*

*Яна сиза мактуб ёзурман, унда Тоштуғой отимни Кундуз деб битадурман. Тоштуғой Кундуз».*

Зотан, Тоштуғой Сулаймоннинг кимлигини анави қадрдон ошнаси орқали билиб олганди.

Энди унинг кўнгли тўқ. Дорбозларнинг иккитаси эмас, барчаси бир арқонда ўйнай бошлаганди...





## XXV. ЭРОН МУЗАФФАРИЯТИ ВА ҚАСОС

Темур табиати, феълу фитрати ўзига хос инсон эди.

У фақат голибиятни севарди, мағлубиятни ҳечам ёқтирмасди. Фавқулудда қасоскор бўлганидан, агарда енгилб қолса, ўша пайтдан бошлаб зафар қозониш учун кунмакун тинимсиз ҳаракат қилар ва интиқомни бир лаҳзаям унутмасди. Зотан, Тўхтамиш исёнидан кейин Темурнинг қандайин ирода ва идрок билан ўч олгани унинг ҳаёт фалсафасини англашиб турибди.

Шундай қилиб, Эронда бир темирчи зарбасини еган жаҳонгир, албатта, буни бир он ҳам унутмади ва дарҳол бунинг жавобини тайёрлади. Қаҳрамон ўрдусини тўплаб, Эронга бўрондай ёпирилди, душманини ер устидан хас-чўпдай супуриб ташлади, мағлуб темирчининг додига етадиган кимса топилмади...

Шу юриши давомида Темурнинг музаффар кўшини бутун Мардин, Тикрит, Диёрбакр шаҳарларини ҳам забт этди.

Исёнчиларнинг барчасини жазолади, бошларини кестириб, бир ерга тўплаттирди. Авбошлик натижасини кўрсин, ибрат олсин дея оммани ҳам йиғдирди. Бирдан Темурнинг қалдиरोқдай товуши атрофни ларзага солди, у:

– Лаънат сиз каби кучсиз бўла туриб қувватлидай кўринганларга!.. – дея бақирди. – Модомики, мендан голиб келолмас экансиз, нега аллақанча оломонни тўплаб, бош кўтардингиз? Модомики, голиб келмоқчи эдингиз, нега мағлуб бўлдингиз?!

Ў-ўҳ, инсон!.. Одамзод!..

Аминманки, ўлгунига қадар башариятнинг жасадларидан қурилган иморату кошоналардан қутула олмас!.. Буни мен қилдимми, сиз қилдингизми?.. Бу бинони мен қурдим. Сиз қурдирдингиз. Шундай қилишимга сиз сабаб бўлдингиз. Мен-

га қаршилиқ кўрсатолмадингиз, тўплана олмадингиз, иттифоқ бўлолмадингиз. Мана, оқибатда мен сизни ҳам ерга тенг қилдим! Гуноҳ менда эмас. Чунки одамга ўхшаб майдонга тушсайдингиз, мағлуб бўлмасайдингиз, бошингизга бу фалокатлар ёғмасди. Мени шу ерларга келтирган, шу ҳолга солган сиз, сиз, сиз!..

Темур бу мудҳиш, қонли, фоже ҳолдан ниҳоятда мутасир бўлиб, анча жим қолди. Сўнгра қўмондонларига шундай фармон берди:

– Қўшин сафарга ҳозирлансун!

– Бош устига! – дея таъзим этди қўмондонлар.

– Карбалода барча одамлар Хусайнга қандай мотам тутган бўлса, мен бу кун бутун башариятнинг мотамини, мотам маросимини ижро эттираман...

Темур ёнидаги аҳли уламнинг насиҳату маслаҳатига доим қулоқ тутарди. Зотан, улар унга халифа деб мурожаат этар, Темур ҳам ўзини халифадай тутар, уламо сўзидан чиқмас эди.

Алалхусус, бу интиқом сафарини ҳам уламнинг таъвиқоти ва фатвоси билан амалга оширганди.

Темур қўшинидаги барча жанговарлар, маошли бўлуклар – ҳаммаси урушда фавқулодда қаҳрамонликлар кўрсатган, музаффарият нашъаси-ла масту масрур эдилар.

Ҳақиқатан ҳам, Мовароуннаҳрдан чиққан бу туронлик ҳукмдорнинг Эрондаги ғалабаси кўзларни қамаштирар даражада порлоқ эди.

Бутун ўрду бир ерга тўпланди.

Темурнинг амрига кўра, икки киши-икки киши бўлиб сафга тизилганча. Карбало зиёратини бошладилар. Ниҳоятда улкан ҳалқа ҳосил этилганди. Темур ўртада бормоқда. Хусайннинг шаҳидгоҳига яқинлашилган сайин ҳалқанинг олди тобора очилиб, Темурнинг илгариди ҳаракат қилишига имкон яратилмоқда. Бир пайт, Темур шаҳидгоҳга одим отиб, энди тавоф расмига киришаман деганда, қаршисида номаълум бир кимса пайдо бўлиб, оёғининг остига ётиб олди.

– Не тиларсен? – сўради Темур. Сўнгра унинг бошидан тутиб: – Тур ўрнингдан! – дея буюрди.

Кимса қаршисида тиклангач, унинг башарасини кўрибок:

– Тез сўйла! – дея ўшқирди.

Одамнинг афт-ангори таниб бўлмас ҳолда кир-чир, чанг-тупроққа беланган эди. Индамай турганини кўриб, Темур яна сўзини такрорлади. Шунда у мутеларча:

- Афвингизни тилайман... - деди.
- Нима қилдингки афвимга эҳтиёж туйдинг?!
- Афвингизга муҳтожман...
- Уруш тугади-ку.
- Сиздан қўрқаман...
- Бунга ҳожат йўқ.
- Бор, зоти олийлари, бор... Кимлигимни билсайдингиз...
- Хўш, кимсан?
- Бир гуноҳқорман...
- Қанақа гуноҳқор?

Бутун йиғилган халқнинг, аскарларнинг кўзи Темур ва бу кимсага тикилган, гарчанд ўртадаги гап-сўзни яхши эшитмасалар-да, уларнинг ҳаракатини жимгина кузатиб туришарди.

- Ҳазратим, кечирдим денг...

- Хўп, кечирдим, - деди Темур. Шу заҳотиёқ ҳалиги кимса ўзини танитди:

- Зайниддиннинг сизга битган мактубини Туғлуқ Темурга сотган юзи қора менман...

- Майли... Ўтиб кетган гап экан, ўйлама, сени кечирдим... - деди Темур шафкатли товушда.

- Аввалги Эрон сафарингизда ҳам халқни тўплаб, сизга қарши исён қилган, аскарингизни маҳв, қўмондонингизни асир этган менман...

- Буниям кечирдим... - деди Темур ғазабини ютиб. Сўнгра юмшоқ товушда сўради: - Хўш, шунчалар маҳорату усталигингни кўрсатдинг-да, энди нега мағлуб бўлдинг? Шу сўроғимга жавоб бер! Қани, айт, нега энди мағлуб бўлдинг?!

- Ҳазратим, кучу қудратингизга тенг келадиган ҳеч нарса йўқ-ку...

- Мен сендан бунга сўрамаяпман, гапни айлантирма! Айт, нима учун енгилдинг? Модомики, мени енголмаслигингни, менга тенг келадиган бошқа куч йўқлигини биларкансан, нега менга қарши чиқдинг? Голиб келишинга ишонганмидинг? Нега менинг шунча аскаримни маҳв этдинг?..

- Ҳазратим, мени кечиринг, бир қошиқ қонимдан ўтинг...

– Йў-ўқ, сен саволимга жавоб бер! Жавоб беролмайсан, а!?

Бечора Хизир етти букилиб, ерга кириб кетай деди. Темурнинг саволларига жавоб беролмай, мулзаму чорасиз мўлтираб қолди. Темур унга ўйчан боқаркан, жазосини белгилади.

– Қўмондон! – дея ўшқирди. – Ол, шу исқиртни маст отнинг куйруғига боғлат-да, чўлга ҳайдат!..

Шу пайт Хизир ўрнидан сапчиб туриб, яширган ханжарини қўлида ўйнатиб, Темурнинг кўксига урмоққа чоғланди...

Айни онда:

– Тўхта! – дея бақирди Темур. Хизир турган жойида тахта бўлиб қотиб қолди. Шу орада сотқиннинг ёнига етиб келган қўмондонга қарата: – Майли, ол шуни, афв эттим. Тавоф маросимидан кейин ҳузуримга келтир! – деди.

Тантанали ва мухташам тавоф маросими кечгача, туни бўйи давом этди. Ҳар тарафда машғалалар ловуллар, чироқлар ва қандиллар порлар, бутун халқ Ҳусайн шаҳидгоҳида ибодат қилар эди. Темур ҳам уларнинг орасидайки.

Бомдод намозидан кейин ҳамма тарқалди.

Темур ҳарам чодирига қайтди. Уни Ўлжой Туркан ва Дилшод Султон кутиб олишди. Ичкари кираркан:

– Бугун нима бўлди, биласанми, Ўлжой, – дея сўради хотинидан.

– Йўқ, нима бўлди?

– Сен тавоф ва мотам маросимида қатнашмадингми?

– Йўқ, хоқоним.

– Бугун тавоф асносида оёгим остига бир эронлик ётиб олди. Ким экан, деб юзига боқдим. Ҳайрон қолдим. Нима дейсан, тила тилагингни, десам, гуноҳкорман, кечиринг, дейди. Нимангни кечирай, гуноҳингни айт, десам, нима деди, биласанми?

– Нима деди, айтинг, ҳазратим.

– Зайниддиннинг мактубини Туғлуқ Темурга олиб бордим, деса бўладими!

– Вой-й! Шу одамни менам бир кўрсам бўларкан...

– Нимаям қилардим, афв этдим. Аммо у сотқин Эронга келган қўшинимни ҳам барбод қилган исёнчилар бошида турган экан-да...

– Нима дедингиз, қонидан ўтдингизми ё?..

- Бу гуноҳини ҳам кечирдим...
- Ҳа, яхши қилибсиз, кечирганни худоям кечиради.
- Аммо яна бир нарсa бўлди... Йўқ, йўқ, мен ундан бир нарсани сўраб билмоқни истагандим...
- Нимани сўрадингиз?
- Ўтган йили қўшинимни сен тор-мор қилгандинг, эронликларнинг голиб қўмондони эдинг. Эндиликда нима сабабдан енгилиб қолдинг, дедим.
- У нима деди?
- Ҳеч нима демади...
- Э, фалокат бўлмай ўлсун!..
- Ҳа, турган-битгани фиску фалокат! Дарҳол қўмондонимга буюриб, отни думига боғлат, дедим...
- Вой! Кейин нима бўлди?
- Шунда у иблис беркитган ханжарини шартта чиқариб, менга ташланиб қолди...
- Худо сақласин!.. Адабини бериб қўйдингизми кейин?..
- Ҳа... Тўхта, дея бақиргандим, қоққан қозикдай туриб қолди. Дарҳол кечирганимни билдирдим...
- Нима учун?
- Чунки калламга бошқа фикр келиб қолганди...
- Ҳа, яхши қилибсиз. Худо кўнглингизга эзгулик солибдида.
- Тўғри. Зотан, у аввалда менга тобе сардорлардан эди, бебошлик ва хиёнат қилиб қочиб юрганди... Аммо у одамзоднинг ҳеч нарсадан қайтмайдиган нодир хилидан экан. Ундан фойдаланиш керак-ку, дея ўйладим... У кўп нозик ишларни бажариши мумкин...
- Ҳозир у одам қаерда?
- Амр этдим, эртага ҳузуримда бўлгай...
- Эртасига эронлик сардорни хоқон чодирига олиб келишди. Темур гапни қисқа қилди:
- Сен яна қўшинимда хизмат қиласан, қўмондон этиб таъинлайман, фақат содиқ бўласан, шарти шу! – деди.
- Хизир Темурнинг шартига кўниб, миннатдорлик билан бош эгди. Энди у жаҳонгир ўрдусида бир қўмондон эди.
- Темур Эрон сафарини адоғига етказиб, олдиндан режаларганига мувофиқ атрофдаги айрим шаҳарларни ҳам забт этиб, яна бошкенти Самарқанд томон йўлга чиқди.



## XXVI. ХИЗИР ҰЛДИРГАН ҚОРОВУЛ

Самарқандга қайтган кунларда Темур Тоштуғойдан хат олди. Хизирни дарҳол ҳузурига чақиртирди. Унга юмшоқ товушда:

– Сени бир мактуб билан Ҳиндистонга юборсам, борур-мисан? – деди.

– Ҳазратим, сиз муҳим деб билган бир ишдир ҳар ҳолда, албатта борурман, – деди бош эгиб.

– Ҳа, кўп муҳим бир иш, сездинг. Сендан бошқасига ишпонолмайман, нозик иш... – деди Темур яна таъкидлаб.

– Бош устига, ҳазратим! – тагин мутеларча таъзим этди Хизир.

– Сен эронликсан, аммо Қипчоқ ўлкасида яшаганингни бир пайт менга айтганинг эсимда... – деди Темур.

– Ҳа, қипчоқларни яхши биламан, ҳазратим.

– Жўжи сулоласидан чиққан хонларни ҳам биласан, а?

– Қулингиз бир замонлар Жўжи хонадонига мансуб ҳукмдорнинг муҳтарам вазири саройида хизмат этгандим...

– Ўша вазирнинг ўғли бормиди? – деди Темур ўсмоқчилаб.

– Ҳа, Тоштуғой деган ўғли бор эди. Мен унинг хизматчиси эдим...

– И-е, сен ҳали Тоштуғойни танирмисен?

– Ҳа-да, унинг отабеги эдим, вазирзоданинг тарбияси билан ўзим шуғулланганман...

– Жуда соз! Ундай экан... сенга бир мактуб бераман, уни Тоштуғойга элтасен!

– Ҳиндистонгами?

– Ҳа-да, Ҳиндистонга! Шу чоққача Тоштуғойнинг қайдалигини билмасдинг, тўғрими? Мана энди, у Ҳинд юрти-



дадир... Аммо сен ўзингни ҳеч кимга танитмагайсен, тушундингми?..

– У ерда мени ҳеч ким танимайди-ку...

– Йўқ, сени танийдиганлар топилади... Фақат сен уларга ўзингни бошқа одам қилиб кўрсатасан, билдингми?

– Ахир... қандай қилиб?

– Чайналма! Сен олдин Туғлуқ Темур кўшинида сардор эдинг, шундайми?

– Ҳа...

– Қани, менга айт-чи, унинг одамларидан кимларни биласан? Энг яқинлари кимлар эди?

– Сулаймон, Қоя Алп ва унинг ўртоқлари, яна...

– Ана, ўша Сулаймон, Қоя Алп ва ўртоқлари эндиликда Ҳиндистондадир. У ерга боришинг биланоқ, аввало уларни топасан. Эронга ўт қўйиб, кулини кўкка совурганимни, бу йил Ҳиндистонга боришимни айтасан. Яна уларга Эронни мудофаа этолмаганингни, Ҳиндистонга яширин ташкилот тузиш ниятида келганингни билдирасан. Сўнгра Тоштуғойга учрайсан, отим Кундуз дейсан. Анави исқиртларга билдирмасдан мен берган омонатни унга топширасан...

– Бош устига, ҳазратим!..

– Бўпти, энди мактубни ол-да, шу тобдаёқ йўлга чиқ!..

\* \* \*

Вожаб, Темурдай одам кўшинига янгидан қайта олган кимсага, айниқса, хиёрати собит бир сотқинга қандай қилиб мунчалар ишонаркин?

Эрон сафаридан қайтаркан, ўрду саҳронинг қоқ ўртасида тунагани тўхтаган эди. Темур эрталаб туриб қараса, чодирнинг ёнида қоровул ўлиб ётибди. Дарҳол қўмондонни чақириб:

– Буни ким ўлдирдийкин? Қотили ким бўлиши мумкин? – дея сўради.

– Ҳазрат, бу қоровулингиз бизга Эронда қўшилган эди...

– Тезда қотилни топиш керак!

– Шунча одамнинг ичидан дарҳол топилишига кўзим етмайди...

– Аскарлардан сўра, шу атрофда кимни кўришган бўлса, тутилсин!

– Ким кўрган бўлса барини келтирайми?

– Йўқ, ким кўринган бўлса...

– Бош устига, ҳазратим!..

Бирпасдан кейин кўл-оёғи боғланган Хизирни келтиришди. Уни чодирга киритиш учун Темурдан рухсат олингач, қотилни ҳокон хузурига йўллашди.

– И-е, Хизир! Сенмисан?!. – Темур хайратидан ёқа ушлаб қолди. – Келиб-келиб менинг қоровулимни ўлдирасанми? Бу не куфрони неъмат? Тузимни ичиб, яна тузлугимга туфурдингми? Мен сендан буни ҳечам кутмагандим... Ў-ў-ў, ростданам буни сен ўлдирдингми?

– Ҳа...

– Нега ўлдирасан? Ҳа, сен бир эронликсан, мусулмон эмассан... Аммо мен бир мусулмон ва мусулмонлар халифаси сифатида шариат ҳукмини ижро этаман. Сендан қасос олинадир, сен ўлимга маҳкумсан! Осинг шуни! – дея бақирди Темур ғазабланиб.

Маҳкумни чодирдан ташқарига олиб чиқиб кетишаркан, у Темурга мурожаат эди:

– Ҳазрат, бир қошиқ қонимдан ўтинг, рухсат берсангиз, сизга ёлғиз айтадиган бир гапим бор эди...

– Бўлади. Бизни ёлғиз қўйинг... – деди Темур ўйчан товушда.

Барча ташқарига тортилиб, чодир бўшагач, Хизир Темурдан:

– Ўлдирилган ким экан, билдингизми? – дея сўради.

– Йўқ. У бир қоровулим-да...

– Нега сизга қоровул бўлдийкин у?.. – дея сирли ўсмоқчилади Хизир.

– Менга маълум эмас. Билсанг, сен айт, – деди Темур.

– Хоқоним, ё ўзингиз ташқари чиқиб, унинг юзига бир боқинг, ёки чодирга олиб киришсин, кимлигини биласиз...

Темур амр этди, хизматчилар жасадни ичкарига олиб киришди ва ўзлари ташқарига чиқиб кетишди.

– Ҳазратим, унинг башарасига бир кўз ташланг... – деди Хизир.

– Ҳа, уни танигандай бўляпман... – деди Темур. – Аскарларим орасида кўргандайман...

– Йў-ўқ... Ёшлигингизда асир тушганмидингиз?..

– Э-э-э, бўлди-бўлди, эсладим. Қишлоқ бойларидан бири эди у!..

– Ана, ҳазратим, бу кимса Самарқандда сизга қарши иш тутган, қайноғангиз Хусайнга хат ёздирган киши. Сиз хоқон бўлгандан кейин у Эронга келди. Менга қўшилди, биз сизга қарши урушдик. Сўнгра у менга хиёнат қилди, мағлубиятимнинг сабаби ҳам шу нокас...

– Нега уни ўлдирдинг, шуни айт!..

– Мени сиз авф этганингизни эшитиб, у ҳам дарҳол сизга сифинди... Кеча оқшом, сизни ўлдиришга киришай деб турган бир аснода, менинг ханжаримга дуч келди...

– Э-э, яшавор, Хизир! Раҳмат сенга!..

Темурнинг Хизирга бўлган комил ишончи ана шунга ўхшаш вафо ва садоқат, тажрибалар натижасида ҳосил бўлганди. Ана шунинг учун у Хизирни Тоштуғойнинг ёнига юборди. Ҳиндистон сафарини ўзи ичи-ичидан истаётган бўлса ҳам, бунга унчалар ризолик кўрсатмаётган тобелар ва уламони ҳузурига чақиртириб, кенгашмоққа киришди...





## XXVII. ТУРК АСКАРИ

Темур кенгашга шундай мурожаат қилди:

– Азизлар! Менга сизларнинг фикрларингиз, қўллаб-қувватлашларинг жуда зарур. Мен Ҳиндистон сафарини тезроқ бошламоқчиман. Сизларга яхши маълумки, Деҳли султони Маҳмуд бир неча талабимни рад этди... Мудҳиш зарба бериб, унинг эсини киритиб қўйиш керак!..

Уламодан бири урушнинг олдини олиш мақсадида шундай деди:

– Хоқоним, бу сафар халқимиз учун хайрли бўлмайдиган кўринадир...

– Нечун? Сабаб?

– Чунки ҳиндистонликлар гаройиб, сеҳргар бир халқ, биз у ўлкага борсак, улар бизга ўз одатларини, тилларини ўргатиб, бизга ўзимизни унуттириб юбортирадилар деб ўйлайман...

Темур бошқа бир сўзламоққа чоғланган уламога юзланиб:

– Хўш, оқсоқол, сизнинг фикрингиз қандай? – деди.

– Хоқоним, фикримча, бизнинг турк сулоласи ҳиндлар билан аралашиб кетса, улар бизларни тамоман ўзларига ўхшатиб қўйишлари аниқ. Наслимизни кўриқлаш барчамизнинг бурчимиздир...

– Бу томони тушунарли, яна қандай фикр бор?

– Зотан, миллатимизнинг энг қутлуғ жиҳатлари – тилию урф-одатлари йўқолиб кетаркан, туркligимиз маҳв бўларкан, демак, ҳар нарсамиз тугади деган гап-ку бу...

– Ҳиндистон менинг салтанатимда бир вилоят бўлади, унга волий тайинлайман, у солиқ тўлайди холос, барча соҳада ўз эркича ҳаракат қилаверади. У ўлка шу ердан туриб бошқарилади...

– Кўп яхши, ҳазратим. Бу ишларни мендан яхши биладиганлар бор, улар не деркин?..

– Тўғри, бу ерда етти ўлчаб бир кесиш керак. Мен Қуръонни бир очиб кўрай, унга муносиб ҳаракат этамиз. Маъқул тушмаса, айтасизлар. Хўп десанглар, сафар тайёргарлигини бошлаймиз... – деди Темури.

– Бўлади. Амри илоҳийга қарши чиқилмас, қани кўрамиз, толеимизда нима бор экан... – дея уламо ва умаро хоқоннинг фикрини тасдиқлашди.

У кеча Темури Қуръонни очиб, толеси кулиб, сафарни маъқуллайдиган оят чиқди.

Эртасига хоқон буни аёну уламога, ҳукумат вакилларига билдирди. Уруш ҳозирликлари бошланиб кетди.

Ҳар ёққа чопарлар йўлланди, буйруққа биноан аскар йиғила бошлади. Аскарликни жонидан севган турклар қуролларини тақиб, ота-оналари билан хайр-хўшлашиб, отларига минганча ўрдугоҳга ошиқардилар.

Бу ҳаракатлар фақат ҳарб, фақат жангу футухот дея бошланганди. Бунақа ғавғою талотумга фақат туркларгина шавқу ёвқурлик-ла бош урардилар; урушга ўйнаб-кулиб жўнаш фақат уларга хос хислату одат эди.

Қўшин жўшиб-қайнардди; қалблар сафар жанговарлигига тўла, руҳлар юксакларда учар, юраклар ҳаяжондан потиллаб урар эди. Худо берган жасорат тўлқини бағрида долғаланган турк аскарининг куни туққанди. Улуғ бир ғолибият байрами арафасида, албатта, бу қаҳрамон туркларнинг кўнгиллари шунақа умиду ишонч, музаффарият нашидаси билан тўлиб-тошади-да!.. Ахир курашчанлик томирларида булоқ бўлиб отилаётган, наъра ураётган бу йигитлар недан ҳам қўрқсинлар.

Тарих майдонида қаҳрамонлиги ва ёвқурлиги билан танилган бу арслон турклар недан чекинибдики, энди бу сафардан чекинса.

Ўрду қўзғолди: бутун севинчлари-ла, бутун имону «Аллоҳу акбар» такбирлари-ла, бутун меҳру иттифоқликлари-ла йўлга тушдилар.

Чўпонга эргашган бир қўй сурувидай ювош, йиртқич бир арслондай шижоатли ўрду оксоқ қоплои ортидан улкан ўлжа сари гуррос-гуррос оқа бошлади...

Йўл устида барча юртдошлар, ота-оналар, қариндош-  
уруғлар олқишу дуолар билан қутлашмоқда, кузатишмоқда...  
«Болам жангга кетяпти» дея гурур-ла севинмоқда ота-она-  
лар.

Қўшин ана шундай қилиб халқнинг хузуридан ўта борди.  
Йўл юрди, йўл юрсаям мўл юрди, охири Андараб деган жойга  
бориб, ўша ерда қўр тўкди.

Бу ўрду том тўқсон икки минг кишилик бир қўшин эди.





## XXVIII. ДЕҲЛИ СУЛТОНИГА ҚАРШИ УРУШ ЭЪЛОНИ

Эронлик Хизир бир неча ой Ҳиндистонда боши бўш, бе-бош айланиб юрди. Аммо Сулаймон ва ошналарининг қайси чойхонада ва қаерда ўтирганларини яхшилаб билиб, кейин ўша ерларда дайдиб юриб, тўдага қўшилиб олди, ўзини уларга танитди. Бироқ ундан аввал Тоштуғой билан алоҳида учрашди. Ўзининг ким эканлигини билдирди, Темурнинг фармонларини англатди. Қучоқлашиб, бир-бирлари билан қайтадан кўришдилар, Хизир унга Темурнинг мактубини топширди. Сўнгра нималар қилиш лозимлигини, бир-бирларини танимагандай тутишни келишиб олиб, хайрлашишди.

Бир куни кечқурун Хизир чойхонада Сулаймон билан кўришди, унга ўзини таништирди. Шунда Тоштуғой унга шубҳали нигоҳ билан қараганча:

– Бу ким бўлди... – дея сўради.

Сулаймон унга:

– Бу инсон Темурнинг энг ашаддий душманларидан бири, Туғлуқ Темурнинг сардори бўлган... – дея шиншиди.

– Ҳа-а... Аммо бунинг ёнида ҳар нарсани очик айтиш тўғрмас, шубҳали кўриняпти менга... – деди Тоштуғой секингина.

– Йўғ-э, огайни! Нима деяпсан ўзи! Ҳеч ким Темурга бунчалик душман бўлолмаган ахир, бўлолмайдиям...

– Билмадим... Ҳа, энди буёғини сизлар яхши биласизлар. Мен бу томонига аралашмайман... – деди Тоштуғой ишонқирамай.

– И-е, унақа дема, дўстим! – деди Сулаймон. – Ишонмаяпсанми дейман, а... Э, бу бутун одам, уни биз азалдан бери таниймиз!

– Ундай бўлса, майли. Аммо мен уни бир синаб кўрай...

– Истаганингни қил, менга барибир.

Тоштуғой ана шундай қилиб ўзини ҳеч кимни билмайдиганга, танимайдиганга солиб, улар билан муомалага киришди. Хизир

билан алоҳида учрашди, суҳбатлашди. Кечаси, ҳамма тарқалгандан сўнг, қўйнидан мактубни чиқариб, ўқий бошлади:

*«Тоштуғой.*

*Бу одам ишончли киши. Мен тўқсон икки минг аскар билан Ҳиндистонга бормоқчиман. Борайинми?*

*Темур».*

Тоштуғой дарҳол хатга жавоб битди. У қисқа ва лўнда эди:  
*«Ҳазратим.*

*Келинг. Аммо олдин Деҳли султониغا қарши уруш эълон қилинг.*

*Тоштуғой».*

Эртасига оёғини қўлига олганича Хизирнинг ёнига чопди, унга мактубни тутқазиб:

– Буни ҳозироқ Темурга жўнат! – деди.

Хизир тезда ишончли бир чопарни топиб, мактубни Темурга юборди.

Шундан икки кун ўтгач, Темурнинг Деҳлига қараб келаётгани бутун Ҳиндистонга тарқалди. Халқ ҳаяжону таҳлика ичра бирлашиб, турли ерларда тўпланишиб, қуролланишиб, сўғишни кута бошлашди.

Темур ўшанда олтмиш ёшга кирганига қарамай, унинг оламшумул даҳшатидан бутун Деҳли зир-зир титрамоқда эди.

Зотан, Темур Ҳиндистонда кетма-кет чопарлар жўнатиб, бутун ҳиндларни қиличдан ўтказиши ҳақидаги қарорини, зафарини таъминлашга хизмат қиладиган муболагали шовшувларни тарқатгани; кўрқув улкан қора булутдай ўлкага ёйилиб, барчани ваҳима босган эди.

Жаҳонгирнинг ўрдуси Деҳлининг шундоққина биқинида кўр тўкди. Шаҳарнинг жануб томонидан ҳужумга киришди. Султон Маҳмуд ўз қўшини билан ёв қаршисига отилди. Аммо тезда енгилди. Аскарлари қоча бошлади...

Халқ эса, икки кундан бери ўзини босган ваҳима устига бу мағлубият зарбаси тушиши билан, бадтар ҳолсизланиб, шаҳарнинг шимол тарафига қараб оқди. Бечора оломон умидсиз оҳ-воҳ чекар, йиғлар-сиқтар, қахрли бу маҳшарда маъбудларга ёлворар, дуо этар, аммо кўкдан ёғилаётган илоҳий балою офат кучайгандан-кучайиб борар эди...

Худди ана шу чоғда, бир кимса бу қонли талотумни, бу тикилинч жон бозорини ёра-ёра Темур турган ерга ошиқмоқда эди.





## XXIX. БУ КИМ ЭДИ?

Темурнинг Деҳли султонини мағлуб этганлиги ҳақидаги гаплар атрофга ёйилгач, жаҳонгирнинг шаҳар ичига қараб юрганини эшитиши биланоқ, Тоштуғой ва Хизир ўнта фитначи билан бирга горга томон йўл олишди. Ўртада қуръа ташланди, гордаги портлагичларга ўт бериш вазифаси Қоя Алпнинг зиммасига тушди. Ҳамма ташқарига чикди ва ҳар ким ўз йўлига кетди.

Бироздан кейин Хизир ва Тоштуғой яширинча учрашдилар.

– Сен ҳозироқ горнинг ичига кириб оласан! – деди Тоштуғой унга. – Қоя Алп ишни бошлашдан олдин бир бурчакда беркиниб, уни кутиб тур. Мен ичкарига кирганимда, ўртага чиқасан, хўпми?

– Хўп бўлади! – деди Хизир ва могорага қараб чопди.

Горга кириши билан Қоя Алпнинг ишга киришганини, портлагичлар пилигини ёқишга тайёрлаётганини кўрди. Секин-секин юриб бориб, бир бурчакда писиб турди. Бир неча дақиқадан сўнг, оёқ учида юрганича горга Тоштуғой кириб келди. Хизир турган еридан қўзғолиб, ўртага чикди. Тоштуғой уни кўриб, энди кетавер дегандай ишора қилди ва:

– Ҳозироқ Темурнинг ёнига уч, турган еридан бир одим ҳам илгари босмаслиги учун уни гапга тутишга тириш. Зарур бўлса, сирни очасан, турган ери портлаб, жарга учиши мумкинлигини тушунтирасан...

– Бош устига! – деди Хизир ва ташқарига қараб чопди.

Темур қаршидан келаётган Хизирни кўрар-кўрмас, бир нарса бўлганини сезгандай, одамларига, бироз тўхтаб, дея буйруқ берди ва Хизирнинг ўзига яқинлашишини кутди.

– Ҳазрат, бир кадам ҳам олдинга босманг!.. – деди у ҳовлиқиб.

- Нега?
- Хатарли...
- Нима бор ўзи?
- Шу турган еримиз остида фор бор, ичи тўла борут, портлаши мумкин...
- Қачон?
- Ҳар дақиқада ўт чиқиши мумкин! Изн беринг, мен борай...
- Қаяққа борасан, кетма...
- Рухсат этинг, ҳазратим...
- Нимаям қиласан ахир?..
- Одамларни тарқатиб юбораман.
- Қандай улгурасан?
- Ораларига кириб, бақираман, тарқалинглар дейман...
- Э, қоча олмайдилар...
- Изн беринг, мен борай...
- Иш нимадалигини яхшилаб уқтирмадинг-да...
- Рухсат эта қолинг, ҳазратим...

Темур майли дегандай кўл силтади. Хизир шошиб оломон ичига ўзини урди, бақириб-чақириб, уларни таҳликадан огоҳ қила бошлади.





### XXX. МАЛЪУНЛАР ҚИЛМИШИ

Тоштуғой Хизирдан айрилгандан сўнг секин-оҳиста горнинг ичкарасига йўналди.

Унинг фикри-ёди Қоя Алпдан аввалроқ ишга киришиб, портлашнинг олдини олиш эди.

Тоштуғой Қоя Алпни кўриши биланоқ, учиб бориб унга ташланди, қўлларини орқага қилиб боғлашим керак, дея ўйлади. Аммо Қоя Алп ниҳоятда хушёр турганди, бир силтаниб, уни улоқтириб юборди.

– Борутга ўт қўймайсан! – дея ҳайқирди Тоштуғой.

– И-е, нега? Жинни бўлдингми? – дея Қоя Алп унга хайрон боқди.

– Чунки Темур гор устига ҳали етиб келмади. Тепада фақат Деҳли халқи бор, холос...

– Менга нима, халқ-малқ билан ишим йўқ! – деди Қоя Алп ўжар товушда.

– Пиликларни ёқишингга йўл қўймайман!

– Э, сенга қараб ўтирармидим! Шундай ёқайки!..

– Ёқиб бўпсан!..

– Ахир ўртоқлар билан портлатишга қарор қилдик-ку! Мен қарорни амалга ошираман!

– Оширмайсан! Оширолмайсан! – дея Тоштуғой унга ташланди.

Иковлон олиша кетдилар. Иккаласининг қўлида ҳам ханжар... Гоҳ униси тепиб, гоҳ буниси йиқилиб-туриб, учбеш дақиқа тиккалашдилар. Анча ҳолдан тойишди. Охири, Тоштуғой уни мағлуб этай деб турганда, бирдан Қоя Алп уни ағдариб, босиб олди. Ҳиқилдоғидан бўғиб, эза бошлади...

Бироздан кейин Тоштуғой куч тўплаб, бир силтандида, унинг чангалидан ўзини қутқарди. Ҳамон зарба бериб, рақибини босиб олди. Бўғиб, эзиб, обдан ҳолдан тойдирди,

аммо унга ўхшаб инсофсизлик қилмади... Ниҳоят, унинг оёқ-қўлини боғлаб, елкасига ортиб, ташқарига йўналаркан:

– Қани, борутни ёққанингни энди бир кўрай... – дея ҳарсиллади.

Тоштуғой Қоя Алпни елкасида кўтарганича аста-аста босиб гордан чиқди. Кўнгли хотиржам, вақти чоғ эди. Чунки катта портлаш ва ёнғинга йўл қўймаганди.

Бироқ фалокат ҳали аримаганди. Сулаймон иккаласининг гордан чиққанини кўриб, шубҳаланиб, ўша заҳоти моғора ичига кириб кетди. Қараса, портлагичларнинг пилигига ўт туташтирилмаган. Бир тутантирик олиб, нарироқда ёниб турган оловдан дарҳол туташтирди ва борутларни боғлаган пиликни ёқиб юборди...

У ортига қайтаркан, ошналарининг ҳам горга кириб келганига кўзи тушди. Ёна бошлаган пиликка имлаб бўлди, қайтамиз дегандай ишора қилди ва бари ортга йўналишди. Аммо гор оғзига келганда, эшикнинг беркитиб қўйилганини кўришди.

Тоштуғой фитначи тўданинг гор ичига кирганини сезиб, елкасидан Қоя Алпни туширган ва тезда бориб, дарвозани кулфлаганди... Ичкаридаги етти сичкон қопконга илинганди. Улар бақириб-чақириб ёлвора бошлашди:

– Очинглар!!! Ким бор...

– Ҳазиллашма, огайни...

– Қоя Алп, ҳазиллашма, эшикни оч!..

Улар гор дарвозасини Қоя Алп беркитди деб ўйлашаётганди. Аммо бир ёнда портлагичларни туташтирувчи пилик пориллаб ёниб турибди...

– И-е, эшикни Қоя Алп беркитти деб ўйлаяпсизларми, додирлар!? – деди жаҳли чиққан Сулаймон.

– Ўша кулфлади-да!

– Нотўғри, у эмас!

– Ким бўлмаса?

– Кундуз! У исқирт бизга хиёнат қилди!

Ҳа, Тоштуғой бу шайтонларга ўзини бошда Кундуз деб таништирганди.

Қаршидаги борут пилигининг ловиллаб ёнаётгани, ҳадемай катта портлаш бўлиши барчани ваҳимага кўмди.

– Кундуз! Пиликка олов берилган... Эшикни оч!.. – дея бақиришди.

– Йўқ, очмайман! Баринг шу ерда қоласан!.. Модомики, Темурга ҳеч нарса бўлмас экан, гуноҳсиз Деҳли халқи портловда ўлар экан, мен ҳам шу ерда қоламан, ҳаммамиз бирга ўламыз!..

– Темурга ҳеч нарса қилмайди дейсанми?

– Ҳа...

– Нега?

– Чунки у форнинг устига қараб юргани йўқ, уни хабардорлар тўхтатишди...

Шу чоғда мудҳиш бир олатасир, қалдироқ еру кўкни титратди, шаҳарнинг бир қисми осмонга учди...

Тирик қолган оломон ҳар ёққа тум-тарақай қочди. Ҳавода жасадларнинг парчалари, оёқлар, қўллар, бошлар қонга беланганча учар, ҳар ёнга қонлар сачратиб тўкиларди... Тўрт томон жасаду суякларга тўлди...

Бу харобаликда жаҳаннам ўти авжлана бошлади. Ўлим ва ўликларга тўла майдонлару кўчалар ҳалиям чўкишда давом этарди... Бу қиёмат кунда барча халқ харобу туруб ҳолда ҳамон инграб-синграр эди...





## XXXI. ХОТИМА

Орадан бир йил ўтди.

Темур, Тоштуғой ва Ўлжой хотун Самарқандда, Ҳиндистон зафарига атаб қурилган жомеи шариф қаршисидаги хоқон боғида суҳбатлашиб ўтиришарди.

– Тоштуғой, – деди Темур ўйланқираб, – Деҳлидаги анави фитначилар энди қаёқларда ивирсиб юрганикин?

– Билмадим, ҳазрат... Ўшанда яхши режа тузгандик, аммо иш ўйлаганимиздек юришмади... Кейин эшитганимга кўра, улар Рум диёрига қараб қочишган, тахминимча, бари соғ-омон...

– Қисматларини кутсинлар! – дағдаға қилди Темур. – Яна қўлимга тушсалар...

Ҳақиқатан ҳам, ўша мудҳиш портлашдан кейин Қоя Алп, Сулаймон ва ошналари тирик қолганди, усмонлилар салтанатидан қўним топармиз деган ниятда Румга қараб қочишганди.

Темур ва Тоштуғой ҳам у жаҳаннамий олатасирдан эсон-омон қутулишган, сўнгра Деҳли султони устидан зафар қозонилиб, Самарқандга қайтишган эди.

Бечора Хизир эса, моғора тепасидаги майдонда оломонни таркатаман деб бақириб-чақириб турганда, бирдан портлаш юз бериб, гуноҳсиз халқ билан бирга у ҳам ҳавога учганди...

Темур Хизирни ёд этиб, ичи қайғу-ла шувулларкан:

– Ким билсин, балки мозийдаги ёмонликларининг жазосини олгандир, бечора... – деди. – Аллоҳ ҳақдир, у ҳуқуқни доимо муҳофаза этадир...

– Тўппа-тўғри! – дея Тоштуғой хоқоннинг фикрини қувватлади. – Албатта, ҳуқуқ ва ҳақиқат ҳеч қачон йўқолмайди!..

(Асарнинг биринчи қисми тугади).



## ТЕМУР ҲАҚИДАГИ ИЛК ТУРКЧА РОМАН

(Сўнгсўз)

Туроннинг буюк қаҳрамони, туркистонликларнинг ҳарбий даҳосини ўзида мужассамлаган Темур ҳақида холис ёзилган ҳар бир асар бугунги кишилар учун ибратлидир. Темурнинг шахсий ҳаётидаги ва давридаги жасурликлар, садоқат, яхшилик, шафқат ҳақида ўқирканмиз, бундан таъсирланишимиз, фикру туйғуларимизни, кўнглимизни ва табиатимизни тарбиялашимиз, олдингига кўра бирмунча ўсишимиз муҳаққадир.

Биз юқорида «холис ёзилган» дея бежиз таъкидламадик. Тадқиқотларга кўра, Темур мавзусида бугунгача битилган асарлар бир ярим мингдан ортиқдир, уларнинг учдан иккиси шарқ тилларида, бир қисми ғарб тилларида ёзилган. Бизнингча, бу асарларнинг бари бирор музейга ёки алоҳида Темур тадқиқотлари марказига тўпланиши, ўрганилиши, таржима қилиниши, фақат холис асарлар оммавий тарзда, нохолисла-ри илмий ўрганилиш учун оз ададда босилиши керак.

Сиз ўқиб чиққан бу асар Темур мавзусида туркий тиллардан бири ҳисобланадиган усмонли туркчасида 1910 йилда яратилган ва 1912 йилда Истанбулда босилган. Бизнингча, нафақат турк адабиётида, балки бутун туркий адабиётлар ичида Темур мавзусида битилган ушбу илк туркий романда ёш Темурнинг эзгу шахсияти, инсонпарварлиги ва бағрикенглиги, халққа доимо ён босгани ва хизмат қилгани учун ўзи ҳам давронининг энг суюкли саркардасига айлангани кўрсатиб берилган. Бутун умрида қиличига ўйиб ёзилган «куч адолатдадир» деган ҳикматга суяниб яшагани ва иш тутгани қизиқарли воқеалар, ишонарли деталлар воситасида устача тасвирланган. Бизнингча, Темурнинг халқ меҳру ихлосини қозониши, давлат ташкил этиши, шахснинг манфаатидан халқ ва давлат манфаатини ҳар қандай вазиятда устун қўйиши, ҳокимият ва оммани адолат билан бошқариши ёрқин

акс этган бу асарни ўқиб, ундан ибрат олинса, янада яхши бўлади. Зотан, ўқимоқдан мақсад уқмоқдир, ўрганилган нарсани турмушда қўлламоқдир.

Шунга кўра, дейликки, Темурнинг ёки Темур мавзусидаги асарларнинг замонавийлиги нимада кўринади, дея сўрашса, шундай дердим: Темурнинг бизга замондошлиги шундаки, у сўзида ҳам, ишида ҳам фақат адолатга суянган, халққа ва юртга хизмат қилган миллий қаҳрамондир; у ўз асрида, бундан олти юз аввалги ота-боболаримиз муҳитида адолатли ва кучли бир салтанат қура олган жасур ва доно инсон; биз учун энг буюк, ибратли шахсият. Бу жиҳатлари билан Темур бугунги авлодга хизмат қилаётган экан, биз ҳам унга лойиқ бўлишимиз, бунинг учун эса, унинг ҳаётидан ва фаолиятидан ибрат олиб, бугунги жамиятимизда у улуғлаган адолатни ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун барчамиз баравар интилишимиз, бу йўлда бир-биримизни қўллаб-қўлтиқлашимиз керак. Шу боис Темур мавзусидаги ҳар қандай илмий, тарихий, бадиий асар ўзбек ўқувчисига қанчалик тез етказилса, шунча яхшидир деб ўйлаймиз. Буюк миллий қаҳраонимиз тўғрисидаги бу роман таржимасига ҳам ана шу мақсад, бир маънавий бурч туфайли қўл урдик.

Юқорида Темурнинг адолатни севгани ҳақида сўзладик. Эски тарихларда ёзилишича, Темур Жанубий Туркистон тупроқларида сафарда юрганида, қўшин бир вилоятда қўр тўкиб, тинланиб турганида, у одатдагидай бу масканнинг таниқли кишилари билан суҳбатлашади. Хоқончодирга муҳтарам ҳожиларни ҳам чақиртиради. Тўқсон марта ҳаж қилган бир нурунийга юзланиб, ораларингда энг кўп ҳаж қилган зот сиз экансиз, отахон. Мен ҳарбий сафарларда юриб, ҳаж килолмадим. Менга бир ҳажингиз савобини бағишлашингизни сўрайман, бадалига салтанатимдаги сиз истаган қалъа ё шаҳарни берайин, дейди. Ёши юзга яқинлашиб қолган чол унга миннатдорлик билдириб, шундай дейди: хоқоним, сиз менга салтанатингизни бир соат адолат билан бошқарганингиз савобини бахш этинг, мен сизга бир эмас, жами тўқсон марта қилган ҳажимнинг савобини берайин. Темур бу сўзлардан кейин халқнинг донолигига, жўмардлигига яна бир қойил қолади; одамларга самимий ва тўғри муомала ва муносабатда бўлиш элни адолат билан бошқариш ҳикмат



эканлигига яна бир бор амин бўлади. Бу романда ҳам Темурнинг адолатпарвар шахс эканлигига алоҳида урғу берилган.

Темур мавзусидаги нодир қўлёзмалар, тарихий ва бадиий асарлар Туркия кутубхоналарида ҳам кўплаб топилади. Темур тириклигидаёқ у ҳақдаги тарихлар, афсоналар, латифалар, шеърлару дostonлар бу ўлкада ҳам кенг тарқалган эди. Шунингдек, жаҳон тилларидаги, хусусан, араб, форс, рус тилларида яратилган жуда кўп асарлар туркчага ҳам таржима қилинган ва бу иш давом этмоқда. Масалан, биргина Истанбулдаги Боязид номидаги давлат кутубхонасида Темур мавзусидаги ўттиздан ортиқ тарихий ва адабий асарлар сақланмоқда.

Замондош турк олимлари ўз ўтмишдошларининг ишларини давом эттириб, Темур ҳақида янги-янги тадқиқотлар яратмоқдалар. Улардан бири, профессор Исмоил Аканинг «Буюк Темур давлати» асари 1996 йилда таржимамизда, «Чўлпон» нашриётида босилиб чиқди.

Темурнинг 600 йиллик юбилеи ўтказилган ана шу йилда, тасодифан, Истанбулда яшаётган ватандошимиз Собир Сайхон Тошкентга меҳмон бўлиб келди ва менга Дундар Алпнинг усмонличада, ҳижрий 1328 йил битилган, 1330 йилда доруссаодат (Истанбул)даги «Хуррият» матбаасида босилган 256 бетли «Шарқнинг энг буюк ҳукмдори Темурланг» романини ҳадя этди. Мен у кишига муҳташам Темур музейи қурилганини ва асарни у ерга топширилса, яхши бўлишини айтдим. Хуллас, китобдан фотонусха олдиргач, асл нусхасини ўша пайтдаги музей раҳбарларидан муҳтарам олимимиз Нозим Ҳабибуллаевга учраб, ниятимизни англатдик ва асарни бердик.

Бу нодир китоб, албатта, таржима қилиниши керак эди. Собир акадан илтимос қилдим, у киши китобдан бир парча таржима қилиб бердилар. Романдан бир парчани нашрга тайёрлаб, кичик бир мақола ёзиб, «Соҳибқирон юлдузи» газетасининг бош муҳаррири, кадрдонимиз Жаббор Раззоққа топширдим. Асарнинг илк парчаси 1997 йил 19 август сониде босилиб чиқди... Ниҳоят, айрим режадаги ишларимдан қутулгач, асарни усмонличадан таржима қилишга киришдим. Романнинг сўнг бобларини эса, Собир Сайхон таржимасига асосан нашрга тайёрладим. Шунини таъкидлашни истардимки, бу романи Собир Сайхон томонидан Ўзбекистонга олиб

келиниши, биринчидан, Темур бобомизга ҳурмат ва ватанга муҳаббатнинг бир кўриниши бўлса, иккинчидан, агарда Собир ака шу нодир китобни бизга келтирмаса, бу таржима ҳам юзага чиқмасди, деб ўйлайман ва шунинг учун, азиз дўстим Собир Сайхонга бу ўринда миннатдорлик билдираман.

\* \* \*

Туркияда Темур мавзусида ёзилган романлар кенг ўрганилган.

Интернет манбаларидан 2005 йилда Истанбулда вафотининг 600 йиллигига бағишланиб Амир Темур ва мероси мавзусида халқаро анжуман ўтказилганини ўқидим («Ölümünün 600. Yılında Emir Timur ve Mirası Uluslararası Sempozyumu») ва бу йиғинда қатнашган Темур Хўжаўғлига хат ёзиб, ўзининг ва Закий Таштаннинг маърузалари нусхасини юборишини илтимос қилдим. Муҳтарам олимимиз ўша симпозиум маъруза матнлари босилган китобдаги икки манбани жўнатдилар, соғ бўлсинлар.

Темур Хўжаўғли Амир Темурга бағишланган халқаро илмий анжуманда «Emir Timur'un Değişen Portresi: Zeki Velidi Togan'dan Günümüze Modern Tarihçilerin Timur'u Farklı Yorumları (1912–2005)», яъни, «Закий Валидий Тўғондан бугунгача янги тарихчиларнинг асарларида Амир Темур қиёфасининг турлича акс эттирилиши (1912–2005)» деган маърузаси билан қатнашган. Унда олим қарийб юз йил орасида Туркияда, Оврупо, Америка, Японияда яратилган Темурга оид асарлардаги қарашлар ва фикрларни қиёслаб, ибратли хулосалар чиқаради.

Муаллифнинг ёзишича, тарихни яратган буюк давлат арбобларининг қиёфалари турли даврларда турлича чизилади ва ҳар хил баҳоланади; ҳукмрон сиёсий вазият таъсирида тарихчиларнинг фикрлари ва баҳолари бир-биридан кескин фарқ қилиши мумкин. XX асргача Темур асосан бир тарафлама баҳолангани ва қоралангани маълум. Закий Валидий 1912 йилда босилган «Турк ва татар тарихи» асарида Темурни ижобий баҳолайди. Ҳолбуки, 1924–1990 йиллар орасида советлар мамлакатида у «золим, феодал» дея қораланди; Туркияда фақат Отатурк даврида улуғланди, аммо кейин у

асосан манфий баҳоланди; Фарбий Оврупо, Америка, Япониядаги асарларда эса унинг сиймоси ижобий акс эттирилди. Темур Хўжанинг таъкидлашича, Темурнинг давлат сиёсати мавзусида китоб ёзган Маҳмуд асад Бўзқурт Отатуркнинг Темурни жуда яхши кўрганини айтarkan, бир воқеани баён килади. Отатурк Темур ва Боязид жангини аёнларга харита воситасида ҳикоя этarkan, «Қаранг, Йилдирим Темурни шундай сиқувга олганки, ундан Темурдан бошқаси қутулиб чиқиб кетолмасди. Темур сиқувдан чиқа олди ва уни енгди... Мен Темур замонида туғилсайдим, унинг қилган ишларини қилолмасдим. Агарда Темур менинг замонимда туғилсайди, у мандан кўра кўпроқ ишларни бажарарди», деган экан. Боязидни бир қахрамон, кўмондон сифатида улуғлаган Отатурк, уни Темур билан қиёсларкан, Темурнинг қаршисида Йилдирим бир боладир, деган. Шунингдек, Отатурк 1923 йил Бурсада ўқитувчилар билан учрашганида ҳам Темурни улуғлаб, оила ва ўқитувчи мавзусида сўзларкан, Темурнинг хотини унинг ҳаётида катта роль ўйнаганини, эри билан бирга отда юрганини, энг яқин маслаҳатчиси бўлгани ва жаҳонгирнинг ёнидаги уламолари каби фикри ва йўл-йўриғи билан эрининг давлат қуриши ва юксалишига хизмат қилганини таъкидлаб, улардан ибрат олишга чақирган.

Муаллифнинг билдиришича, Отатурк «ёшларнинг тарбиясига катта таъсир кўрсатади, Темур ҳақида ёзинглар», дейди. Ўшандан кейин Рашод Акрамнинг «Темур ва ўғиллари» деган 64 бетлик, расмли китоби нашр этилади (1934). Ёзувчи буюк жаҳонгирнинг ҳаёти ва фаолиятининг ибратли жиҳатларини ёшларга уқтирarkan, «Темур буюк бир кўмондон, музаффар император бўлиши билан бирга, буюк бир адабиёт ҳомийси, бир Месен бўлган. (Месен – Рим императори Октавиан даврида шоирларга ҳомийлик қилган бадавлат шахс, меценат) Темурнинг турк ҳарб ва сиёсат тарихида нақадар юксак мавқеи бор эса, турк фикр ва санъат оламида ҳам у қадар қийматли ўрни бордир» деб ёзган.

Отатуркдан кейинги даврдаги Қурат, Ўзтуна каби машҳур тарихчилар Темурни бирёқлама, манфий йўналишда баҳолаганларини; кейинги даврларда эса, Исмоил Ака, Гурсўй Сўлмас, Хайринса Алан каби тарихчиларнинг Темурни та-

рафсиз тадқиқ этганларини, айниқса, унинг қурилишга, юрт ободлиги ва фаровонлигига берган эътиборини улуғлаганини Темур Хўжа маърузасида далиллар билан ифодалаган.

Закий Таштаннинг «Турк адабиётида Темур мавзусидаги илк роман: Дундар Алп, «Шарқнинг энг буюк ҳукмдори Темурланг (1914)» дейилган маърузасида («Türk Edebiyatında Timur'u ele Alan İlk Roman: Dunder Alp, Sarkın En Büyük Hukumdarı Timurlenk (1914)» бу роман жуда чуқур таҳлил қилинган («Ölümünün 600. Yılında Emir Timur ve Mirası Uluslararası Sempozyumu» маърузалар матни китоби, 363–379-бетлар). Бу тадқиқотда муаллифнинг Темур шахсига юксак ҳурмат билан ёндошгани сезилиб туради. Бир изоҳида у Темурнинг бутун Осиёнинг ҳукмдорига айланганини, Усмонли салтанати ҳудудларига ҳам кириб борганини, 1400 йилда Сивас, Арзинжон, Малатйа каби муҳим шаҳарларни олганини, икки йилдан сўнгра Йилдирим Боязид уларни қайтариб олганини ва 1402 йилда Анқарада, Чубуқ жангида енгилганини таъкидлайди.

Закий Таштан Дундар Алпдан олдин ҳам Темур айрим романларда тилга олинганини айтади. Масалан, Номик Камол «Жазми» (1883) романида бу мавзуга қўл урган, у асар сўзбошисида Темурнинг фаолиятини юксак баҳолаб, унинг байроғи дунёнинг улкан қисмида ҳилпираганини, тўрт юз миллион мусулмонга ҳукмронлик қилганини, фотиҳлик бобида Искандарни сояда қолдириб кетганини, шунингдек, Темур ва Йилдирим ўртасидаги уруш Усмонли салтанати тарихидаги энг катта мағлубият эканини айтган. 3. Таштаннинг ёзишича, Темур тилга олинган яна бир роман Аҳмад Ҳилмийнинг «Етим Турғут» асаридир (1910). Унинг «Оталаримиз турклар» бобида муаллиф Темурнинг Хулаку ва Чингиз каби урушда қўп қон тўкканини, аммо улардан фарқи, Темур жанг санъатини энг яхши билган буюк қўмондон эканини; шунингдек, Йилдиримнинг ҳаёти давомида ҳеч мағлуб бўлмаганини, фақат ўзи каби бир турк подшоҳи билан урушда бир бор енгилганини ифода этган.

Муаллифнинг таъкидлашича, асарда Темурнинг йигирма ёшидан кейинги, 1350–1391 йиллар орасидаги ҳаёти, тарихий ва сиёсий шахсияти, руҳий дунёси бадиий ифодасини топган. Воқеалар туркларнинг асл ватанида, икки дарё оралиги –

Мовароуннаҳрда, Хуросонда, Самарқанд, Олмалиқ ва Туркистоннинг кенг саҳроларида бўлиб ўтади. Қисқаси, олим Темур бош ижобий қаҳрамон сифатида тасвирланган бу асарни жуда чуқур таҳлил қилган, унинг тадқиқоти тўла ўзбекчага ўгирилиб, ўқувчиларга етказилса, янада яхши бўлади деб ўйлаймиз.

\* \* \*

Дундар Алпнинг романи турк романчилигида қандай ўрин тутати?

Бу саволга жавоб топиш учун турк адабиёти тадқиқотчилари асарларига муружаат этамиз.

Турк адабиётидаги илк роман Шамсиддин Сомий (1850 – 1904)нинг «Таашшуқи Талъат ва Фитнат», яъни Талъатнинг Фитнатга ошиқлиги ҳақидаги асаридир (таълифи роман 1289 й., 1872 й. босилган дея таъкидланмоқда; 12 жилдлик «Büyük Türk Klasikleri», Ötüken – Söğüt нашриёти, İstanbul 1989 у. cilt 9, s. 111–112).

Ёш олимлардан Муҳаррам Даванч ва Эмрах Қайимқоянинг ёзишича, дунёда тарихий роман жанрига асос солган, 1814 йилда босилган илк роман муаллифи француз Валтер Скотдир. Турк адабиётида эса, тарихий мавзуда ёзилган илк роман Аҳмад Мидхатнинг 1871 йилда чиққан «Йеничерилер» (янгичериклар) романидир. У асарда Учинчи Салим даврида ўтказилган айрим янгиликлар ва у ислохотларга қарши чиққан янгичерикларнинг саргузашти ишқий можаролар воситасида ҳикоя қилинган. Муаллифларнинг таъкидлашича, маршрутият даврида яратилган романлар миллий тушунчани уйғотиш учун ёзилгани билан ажралиб туради. Улар, профессор Закий Таштан айтганидек, «Фазлий Нажибнинг «Даҳшатлар ичида» (3-жилд, 1909–1910), Аҳмад Ҳилмийнинг «Ўксиз Турғут» (1910), Сулаймон Судийнинг «Қизил кўшк» (1914), Дундар Алпнинг «Шарқнинг энг буюк ҳукмдори Темур» (1914), Вассоф Қодирийнинг «Шимол шамоли» (1915), Аҳмад Ножийнинг «Қамар султон» (1914) романларидир. (Doç. Dr. Muharrem Davanç (Eskişehir Osmangazi Ün. Fen-Ed Fak.) ve Emrah Kayımkaya (öğretmen, MEB) «Ragıp Şevki Yeşim in Hayatı, Edebi Şahsiyeti Ve Tarihi Romanları» мақоласи (Turkish Studies – International Periodial

For The Languages, Literature and History of Turkish or Turkic Volume 6/3 Summer 2011, p. 205 – 220 TURKEY).

Юқоридаги фикрларга кўра шуни айтиш мумкин: Дундар Алпнинг бу романи дунёдаги илк романдан юз йилча, турк адабиётидаги илк тарихий романдан қирқ йилча кейин, ўзбек адабиётидаги илк романдан эса ўн йилча олдин нашр этилган.

\* \* \*

Демак, ўн тўққизинчи асрнинг иккинчи ярмида ёзилган турк тарихий романлари умуман миллий тушунчани уйғотишга йўналтирилган бўлса, 1910 йиллардаги тарихий романлар туркчилик ғояси асосида яратилган, улардаги бош мақсад Усмонли салтанатининг чўкиши, кетма-кет енгилишлар натижасида руҳсизланиб қолган миллатни жонлантиришга қаратилган. Бу романлар ичида Дундар Алпнинг «Шарқнинг энг буюк ҳукмдори Темур» романи ҳам алоҳида ўрин тутади.

Биз халқимизнинг мустамлакачилик зулмидан қутулганини ва миллий руҳни юксалтирадиган бундайин асарга жамиятимизда катта эҳтиёж борлигини ҳисобга олган ҳолда бу романи таржима қилдик. Яна шу жиҳати ҳам муҳимки, бу асар Темур ижобий қаҳрамон қилиб тасвирланган туркий тилдаги илк роман сифатида ҳам нодирдир. Шунинг учун уни биз ўзбекчага ўғирдик.

Бу асарнинг ўзбекчага ўгиришимизга яна бир сабаб, Темур бу асарда шарқдаги кўплаб туркий халқларни бир салтанат, яъни ўша даврда дунёнинг энг буюк кучидан бирига айланган Темур империяси байроғи остида тўплаб, тинчликда идора қилгани, бир-бирига душман майда қавмларнинг доимий уруш-жанжалли ҳукмронлигига барҳам бериши билан бир қаторда, Чин деворидан Анқарагача бўлган ҳудудларда барқарорлик яратган жаҳоншумул давлат арбоби сифатида тасвирлангандир.

Бу романдан кейин ҳам турк адабиётида Темур мавзусида асарлар яратилган.

Турк олимларининг тадқиқотларида ёзилишича, Биринчи жаҳон уруши оқибатида Усмонли давлати йиқитилиб, Туркия республикаси қурилгандан сўнгра яратилган илк роман «Қизил туғ», жумҳурият чоғида усмонлилар даврини акс эттирган роман эса Низомиддин Нозифнинг «Қора Довуд» (1928) асаридир. Хуллас, 1920–1990 йиллар орасида тарихий мавзуда Абдулла Зиё Қўзанўғлининг «Отли хон» (1920), «Қўлсиз қаҳрамон» (1930), Фазлий Нажибнинг «Саройлардаги мажнунлар» (1928), Камолиддин Шукрийнинг «Венециялик қул» (1931), Тархан Таннинг «Темурланг» (1935), Акрам Рашиднинг «Хайриддин Барбарус» (1937), Фаридиддин Фозил Тулбандчининг «Барбарус Хайриддин келяпти» (1949), Мурод Сартўғлининг «Теодоранинг ўлими» (1950), Камол Тоҳирнинг «Асир шаҳар одамлари» (1956), Элхон Таруснинг «Ҳукукмат қўноғи» (1962), Тариқ Буғранинг «Кичик оға» (1964), Роғиб Шавқий Яшимнинг «Ёш Усмон» (1964), Маҳмат Сайданинг «Нумруд Мустафо» (1970), Ёвуз Баҳодирўғлининг «Бухоро ўт ичида» (1974), Йилмаз Бўйуноғанинг «Малазгиртнинг уч отлиғи» (1985), Севинч Чўқимнинг «Август бошоғи» (1989) романлари яратилган (юқоридаги манба, 208-бет).

Биз Тархан Таннинг «Темурланг» романи билан таниш эмасмиз, шунинг учун бу асар ҳақида бир нарса дейолмаймиз.

Отатурк давридан кейин босилган Темур мавзусига оид китоблардан бири Қодирий Юртгатопиннинг «Йилдирим Боязид ва Темурланг» асаридир («Кун» нашриёти, Истанбул 1953). Китобга Мунир Хайрий Эгэйли сўзбоши ёзган, унда машҳур италян рассоми Бонифацийнинг Йилдирим Боязид рангтасвири берилган. Тўпламда америкалик атоқли тарихчи Брестид (Brestad)нинг Европанинг ўрта аср қоқоқлигидан кутулиб, янги даврга қадам қўйиши туркларнинг Истанбулни фатҳ этиши билан боғликлиги ҳақидаги ғоятда муҳим фикрлари бор. Яъни, америкалик олим шундай дейди: «Турклар бир шаҳарни, аввал унинг қаршисига бир қалъа қуриб, обдан моддий ва маънавий таъсирлари остига олиб, ичкаридан

эса руҳан таназзулга учратиб, сўнгра бир ҳужум билан забт этадирлар. Истанбул фатҳининг ана шундай илк тайёргарлигини Биринчи Боязид бажарган эди. Унинг сўнгги ҳужумга ўтишига Темур монелик қилганди. Иккинчи Маҳмат бобосининг ўша ишини охирига етказиб, Истанбулни эгаллади. Истанбул фатҳи, бир қалъанинг йиқилиши ё бой берилиши эмас, бир дунёқарашнинг, зехниятнинг йиқилишидир. Турк тўпларининг ўқлари, янги техника ва маданиятнинг ўрта аср қалъаси ва дунёқараши устидан галабасидир, унинг тору мор этилиши тимсолидир. Шунинг учун 1453 йилни тарих ўрта асрнинг тугаши ва янги замоннинг бошланиши деб қабул қилган. Шунга кўра, Маҳмат Фотих янги бир маданиятнинг асосчисидир. Бу ютуқлар учун у ота-боболари ва улар яратган анъана олдида бурчлидир» (4-б.).

\* \* \*

Дундар Алпнинг романи 1912 йилда босилганича XX асрда қайта нашр бўлмаган. Муаллифнинг таржимаи ҳолига оид бирор манба учратмадик, шу боис бу мавзуда ҳам бир не айтилмаймиз.

Роман 2005 йилда Истанбулда, «Evreca Publishing» нашриётида бугунги туркча ёзувда босилиб чиқди (Dündar ALP. Şarkın Büyük Nakarı Timurlenk. Evreca Publishing yay. İstanbul 2005). Китобда нашрга тайёрлаган шахснинг кимлиги айтилмаган. Муаллиф ҳақида ҳам ҳеч нарса ёзилмаган. Албатта, қарийб юз йилча аввал босилган ва унутилаёзган бир тарихий асарнинг ўқувчилар кўлига тегиши қувонарли ва хайрли ҳодисадир.

Таржима жараёнида бу нашр ҳам кўз ўнгимизда турди ва усмонлича матнга солиштириб ўқирканмиз, баъзи фикрлар пайдо бўлди. Роман – санъат асари, унда бир жумла тугул, бир сўз ўзгарса ҳам, унга путур етади. Бизнингча, эски адабиёт намуналари тадбил этилиб (яъни бирор сўз, ҳарф ўзгартирилмасдан) нашр қилингани маъқул; бугунги китобхонга тушунарсиз сўзларга асар ҳошиясида изоҳ берилиши кифоя. Афсуски, бу нашрда бошқача йўл тутилган, асарнинг тилини бугунги китобхонга мослаймиз деган ниятда эркин бир тарзда ёндошилиб, ҳатто романнинг номи ҳам қисқартириб



юборилган: «Şarkın Büyük Hakanı Timurlenk». Юқорида биз бадий асарда ҳар бир сўз алоҳида маънога ва қимматга эгаллигини таъкидлагандик. Мана, роман матнидаги, «Шарқнинг энг буюк ҳукмдори Темурланг» деган сарлавҳадаги биргина «энг» сўзининг қисқартирилиши боис муаллифнинг Темурга муносабати пасайтириб, бузиб берилган. «Шарқнинг буюк хоқони» деган баҳо билан «Шарқнинг энг буюк ҳукмдори Темур» деган фикрнинг бир-биридан жуда катта фарқи бор. Яъни, қадимги турклар империя қурганларида, беш ё ўнта давлатнинг бошида бир хон, барча хонлар бошида бир хоқон (қаган) ўтирган. Темур фақат туркий давлатларни бирлаштириб қолмай, форс, араб ва бир неча бошқа диндаги бошқа миллатларнинг давлатларини ҳам забт этган, уларни бошқарган бир ҳукмдор эди. Шуни кўзда тутиб, биз таржимада муаллифнинг сарлавҳасини ўзгартирмадик. Хуллас, бир сўзни ўзгартириш қанчалар асарга зарар берганини шу бир мисолда ҳар ҳолда ойдинлашди.

Нашрда айрим атамалар ва исмларнинг янглиш ўқилгани ва хато ёзилгани ҳам кўзга ташланади. Масалан, барлос атамасини йерлас (Yerlas s.12), Абу Тарағай (ابو طاراغاي 13 б.) Тар Аға (Tar Ağa, s.12) султон Туғлуқ Темур (تغلق تيمور) исмини Тағлақ Темур (Tağlak Timur s.66), Шер Баҳром (شیر بهرام 161 б.) Шимшир Баҳром (imşir Behram s.113), Жужи сулоласи (جوچی 232 б) Жевжи (Sevci, s.163) дея; ёки усмонлича матндаги қайинбиродари (قاین برادرى 141 б.) Кауипедери (s. 99), яъни қайниси сўзи қайнотаси дея бузиб берилган.

Роман муаллифи эски туркларда қўшинга оид сўзларни ҳам унумли ишлата билган. Масалан, Темур қилган хизмати учун мингбоши унвонига эришади, усмонлича матндаги «Арслон Темур, сени мингбоши қилдим!» (45 б) дейилган хитоб янги нашрда «Seni Meniğbaşı yaptım!» (s.34) яъни, «Сени Манигбоши қилдим» дея маъносиз тарзда ифодаланган. Араб ҳарфлари мингбоши шаклида ёзилгани балки ноширларни адаштиргандир.

Усмонлича матндаги «Bir Mahkūmiyet-i Müdhişe» (35) сарлавҳаси «Müthiş Bir Mahkūmiyet» (s. 27) дея ўзгартирилгани ҳолда, муаллиф тили тарихийликка терс ўлароқ «валинематлари» ибораси «liderleri лидерлари», «интиқом руҳи»

эса «intikam psikolojisi интикам психулўжиси» дея бузиб берилган.

Усмонлича матнда ҳам, Туркистон ўлкаси муҳитига но-муносиб сўзлар қўлланилган ўринлар бор. Масалан, Султон Туғлуқ Темур қўмондон Т. Баҳодирга «ўн минг лира эҳсон берилсин» дейди (112 б., янги нашрда тузатилиб, ўн минг олтин, дейилган (79 б.), бу янги нашрнинг тайёрлаганларнинг ютуғидир, албатта. Чунки лира Туркия муҳитига оид пул бирлиги, Туркистон тарихига боғлиқ асарда олтин ё ақча дейилиши мувофиқдир.

Табдил ёки ноширга оид нуқсонлардан ташқари, асарда айнан муаллифга тегишли баъзи камчиликлар ҳам сезилади. Булар асосан тарихий муҳитга мос бўлмаган сўз ва атамалардир. Масалан, муаллиф режа, лойиҳа маъносидаги «проже» (усм. 87 б., янги нашрда 63 б.), рицар англамидаги шўвалёе (усм. 229 б., 158) сўзларини қўллайди. Аммо булар жузый нуқсонлар бўлиб, асарнинг умумий ютуғини пасайтирмайди деб ўйлаймиз.

Тагин шуни ҳам айтиш керакки, муаллиф матнидаги эски усулга хос узун, мураккаб жумлалар кескин қисқартирилиб, асарга жуда қаттиқ зарба берилган. Масалан, Темур ва Тоштуғойнинг тўй кечасидаги тўй тасвири табиат гўзаллигига мутаносиб, эски давр руҳига мос тасвирларда берилган. Аммо янги нашрда у қисқартириб юборилган. Қисқа шакли шу: «Timur çok sevdiği Olcay Türkan`a kavuştuğu bu geçede insanların sevinçlerine karşılık sabahlara kadar uyumadı. Türkan`in güzelliğine dair söylediği hikayeler yetersiz kalıyordu» (s. 40). Бу парча усмонлича матнда қуйидагича берилган: «...Temur sevdiği Olcay Türkan`ıye kavuştuğu bu geçede haricin suru sururine mukabil sabahlara kadar uyumadı... Mülkin sevdiğinin hak-i payi hüsnüna sarpdığı pürnür naşideleri bir demet halinde geçen saatların her anına hadiya ediyor ve yine medh-u tevsifinde pek aciz kaldığı Olcay Türkaninin şaşaa-i mahasnini saymağa başlayarak diger bir demet hazırlamağa hasrı nefis ediyurdi» (усмонличаси, 54 б.). Ўзбекчаси: «Темур севгилиси Тоштуғой Турканга қовушган бу кечада, тўйнинг суруру завқидан таъсирланибми, тонггача ухлай олмади. У хаёлан бор-йўғини севгили ёрига бахш айлар, унинг гўзаллиги берган бу пурнур, нашидали соатларнинг ҳар бир онага ўз ҳаётини ҳадя этар ва

яна мадху тавсифида жудаям ожиз қолгани Ўлжой Туркан гўзаллиги кўкига термула-термула унинг порлоқ юлдузларини санамоққа бошлар ва улардан ўйларида бир гулдаста ясар эди...»

Янги нашрдаги бундай қисқартиришлар оқибатида маъно бузилган ўринлар ҳам учрайди. Масалан, «Ertesi gün orada Sultan Tağlak Timur aramaya başladı...» (98 б.), яъни, «Эртаси кун у ерда султон Тағлақ Темурни қидирмоққа бошлади...» жумласи усмонлича матнда бошқача. Яъни «Эртаси кун у ердаги султон Туғлуқ тарафдорлари билан биргаликда Темурни қидирмоққа бошлади» («Ertesi kün orada şah Tuğluk tarafdarı olanlarla tavid-i masayî edarak Timur aramaya başladı...» 141 б.). Демак, бой Самарқандга келиб, шаҳарда султон Туғлуқ тарафдорларини топади ва улар билан бирга Темурни қидиради; афсуски, янги нашрда матн бузилган ва натижада, бой амир Темурни эмас, султон Туғлуқ Темурни қидираётган бўлиб қолган.

Ёки Темур Ҳиндистонга юборган изкувар Тоштуғайнинг унга юборилган махфий мактубида бундан кейин ўзининг исмини Кундуз деб ёзажagini билдирган жумла ҳам тушиб қолган, хат охирига қўйилган Тош туғой Кундуз имзоси тушиб қолгани учун унинг хатлиги ҳам билинмайди (دركى مکتوبىمده طاش طغای اسمنى كوندوز تفصيلات ویریرم. طاش طغای كوندوز) ва бу романнинг яхши тушунилишига халақит қилади (232 ва 156-бетлар).

Бу каби жузъий нуқсонлар, албатта, 2005 йилдаги нашрнинг қиммати ва аҳамиятини озайтирмайди, чунки у қарийб юз йилдан кейин Дундар Алпнинг Темур ҳақидаги бу муҳташам романи билан яна бир бор турк ўқувчисини таништирди, биз буни самимий қутлаймиз.

Романнинг янги нашри борасида атайин узунроқ фикр юритганимизнинг сабаби бор. Яъни, агарда асар усмонличадан эмас, мана шу янги нашрдан бошқа тилларга ўгирилса, бу ва бу каби хатолар ўша таржималарга ўтиши табиийдир. Бундан шу хулоса чиқмоқда: асар 2005 йилдаги нашрдан эмас, имкони борича аслидан, 1912 йилда босилган матндан бошқа тилга ўгирилиши фойдалидир деб ўйлаймиз.

Биз таржимани нашрга тайёрлашда баъзи ўзгартиришлар қилдик, буни айтиб ўтиш жоиз. Маълумки, XX асргача Темур ҳақида ёзилган деярли барча китобларда уни Темурланг деб аташган; бу романни аср бошида Туркияда битган муаллиф ҳам Темурланг деб ёзган. Биз таржимада Темур деб олдик; романинг илк боби сарлавҳасиз бошланган, асар давомидаги бобларнинг сарлавҳаси борлигини кўзда тутиб, мазмундан келиб чиқиб, унга «Номаълум отлик» дея сарлавҳа қўйдик.

Муаллиф роман сўзбошисида «Кейинги даврларда дунёда шаклланаётган миллий ҳокимиятни ўз даврида у кашф этган; тузуклари, сиёсий тутумлари билан улусига қонун ҳукмронлигини кўрсатмоққа интилган, фақат бунга эришолмаган. Темур даҳосининг ёдгори бўлмиш қурултой (мажлиси маъбусон – депутатлар кенгаши) унинг қийматини, буюклигини кўрсатувчи бир тарихий ҳақиқатдир. Темурнинг кимлигини англамак учун биргина ўша шоҳ асарни – қурултойни билмак ҳам етарлидир» дейди. Дунёда энг илғор давлат ва конституцияни Францияда яратилган деган фикр қабул қилинган. Демократиянинг энг муҳим асосларидан бири халқ ва унинг вакиллари билан кенгашиб иш қилишдир. Муаллиф Темурнинг буюк ишларидан бири, ўша XIV–XV асрларда давлат юритиш тузугини яратганини ва салтанатни қурултой-парламент воситасида бошқарганини таъкидламоқда. Демак, депутатлар иш юритадиган парламент Темур давлатида бўлгани фактини алоҳида урғулаш билан муаллиф биз адолатни ғарбдан ўрганаётганимиз йўқ, буни беш юз йил олдин Темур амалда қўллаб кўрсатиб қўйибди, деган фикрни илгари сураётгани, бунга терс қараш пуч бир сафсата экани бугунги ўқувчига-да аён. Шундан келиб чиқиб, Темур ҳақидаги бу роман ўзига хос бадиий қимматга эга бўлиши билан бирга, бугунги мустақил Ўзбекистон учун муҳим сиёсий аҳамиятга моликлигини ҳам таъкидлаш лозим. Темур дунёнинг катта бир қисмини ана шу қурултойга суяниб бошқарганида, бошқарувни адолат асосида юритганини, у замонларда ҳали Оврупода шаҳар давлатлар ҳукм сургани, Америкада ҳам ҳали замонавий давлатлар қурилмаганини ҳисобга олганда, бу тарихий ҳодисанинг ижтимоий аҳамияти янада аён бўлади деб ўйлаймиз.

*Тоҳир ҚАҲҲОР*

## МУНДАРИЖА

*Тоҳир Қаҳҳор таржимаси:*

<i>Муҳтарам туркликка (Сўзбоши) Дундар Алт</i> .....	3
I. Номаълум отлик .....	8
II. Тутқунлик .....	13
III. Даҳшатли ҳукм .....	23
IV. Қалъа ичидан забт этилади .....	28
V. Кундузи уруш, кечаси тўй .....	35
VI. Машъум кеча .....	39
VII. Мудҳиш интиқом .....	42
VIII. Қотилларга нима бўлди .....	45
IX. Фалокат .....	53
X. Мактубнинг сири .....	56
XI. Султон Туглуқнинг буйруғи .....	64
XII. Такал Баҳодирнинг қўшни .....	69
XIII. Ўлим ҳукмидан сўнг .....	74
XIV. Ўзингдан бало чиқса .....	89
XV. Темурнинг қайноғаси Хусайн душманлар орасида .....	94
XVI. Фалаба нишони .....	97
XVII. Мовароуннаҳр ҳукмдорлиги ва Темурнинг тахтга чиқиши .....	103
XVIII. Тикбошли жаҳонгир насли .....	109
XIX. Қоплон ҳузурида .....	115
XX. Темурнинг Мўсқўва юриши .....	118
XXI. Интиқом .....	120
XXII. Қипчоқ сафарининг сўнги .....	134

*Собир Сайхон таржимаси:*

XXIII. Эронлик темирчининг фитнаси ва Темур қўшинининг мағлубияти .....	136
XXIV. Қотиллар ер остида .....	142
XXV. Эрон музаффарияти ва қасос .....	146
XXVI. Хизир ўлдирган қоровул .....	151
XXVII. Турк аскарлари .....	155
XXVIII. Деҳли султониға қарши уруш эълони .....	158
XXIX. Бу ким эди? .....	160
XXX. Малъунлар қилмиши .....	162
XXXI. Хотима .....	165
Темур ҳақидаги илк туркча роман. ( <i>Сўнгсўз</i> ) <i>Тоҳир Қаҳҳор</i> ...	166

Адабий-бадний нашр

*Дундар АЛШ*

**Шарқнинг энг буюк  
хукмдори ТЕМУР**

Роман

Муқовада *Алишер АЛИҚУЛОВ*  
суратларидан фойдаланилди

Усмонли туркчадан Тохир Қахҳор ва  
Собир Сайхон таржимаси

Муҳаррир *И. Аҳмедов*  
Рассом-дизайнер *Д. Мулла-Ахунов*  
Техник муҳаррир *Б. Каримов*  
Кичик муҳаррир *Г. Ералиева*  
Мусахҳиҳ *Ш. Шоабдураҳимова*  
Компьютерда тайёрловчилар: *Л. Абкеримова,*  
*Г. Қулназарова*

Нашриёт лицензияси АІ № 158, 14.08.2009.  
Босишга 2018 йил 10 сентябрда рухсат этилди. Офсет қоғози.  
Бичими 84x108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. «Times» гарнитурасида офсет усулида босилди.  
Шартли босма табағи 9,66. Нашр табағи 9,98.  
Адади 5000 нусха. Буюртма № 17-519.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «O‘zbekiston»  
нашриёт-матбаа ижодий уйи. 100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

e-mail: [uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz](mailto:uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz)  
[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)



**Алп, Дундар.**

**А 54 Шарқнинг энг буюк ҳукмдори Темур [Матн]  
/Д. Алп. -Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2018. -184б**

**ISBN 978-9943-25-427-5**

**УЎК 821.512.161.-31  
КБК 84(5Турк)**



«O'ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-25-427-5



9 789943 254275